

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ШАРҚ МАДАНИЯТИ ВА МЕРОСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

**КАМОЛА РАХМАТЖОНОВА**

**ҲИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОН ВА  
КЕЛИШИК ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ  
ЧОҒИШТИРМА ТИПОЛОГИЯСИ**

Тошкент – 2022

**К.А. Рахматжонова** – Ҳиндий ва ўзбек тилларида сон ва келишик грамматик категорияларининг чофиштирма типологияси. – Тошкент, 2022. – 120 б.

Ушбу монография ҳиндий ва ўзбек тилларида сон ва келишик грамматик категорияси таснифи, уларнинг структур, семантик ва функционал хусусиятига кўра тафовут ва ўхшашликлари масалаларини илмий ўрганишга бағишлиланган бўлиб, шарқшунос-тилшунослар, шунингдек, шу соҳада тадқиқот олиб бораётган мутахассисларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррирлар:**

**Ш.Б.Содикова**

филология фанлари номзоди, доцент

**Х.Б.Бегизова**

филология фанлари номзоди, доцент

**Тақризчилар:**

**Х.А.Дадабоев –**

филология фанлари доктори,  
профессор

**Н.Г.Незомиддинов –**

филология фанлари доктори,  
профессор

**Н.Б.Ходжаева –**

филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

*Мазкур монография Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг 2021 йил 7 октябрь 2-сонли мажлис нашрга тавсия этилган.*

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2022



लाल बहादुर शास्त्री भारतीय सांस्कृतिक केंद्र,  
भारतीय राजदूतावास,  
ताश्कंद

प्रस्तावना

इस शोधग्रंथ रूपी पुस्तक में हिंदी और उज्बेकी भाषाओं की विशिष्ट विशेषताओं का विश्लेषण प्रस्तुत किया गया है, जिसमें संख्या की तुलनात्मक-टाइपोलॉजिकल विशेषताएँ - हिंदी और उज्बेकी भाषाओं में व्याकरणिक श्रेणियां शामिल हैं। इस शोधकार्य में मूल भाषा उज्बेकी की तुलना में भारतीय भाषा (भारत-यूरोपीय) परिवार, विशेषतः हिन्दी भाषा का अध्ययन करने, भाषाओं की व्यापकता और विशिष्टता को निर्धारित करने के साथ-साथ भाषा के तथ्यों का अध्ययन करने की आवश्यकता को निर्धारित करती है जो उन्हें करीब, अपेक्षाकृत करीब और दूर लाती है।

इस पुस्तक में तीन अध्याय हैं, जिनमें से पहला अध्याय के तहत भाषा-वैज्ञानिक समस्या से संबंधित सैद्धांतिक ज्ञानकारी से उपलब्ध कराने का सफल प्रयास किया गया है। दूसरे अध्याय में, चयनित भाषाओं की संख्यात्मक व्याकरणिक श्रेणी का अध्ययन द्वारा कार्यात्मक, संरचनात्मक और शब्दार्थ गुणों का श्रेणीगत विश्लेषण है। तीसरा अध्याय जो शोधग्रंथ का मुख्य आधार है, दोनों उपरोक्त भाषाओं की व्याकरणिक श्रेणियों के विभिन्न पहलुओं की वैज्ञानिक एवं साहित्यिक शोध प्रणाली के द्वारा विश्लेषण करता है।

यह मोनोग्राफ हिंदी पढ़ने वाले उज्बेक छात्रों और उज्बेक पढ़ने वाले भारतीय छात्रों के लिए भी उपयोगी प्रमाणित हो सकता है।

मुझे प्रसन्नता है कि शोधकर्ता श्रीमती कमोला रखमतजानोवा जो ताश्कंद राजकीय प्राच्य - विद्या विश्वविद्यालय में पठन-पाठन में कार्यरत है के द्वारा संपन्न हुआ है।

इस दिशा में नई आशाओं के साथ

25/02/2022

प्रोफेसर चूंद्र शेखर  
निदेशक,

लाल बहादुर शास्त्री भारतीय सांस्कृतिक केंद्र,  
भारतीय राजदूतावास, ताश्कंद



*Мазкур монография ўзбек ҳиндишунослигининг  
ўлмас даргаси филология фанлари доктори,  
профессор Озод Насриддинович Шоматовнинг  
порлоқ хотирасига бағишиланади.*

## **СЎЗ БОШИ**

Дунё тилшунослигида, турли оиласларга, тузилишларга хос тилларни бир-бири билан чоғишириб ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланиб, мазкур йўналиш тилшуносликнинг, айниқса, шарқшунослик соҳасининг ривожида катта илмий аҳамият касб этади. Бутунги кунга келиб жаҳон ҳамжамиятида ўзбек тили мавқеининг ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Ғарб ва Шарқ давлатларининг нуфузли университетларида ўзбек тили кафедраларининг мавжудлиги бунинг яққол далилидир. Айни чоғда хорижий тил қонуниятлари, ҳодисаларини ўзбек тили билан боғлаб ўрганиш муҳим вазифа бўлиб келмоқда. Мазкур монографияга икки томонлама ёндашиш мумкин. Биринчидан, мазкур монография илмий нуқтаи назардан ўзбек тили типологиясини ривожлантиради, жумладан, нокардош шарқ тилларини чоғиширма типологик ўрганиш жараёнида шарқшунослик ривожига катта илмий ҳисса бўлиб қўшилади.

Амалий жиҳатдан эса бундай тадқиқотлар шарқ тилларини, айниқса, ҳиндий тилини ўқитиш жараёнида талабаларда ўрганилаётган тилга нисбатан қарашларни ижобий тарафга ўзгартиради. Мазкур монография ҳиндий тилини ўқитувчилар учунгина эмас, балки ўрганувчиларда ҳам тилларни чоғишириб ўрганиш имкониятини туғдиради ва тил ўргатиш ва ўрганишнинг самардорлигини орттиради.

Бутунги кунда дунё тилшунослигида ҳиндий ва ўзбек тилларининг умумий хусусиятлари, ясалиши, маъно ҳамда тузилишига кўра жиҳатлари атрофлича ўрганилиб келинмоқда. Шунингдек, танланган икки тиллар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга оид маълумотлар ҳам таҳлил этилмоқда. Бироқ бир вақтнинг ўзида икки тилни чоғиширма-типологик аспектда тадқиқ этиш XXI асрдаги ўзбек тилшунослигининг янги йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундай вазият шарқ тилини она тили билан чоғишириб ўрганишни, тилларга хос умумийлик ва

хусусийликни аниқлашни, қолаверса, улардаги яқинлаштирувчи, нисбатан яқинлаштирувчи ва узоклаштириувчи тил фактларини ўрганиш заруратини белгилайди.

Монографиянинг биринчи боби энг муҳим қисмлардан бири ҳисобланиб, бу унинг пойдеворидир. Чунки бирон тадқиқот иши олиб боришдан аввал мавзуга доир барча илмий-назарий маълумотлар билан танишиб чиқиб, уларни ўрганиб, уларга илмий хуносалар келтириши керак. Албатта танланган мавзуга доир илмий-назарий асарлар жуда ҳам кўп, бироқ иқтибослар муаллифнинг танлови асосида қўйилишга ҳақли. Ишда келтирилган барча иқтибослар керакли ўринларда ва мавзуга мос равишда қўйилган ва улар бир система асосида шакллантирилган.

Ҳиндий тилида отга хос грамматик категориялар орасида жинс грамматик категорияси алоҳида аҳамиятга эга. Бу категория сон ва келишик грамматик категориялари ифодаланишида ўз таъсирини кўрсатади. Ўзбек тилида эса жинс грамматик категорияси мавжуд эмас. Ўзбек тилида мантиқий жинс мавжуд. Бундай номутаносиблик типологик тадқиқот жараёнида чалкашлиқ ва қийинчилик туғдиради. Шунинг учун тадқиқотчи тўғри танлов қабул қилиб, икки тилга хос бўлган сон ва келишик грамматик категорияларини чоғишиштирган.

Ишга сон грамматик нуқтаи назардан ёндошилганда, уч ёқлама таҳлил амалга оширилганини кўриш мумкин, яъни бутун иш бир лингвистик тизим асосида тадқиқ этилган. Ушбу тизим структура, семантика ва функциявий жиҳатларни ўз ичига қамраб олади. Чоғишиштирма таҳлиллар жараёнида диссертант томонидан ҳиндий ва ўзбек тилларида сон грамматик категорияси жиҳатидан яқинлаштирувчи тил фактлари узоклаштирувчи тил фактларига қараганда кўпроқ учраши тўғри кўрсатилган.

Келишик грамматик категорияси ҳақида гапирганда, муаллиф ҳиндий тилидаги келишик грамматик категориясини ҳинд ва европа тилшунослари орасида баҳс-мунозарали эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида ҳинд тилшунослари орасида ҳам келишик грамматик категорияси сон жиҳатидан турлича келтирилади. Рус ҳиндшунослари эса мазкур масалага структур ва семантик жиҳатдан ёндошган ҳолда ҳиндий тилидаги келишиклар сонини учта деб кўрсатадилар. Монографияда ҳиндий тилидаги келишик

категориясига олимларнинг фикрларида яқдиллик йўқлигига қарамай, унга муаллиф томонидан шахсий илмий муносабат кўрсата олинган.

Келишик масаласига ҳам уч ёқлама ёндошилган бўлиб, структур, семантик ва функционал жиҳатидан ҳинд тилшунослари фикрига мантиқан тўғри қўшилган. Чунки бундай ёндошув ҳиндиј ва ўзбек тилларида чоғиштирма типологик тадқиқот олиб боришда қулайлик туғдиради. Муаллиф айтганидек, ҳиндиј ва ўзбек тилларида келишик синтактик грамматик категория бўлганиги сабабли ишда иккала тилга оид келишик шакллари билан боғлиқ сўз биримларига доир моделлар тузилган ва улар ўзаро чоғиштирилган.

Умуман олганда бу каби чоғиштирма-типологик аспектдаги монографиялар тиллараро муносабатларни ривожлантиради ва бундай ишларни кўпайтиришни давр тақозо этмоқда.

Филология фанлари номзоди,  
доцент Х.Бегизова

## МУҚАДДИМА

Барча соҳада умумийлик билан бир қаторда хусусийлик ҳам бўлиши муқаррар. Тилшуносликда ҳам айнан шундай. Бир тилни иккинчиси билан таққосланиб ўрганилар экан, тадқиқотдан ҳосил бўлган натижалар, умумий хулосаларни бошқа тиллар назаријасини ўрганишда ҳам қўллаш мумкин. Масалан, тилларда отга хос грамматик категориялар: сон, жинс, келишик, эгалик категориялари дунё тилларининг аксарияти учун умумийdir. Айни вақтда мазкур умумийлик ички хусусиятига кўра хусусийлашади.

Ушбу монографияда ҳиндий ва ўзбек тилининг от сўз туркуми билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларига оид маълумотлар, жумладан, ҳиндий ва ўзбек тилларидағи отга хос сон ва келишик грамматик категориялари чоғиштирма-типологик хусусиятига кўра таҳлил этилган. Бундай вазият шарқ тилини она тили билан чоғиштириб ўрганишни, тилларга хос умумийлик ва хусусийликни аниқлашни, қолаверса, улардаги яқинлаштирувчи, нисбатан яқинлаштирувчи ва узоқлаштирирувчи тил фактларини ўрганиш заруратини белгилайди.

Монография уч бобдан иборат бўлиб, биринчи боб тадқиқотда кўзланган илмий муаммо билан боғлиқ назарий маълумотлар билан бойитилган. Иккинчи бобда танланган тилларга оид сон грамматик категорияси функционал, структур ва семантик хусусиятига кўра тадқиқ этилган. Учинчи боб монографиянинг асосий негизи ҳисобланиб, унда икки тилга хос келишик грамматик категориясининг ҳам шу уч асосга кўра жиҳатлари ўрганилган.

Ишда фойдаланилган ашёвий манбалар таниқли ёзувчилар Премчанднинг *प्रेमचंद – मानसरोवर Premchand Ma:nsarovar* «Танланган асарлар тўплами», Браж Бхушаннинг *आलोक A:lok* «Ёруғлик» (New Delhi, 1989) асари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» (Тошкент, 2018) ҳикоялар тўплами ҳамда Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» (Тошкент, 1989) асарларидан олинган.

# **ХИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОТ СЎЗ ТУРКУМИ ВА УНГА ХОС ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР**

## **Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос грамматик категорияларнинг тавсифи ва таснифи**

Нутқдаги барча сўзлар лексик-семантик, морфологик ва синтактик хусусиятига кўра туркумланади. Ҳар бир туркумга мансуб сўзларнинг ўзига хос шакллари бўлиб, бу шакллар морфологик парадигмаларни ташкил қиласи ва маълум грамматик категориилар билан боғлиқ бўлади. Жумладан, отлар грухини ташкил қилувчи сўзлар семантик жиҳатдан турли хил бўлиб, грамматик жиҳатдан сўз ясовчи аффикслар, эгалик, сон, келишик қўшимчалари, жинс шакллари билан характерланади.

Тилшунослик соҳасидан маълумки, тилларда асосан лексик ва грамматик маъно мавжуддир. Лексик маъно дунёдаги воқеа-ҳодиса, иш-харакат, нарса-буюм, ранг-тус, белги-хусусият, сон каби умумий маънолар билан боғлиқдир: *с.р.к* *saRak* «кўча», *к.п.р.* *kapRa*: «кўйлак», *в.р.* *baRa*: «катта» каби. Грамматик маъно эса лексик маънодан фарқли ўлароқ, нарса ва ҳодисаларни акс эттирмайди. У бир ёки бир нечта сўз туркумларига хос бўлади. Лексик ва грамматик маъно хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қиласа-да, нутқда бир-бири билан узвий боғлиқдир. Масалан, *п.р.к* «китоб», *л.р.к* *laRka* «ўғил бола» сўзларининг лексик маънолари турлича, бироқ грамматик жиҳатдан бу сўзлар бирлик сон ва бош келишикдадир. Мазкур сўзларга бирор қўшимча қўшилса, масалан, -га (жўналиш келишиги қўшимчаси) *п.р.к* *ко* «китобга», *л.р.к* *ко* *laRke ko* «ўғил болага» мазкур сўзлар бирлик ва жўналиш маъноларини англатади. Кўринадики, грамматик маъно ва грамматик категориилар узвий боғланган.

Аксарият ҳинд-европа тилларида от туркуми учун одатда уч грамматик категория, яъни жинс, сон, келишик категориилари хосдир. Кейинги йиллардаги грамматик изланишларга кўра,

отнинг морфологик категориялари сафига тўртинчи, яъни аниқлик ва ноаниқлик категорияси ҳам киритилмоқда<sup>1</sup>.

Таниқли рус ва ўзбек ҳиндунослари Г.А.Зограф, З.М.Дымщиц, В.П.Липеровский, О.Н.Шоматов асарларида ҳам, бирон бир нарса-буюм, жой, ҳис-туйғу ва шахснинг номини билдирувчи сўзларга от дейилади. Ҳиндий тилида от сўз туркумига уч грамматик категория: жинс, сон ҳамда келишик хосдир<sup>2</sup>, деб таъкидланади.

Ҳинд ҳиндунос олими С.Сатянараяннинг фикрига биноан, шахс, нарса-буюм, жой ва ҳис-туйғунинг номини от сўз туркуми ифодалайди. Унинг таъкидлашича, ҳиндий тилида от сўз туркумидаги сўзлар атоқли отлар, турдош отлар ҳамда мавхум отлар гуруҳига бўлинади<sup>3</sup>.

Замонавий ҳинд тилшунослиги вакилларидан бири В.Прасаднинг таърифича, грамматик категорияларга эга бўлиб, нарса-буюм, ҳис-туйғу ва шахс номларини билдирган сўзлар от дейилади. Унинг қайд этишича, ҳиндий тилида отга хос сўзларнинг туркумланиши ҳақида турлича назариялар мавжуд. Бироқ кўп грамматик асарларда отлар бешта асосий гуруҳга ажратилган: турдош отлар, атоқли отлар, гуруҳ номларини билдирувчи отлар, мавхум отлар ҳамда кимёвий элементлар номларини англатувчи отлар; мазкур отларга уч грамматик категория – жинс, сон ва келишик хосдир. Ўз навбатида ҳиндий тилидаги барча гуруҳга мансуб отлар – ҳис-туйғу отлари ҳамда нарса-буюм отларига бўлинади<sup>4</sup>.

Ўзбек тилшунослиги вакили Қ.Сапаев фикрича, предметлик маъносини англатадиган сон, келишик ва эгалик каби грамматик маъноларни ифодалайдиган мустақил сўз туркуми от дейилади.

---

<sup>1</sup> Colin P.Masica the Indo-Aryan Languages, Cambridge, Cambridge University, 1991, – Р.248.

<sup>2</sup> पृथ्वीनाथ पाण्डेय – आधुनिक हिन्दी व्याकरण” भारतीय पुस्तक परिषद – दिल्ली, 2015. – पृ०50.

<sup>3</sup> सत्यनारायण सी. एस. – हिन्दी व्याकरण तथा निबन्ध – एस. चन्द्र एण्ड कम्पनी, नई दिल्ली, 1987. – पृ०17

<sup>4</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ०72.

Унга кўра, отлар шахсни, аниқ нарса ҳамда мавҳум тушунча билдирувчи номларни ифодалайди. От сўз туркуми учун хос бўлган асосий хусусият сон, эгалик ва келишик категориясига эга бўлишидир. От ўзи олган келишик шаклига мувофиқ эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ва кесим шунингдек, номинатив атов (гап), ундалма вазифасида келади. Сон ва келишик категориялари от учун доимий, эгалик категорияси эса доимий бўлмаган категориядир. Отларни семантик ва синтактик вазифасига кўра қўйидагича таснифлаш мумкин: атоқли отлар, турдош отлар, аниқ отлар, мавҳум отлар, якка отлар, тўда отлар.<sup>5</sup>

З. Т. Холманованинг фикрига кўра, нарса-буюм, мавҳумлик маъносини билдирувчи сўзлар от дейилади. От сон, эгалик, келишик каби грамматик категорияларга, турли маъно ва вазифа учун хизмат қилувчи вазифавий шаклларга, шунингдек ўзига хос тарзда ясалиш хусусиятига эга; от, сифат, сон, олмош, равиш ва феъл билан бирика олади; от барча гап бўлаклари вазифасида кела олади<sup>6</sup>.

Маълумки, тил ҳодисасида грамматик маъно ифодаловчи воситалар етакчи ўрини эгаллайди. Тилшуносликда грамматик категория масаласи ҳар қандай тил морфологиясининг асосини ташкил этади. Бирон бир тилдаги жумлани тушуниш учун фақатгина лексик бойликка эга бўлиш етарли эмас. Грамматик билимга эга бўлмай туриб, бирон бир тилни мукаммал ўрганишнинг иложи йўқ. Тилларга хос грамматика мукаммал ўрганилгандагина жумлаларни тушуниш мумкин. Грамматик категориялар тилдаги сўз туркумлари учун характерлидир. Ҳар бир тилда ўзига хос грамматик маънолар ва уларнинг ифода услублари мавжуд. Бу грамматик қонун-қоидаларни тушуниш ниҳоятда муҳим. Грамматик категориялар грамматик маъно ва грамматик шаклдан ташкил топади. Масалан, ўзбек тилида отга хос сон грамматик категориясини олсак. Бу грамматик категорияга бирлик ва кўплек каби маъновий, ноль морфема ҳамда -лар аффикси каби шаклий хусусиятлар хосдир.

Шу ўринда «категория» ва «грамматик категория» тушунчаларини ажратиб олиш керак. Улар умумий ва хусусий

<sup>5</sup> Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. – Т., 2009. -Б.86.

<sup>6</sup> Холманова З.Т. Тилшуносликка кириш. – Т., 2007. -Б.118.

белгиларига кўра фарқланади. Категория – кенг маънода тил элементларининг маълум бир умумий ўхшашлигига кўра ажралган ҳар қандай гурухдир.

В. Н. Ярцеванинг фикрига кўра, грамматик категория маълум тилда грамматик шакллар тизими орқали ифодаланган умумлашган маънони билдиради, унинг структураси тилнинг морфологик типига боғлиқ бўлади<sup>7</sup>.

Тилшуносликдаги грамматик категория маҳсус кўрсатгичлар ёрдамида сўзларнинг ўзгариш, бирикиш ва гап ҳосил қилиш каби қоидаларига асосланган умумграмматик тушунчадир.

Грамматик категория – асосида ётувчи умумий маъносига кўра бирлашувчи шакллар тизими. Грамматик категориянинг одатда икки тури фарқланади: морфологик ва синтактик категория<sup>8</sup>.

Морфологик категория – бир-бирига қиёсан олинадиган икки ёки ундан ортиқ грамматик маъно ва ана шу маъноларни ифодаловчи шакллар тизими. Масалан, ўзбек тилида отга хос сон категорияси, феълнинг замон категорияси<sup>9</sup>.

Синтактик категория эса асосида ётувчи маъносига кўра бирлашиб, синтактик муносабатни кўрсатиш учун хизмат қилувчи шакллар бўлиб, келишик категорияси бунга мисол бўла олади<sup>10</sup>.

Бундай ёндашув ўзбек тили сингари туркий тилларга ҳам хосдир. Аммо баъзи тилларда, жумладан, санскрит, лотин каби классик ҳинд-европа тилларида келишик категорияси синтактик эмас, балки морфологик категорияга мансубдек туюлади<sup>11</sup>.

Грамматик категориялар бирор тилнинг муайян сўз туркумларига хос, бошқа сўз туркумларига хос бўлмаслиги

<sup>7</sup> Ярцева В.Н. Иерархия грамматических категорий и типологическая характеристика языков. В.кн.: Типология грамматических категорий. -М.: Мещаниновские чтения. 1975. -С.5

<sup>8</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б.32.

<sup>9</sup> Ўша асар. – Б.66.

<sup>10</sup> Ўша асар. – Б.89.

<sup>11</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: 2002, 3 том. – Б.396.

мумкин. Масалан, ҳиндий тилида сон грамматик категорияси от, сифат, олмош, сон ва феъл сўз туркумларига хос бўлса, ўзбек тилида мазкур категория сифатлар учун хос эмас. Аниқлик ва ноаниқлик категорияси фақат артиклга эга бўлган тиллар учун тааллуқлидир. Жинс категорияси ҳам асосан от ва олмошлар учун хосдир.

М. К. Докулилнинг фикрича, грамматик категория бир қадар кенг тарқалган маънога эга бўлиб, шакл ва маънонинг диалектик бирлиги саналади ва ўз навбатида, маъно ва шакл хусусиятига эга бўлиб, ифодаловчи ва ифодаланмишни бирлаштирадиган белгидир<sup>12</sup>.

Шуниси эътиборлики, грамматик категория бўлиши учун алоқа ва алоқага тушувчи бирликлар зарур. Муайян маъно умумийлиги асосида бирлашган ва ўзаро зидланувчи шакллар тизими грамматик категория ҳисобланади. Грамматик категория грамматик шаклларнинг оддийгина йиғиндиси эмас, балки маълум турдаги грамматик шаклларнинг барқарор муносабатлари тизмасидан иборат янги бир бутунликдир. Грамматик маъно аффикслар, суффикслар, редупликация, инкорпорация каби морфологик усуллар билан воқеланади.

Маълумки, дунё тилларида грамматик маъноларнинг ифодаланиши тилшунос олимларнинг эътиборини тортган муҳим масалалардан биридир. Қолаверса, мазкур масалани чоғиштириб ўрганиш яхши натижада беради.

З. Т. Холманованинг фикрича, сўзнинг у ёки бу туркумга мансублигини кўрсатувчи, сўзнинг маълум бир грамматик шакл орқали ифодаланадиган маъноси грамматик маъно ҳисобланади: *қалам, сув, тош, олма, боз, уй* сўзлари бир грамматик маънога мансуб сўзлар ҳисобланади. Сўзнинг маълум бир грамматик маъно ифодаловчи шакли сўзнинг грамматик шакли дейилади. Грамматик маънени ифодаловчи морфема грамматик кўрсатгич ҳам дейилади. Масалан, ўзбек тилида сон грамматик категориясининг кўрсатгичи *-лар*. Грамматик шаклнинг уч тури мавжуд:

---

<sup>12</sup> Докулил М.К. Вопросы морфологических категорий // Вопросы языкознания. 1967. №6. – С.5-6.

1. Аффикслар (қўшимчалар) орқали ясалувчи шакл: *уйни*, *уйда*, *уйдан*; *ўқияпман*, *ўқияпсан*, *ўқияпти* каби. Аффикслар ёрдамида ясалувчи шакл синтетик шакл дейилади.

2. Ёрдамчи сўзлар орқали ҳосил бўлувчи шакл: *укам учун*, *парк томон*, *ўқиб кўр*, *ўқиб чиқ* каби. Ёрдамчи сўз воситасида ясалувчи шакл аналитик шакл дейилади.

3. Жуфт ва такрорий шакл: *қозон-товоқ*, *яхии-ёмон* жуфт шакллари умумлаштириш маъносини; *баланд-баланд*, *қатор-қатор*, *кула-кула* кабилар қўплик, таъкид, такрор маъноларини ифодалайди<sup>13</sup>.

Хиндий тилида от сўз туркумига учта грамматик категория хосдир: 1) гапда сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиласиган келишик категорияси, 2) бирлик ва қўпликни ифодаловчи сон грамматик категорияси; 3) отларнинг *пуллинг* *pulling* ва *стрилинг* *stri:ling*, яъни музаккар ва муаннас<sup>14</sup> жинсига мансублигини билдирувчи жинс грамматик категорияси.

Жинс – бу умумий аниқ белгиларга эга бўлмаган грамматик категориялардан бири. Анча вақтгача жинс категорияси тиллардаги сўз туркумлари, жумладан, от сўз туркумида уларнинг биологик хусусиятидан келиб чиқишига асосланган эди<sup>15</sup>.

Хозирги кунда ҳам жинс грамматик категорияси аксарият тилларнинг от сўз туркумига хос предметлик маъносини ифодаловчи воситалардан биридир. Жинс категорияси инглиз тилида *gender* деб аталиб, бу сўз лотин тилидаги *genus* сўзидан олинган бўлиб, маъноси «синфлаштириш» дир<sup>16</sup>. Бу грамматик категория тилларда морфологик, лексик, синтактик йўллар билан

<sup>13</sup> Холманова З.Т. Тилшуносликка кириш. – Т., 2007. – Б.117.

<sup>14</sup> Жинс грамматик категорияси ўзбек тилида мавжуд эмаслиги боис хиндий тилидаги эркак ва аёл жинсига мансуб сўзлар аввал амалга оширилган илмий ҳамда ўқув-услубий ишларга таянилган ҳолда музаккар ва муаннас тарзида берилди. Қаранг: Шоматов О.Н. Хиндий тили меъёрий грамматикаси, -Т., 2010; Аурова Р.А., Раҳматов Б.Р., Содиқова М.Қ. Хиндий тили дарслиги. – Т, 2008.

<sup>15</sup> Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.71.

<sup>16</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ० 68

ифодаланади. Маълумки, баъзи тилларда биологик жинс ҳам ўз ифодасини топади, яъни фақат жонли мавжудот-шахс, ҳайвонот, қушларни билдирувчи баъзи отларни ифодалайди: *ота-она*, *акаука*, *она-сингил*, *сигир-буқа*, *қўй-қўчкор*, (кушларга нисбатан) *мода-нар* каби.

Ҳиндий тилида сўзларнинг гапда муносабатга киришишида жинс грамматик категорияси алоҳида аҳамиятга эга. Масалан,

සଡ଼କ *saRak* «кўча» муаннас жинсдаги жонсиз от,

ପେଡ ପେର «ଦାରାହତ» ମୁଜକର ଜିନ୍ସଦାଗି ଜନ୍ସିଜ ଥିଲା,

କଚ୍ଛି ସଡ଼କ *kacci*: *saRak* «ଅସଫାଲ୍ଟଲାନ୍ମାଗାନ କୁଚା»,

ଓଂଚା ପେଡ ଉନ୍ସା: ପେର «ବାଲାନ୍ ଦାରାହତ»

Юқоридаги мисолларда аниқловчи муаннас ва музаккар жинсдаги отлар билан мослашган.

କଚ୍ଛି ସଡ଼କେ ଦିଖାଯି ଦେ ରହି ହଁ *Kacci: saRakeN dikhayi: de rahi: heiN. ଅସଫାଲ୍ଟଲାନ୍ମାଗାନ କୁଚାର କୁରିନାୟତି;*

ଓଂଚା ପେଡ ଲଗେ ହୁଏ ହଁ *U:nce peR lage hue heiN. ବାଲାନ୍ ଦାରାହତଲାର ଝିଲଗାନ*.

Мазкур жумлаларда икки муаннас ва музаккар жинсдаги отларнинг кўплик шакллари ифодалангандан<sup>17</sup>.

От сўз туркумига мансуб шахс ёки предметнинг аёл ёки эркак тоифасига мансублигини англатган сўзларга линг *ling* «жинс» дейилади. Линг *ling* «жинс» термини, чиҳн *«chihن»* ёки нішан *«nisha:n»*, яъни «белги» маъноларини англатади<sup>18</sup>. Ҳиндий тилида бундай хусусият фақат отларга хосдир. Демак, ҳиндий тилидаги от ё музаккар ёки муаннасада бўлади.

Бутун борлиқ уч асосий тоифа – эркак, аёл ва жонсиз нарсабуюмдан иборат. Кўпгина тилларда мана шу уч тоифадан келиб чиқсан ҳолда жинс категорияси қўйидагича тақсимланади: музаккар, муаннас ва ўрта **ନପୁଣ୍ସକ** линг (*napunsak ling*) жинс. Ҳиндий тилида икки жинс мавжуд: музаккар ва муаннас. Ўрта

<sup>17</sup> Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 3-қисм, 2004. – Б.25.

<sup>18</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ० 68

жинс мавжуд эмас. Ҳиндий тилида отлар асосан икки, яъни жонли ва жонсиз отларга бўлинади<sup>19</sup>.

Жонсиз отларга – *पेर peR* «дараҳт», *पत्त patta:* «барг», *प्याला pya:la:* «пиёла» каби сўзлар кирса, жонли отларга *माता-पिता ma:ta: - pita:* «ома-она», *लड़का – लड़की laRka: - laRki:* «ўғил бола – қиз бола» каби лексемалар хосдир. Жонсиз отларнинг жинсини аниқлаш бироз қийинчилик туғдиради. Бундай отларнинг қайси жинсга мансублигини асосан луғатлар ёрдамида аниқлаш лозим.<sup>20</sup>

Ҳиндий тилидаги гапда жинс грамматик категорияси сифат, олмош, сон, феъл ва послелог<sup>21</sup>лар, яъни қўшимча ва кўмакчи ўртасида оралиқ ўринни эгаллаган граммемаларда намоён бўлади:

मोटा सा आदमी आया है। MoTa: sa: a:dmi: a:ya: hei Семизгина одам (музаккар) келди.

<sup>19</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ०68

<sup>20</sup> वहों – पृ०76.

<sup>21</sup> Тадқиқотда послелог термини М. Ирискулов, орт кўмакчи термини эса О. Шоматов, Р. Аулова, Б. Раҳматов, М. Содиқовалар томонидан нашр қилинган асарларга таянилган ҳолда қўлланган. Бизнинг фикримизча, ҳиндий ва ўзбек тилларидағи келишик кўрсатгичларини чоғиштираматипологик таҳлил этишда орт кўмакчи терминини ишлатиш ҳар доим ҳам мос келавермайди. А. Ҳожиевнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати» га кўра, «кўмакчилар – от ёки отлашган сўзлардан кейин келиб, восита, мақсад, сабаб, вақт, макон каби муносабатларни билдирувчи ёрдамчи сўзлар: *билан, учун, сингари, сайин, қадар* ва б.”. О. С. Ахманованинг «Словарь лингвистических терминов» луғатига кўра, послелог – гапда сўзларни бир-бирига боғловчи ёрдамчи сўз ёки ёрдамчи шакллардир. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот жараёнида аутентик материаллар асосида қўйидаги хulosага келинди, ҳиндий тилидаги келишик кўрсатгичларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: послелоглар (нече ‘0, ҳиндий тилида ўтимли феъллар ўтган замонда қелган эгадан кейин ишлатилади’, кото ‘-ни, -га’, се ‘-дан’, का (के, की) ‘-нинг’, मे ‘-да (ичида)’, पर ‘-да (устида)’ ва орт кўмакчилар (से ‘билан’, मे ‘орасида’, के लिये ‘учун’) каби. Аутентик материаллардан кўринадики, послелог ҳамда орт кўмакчи терминларининг маънолари деярли бир хил, айни чоғда улар орасида баъзи фарқлар ҳам мавжуд.

यह बड़ा कमरा है। Yeh baRa: *kamra:* hei. Бу катта хонадир (музаккар).

यह छोटी लड़की है। Yeh chotTi: *laRki:* hei. Бу кичкина қиз бола (муаннас).

Ўзбек тилида от сўз туркумига эгалик, сон, келишик каби грамматик категориялар мансубдир.

Дунёда жинс у ёки бу тарзда лисоний ифода этилмаган биронта тил мавжуд эмас. Тилда маълум бир номинал таснифнинг мавжудлиги ёки унинг мавжуд эмаслиги ушбу тилнинг тирик мавжудотлар жинсини ифодалаш имкониятига асло таъсир кўрсатмайди ва турк, мўғул, шунингдек, бошқа бир қатор тиллар каби ҳеч қандай номинал таснифга эга бўлмаган тиллар жинсни фарқлашда икки ёки уч жинсли тиллардан сира қолишмайди<sup>22</sup>.

Жинс грамматик категорияси тилларда учрайдиган бошқа грамматик категориялардан фарқ қиласди. У тилдаги сўзларни уч, яъни feminine, maskulin, neytral жинсларга ажратади. Мазкур грамматик категориянинг бошқа грамматик категориялардан фарқи шуки, у ҳозирги замон инсон тафаккури мантифиға асло тўғри келмайди, чунки грамматик жинс табиий биологик жинсга мос тушмайди. Маълумки, табиий биологик жинс иккита, грамматик жинс эса кўпчилик тилларда учта. Грамматикадаги нейтрал жинсга табиатда мос келадиган жинс йўқ. Ундан ташқари, табиатда жинс тирик организмларга хос жиҳат, аммо грамматикадаги жинс категорияси ўз ичига жонсиз нарса-предмет ва ҳодисаларни ҳам олади. Жинс грамматик категорияси ўзбек тили тизимида мавжуд эмас. Бу маъно лексик-семантик, морфологик ва синтактик усувлар билан ифодаланиши мумкин. Бироқ бу воситаларнинг грамматик жинс категориясидан фарқи ўзбек тилидаги отлар юқорида кўрсатилган усувлар ёрдамида одам ва ҳайвонларни биологик жинсини аниқлаш учунгина қўлланилади<sup>23</sup>.

---

<sup>22</sup> Немировский М. Я. Способы обозначения пола в языках мира. Памяти академика Н. Я. Марра (1854-1934). – М. – Л.: Из-во АН, 1938. – С.216.

<sup>23</sup> Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.71.

Масалан, лексик-семантик усул: *ота-она*, *тоза-хола*, *ўғил-қиз*; морфологик усул: *Камол-Камола*, *Жамол-Жамола*, *Феруз-Феруза*; лексик усул: *эркак мушук* – *ургочи мушук* каби<sup>24</sup>.

Ҳиндий тилида ҳам баъзан отларнинг жинсини аниқлашда лексик усулдан фойдаланилади: *ନର କୌଯଳ* *nar koval* «нар какку», *ମାଦା କୌଆ* *ma:da: koa:* «мода қарга»<sup>25</sup>. Бундай ҳолатда ифодаланган ҳиндий жинс тилидаги грамматик жинс ўзбек тилидаги биологик жинс англатган маънога teng келади.

Кўринадики, ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Бундай ўзига хослик тилларни чофишириб ўрганганда янада яққол намоён бўлади.

Ҳиндий тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида жинс грамматик категорияси эмас, балки бирон шахс ёки нарса-предметга оидлик ёки мансубликни ифодаловчи эгалик категорияси мавжудлиги билан характерланади. Бу категория ўзбек тилида грамматик морфемалар орқали ифодаланади.

Отларнинг грамматик хусусиятларидан бири унинг эгалик категориясига эга бўлишидир. Нарса-предметнинг (сўзловчи, тингловчи, ўзгадан) бирига тааллуқли эканлигини англатувчи умумий маънолар ва уларни ифода қилувчи шакллар тизими эгалик категорияси дейилади. Нарса-предметнинг уч шахсдан бирига мансублигини кўрсатувчи морфема эгалик аффикси деб юритилади. Эгалик афикслари шахс маъноси билан бирга унинг сонини ҳам кўрсатади: *дўстим, дўстимиз*<sup>26</sup>.

Эгалик маъноси ҳиндий тилида ҳам мавжуд, аммо унда ўзбек тилидаги каби эгалик маъносини ифодаловчи грамматик восита мавжуд эмас. Унда лексик восита, яъни эгалик олмошлари мазкур маънони ифодалаш учун хизмат қиласи:

<i>Китобим</i>	<i>मेरी पुस्तक</i>	<i>meri: pustak</i>
<i>Китобинг</i>	<i>तेरी पुस्तक</i>	<i>teri:</i>
<i>pustak</i>		

<sup>24</sup> Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. -Б.73.

<sup>25</sup> सत्यनारायण सी. एस. – हिन्दी व्याकरण तथा निबन्ध – एस. चन्द्र एण्ड कम्पनी, नई दिल्ली, 1987. – पृ० 21.

<sup>26</sup> Сапаев К. Ҳозирги ўзбек тили. – Т., 2009. – Б.89.

<i>Китоби</i>	इसकी, उसकी पुस्तक <i>iski, uski: pustak</i>
<i>Китобимиз</i>	हमारी पुस्तक <i>hama:ri: pustak</i>
<i>Китобингиз</i> <i>a:pki: pustak</i>	तुम्हारी, आपकी पुस्तक <i>tumha:ri:, tumha:ri:,</i>
<i>Китоблари</i>	इनकी, उनकी पुस्तक <i>inki:, unki: pustak</i>

Баъзан ўзбек тилида эгалик аффикслари қўлланмасдан, тегишлилик маъноси белгисиз ифодаланиши ҳам мумкин: *бизнинг китоб (-имиз), сизнинг китоб (-ингиз)* каби. Бундай ҳодиса ўзбек тилида асосан биринчи ва иккинчи шахсда содир бўлади ва ҳиндий тилида эгалик маъносини ифодалаш усулига тенг келади.

Юқорида айтилганидек, грамматик категориялар сони турли тилларда турличадир. Масалан, от сўз туркумига хос грамматик категориялар рус, инглиз, ўзбек, ҳиндий каби тилларда учта, немис, француз каби тилларда эса тўрттадир<sup>27</sup>.

От сўз туркумига оид грамматик категориялар сон жиҳатидан ҳиндий ва ўзбек тилларида бир хил бўлса-да, лекин уларнинг тур жиҳатидан ҳар хиллиги аниқланди:

---

<sup>27</sup> Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.69

### 1.1.1-жадвал

#### Ҳиндий ва ўзбек тилларида от сўз туркумига хос грамматик категориялар

№	Тиллар	Тил гурухлари	Типологик хусусияти	Сон	Келиши	Жинс	Эгалик	Аниқлик ноаниқлик
1.	Ҳиндий	Ҳинд-орий тиллари	Аналитик	+	+	+	-	-
2.	Ўзбек	Туркий тиллар	Агглютинатив	+	+	-	+	-

Жадвалдан кўринадики, бу икки тилда сон ва келишик категорияси умумий, лекин жинс категорияси ҳиндий тилига хос бўлгани ҳолда эгалик категорияси ўзбек тилида мавжуддир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос аниқлик ва ноаниқлик грамматик категорияси бўлмаса, бу маънолар мазкур тилларда ифодаланмайди, деган фикрга келиш нотўғри. Чунки ҳар бир тилда маънолар бир хил усулда ифодаланмайди. Маълум бир маъно бир тилда грамматик воситалар, бошқа тилда эса лексик воситалар билан ифодаланиши мумкин. Асосан роман-герман тилларига хос бўлган аниқлик ва ноаниқлик грамматик категориялари ҳиндий ва ўзбек тилларида лексик ва синтактик воситалар билан ифодаланади.

Маълум бўлишича, аниқлик ва ноаниқлик категорияси қадимги ва ўрта ҳинд-орий тиллари учун хос эмас. Бундай термин янги ҳинд-орий тилларида кўзга ташланмоқда. Янги ҳинд-орий тиллари, жумладан, ҳиндий тилида аниқлик ва ноаниқлик маъноси морфологик усулда эмас, балки лексик ва синтактик усулда ифодаланади<sup>28</sup>.

Масалан,

---

<sup>28</sup> Colin P.Masica the Indo-Aryan Languages, Cambridge, Cambridge University, 1991, – P.248.

1. गायक अच्छा गा रहा है। Ga:yak achcha: ga: raha: hei.  
Кўшиқчи яхши ижро этяпти;

2. उन में से एक गायक अच्छा गा रहा है। Un meiN se ek ga:yak achcha: ga: raha: hei. Улар орасида бир қўшиқчи яхши ижро этяпти.

Биринчи жумлада ноаниқлик ва иккинчи гапда эса аниқлик маънолари мавжуд ва аниқлик **एक** *ek* «*бир*» сўзи орқали, яъни лексик йўл билан ифодаланмоқда.

Ўзбек тилида:

*Туробжоннинг бу сўzlari хотинининг қулогига нотайин бир гулдураш бўлиб туюларди*<sup>29</sup>.

*Бир гадойваччанинг бу даргоҳдан кетишига ошиқиши унга ҳақорат бўлиб туюлди*<sup>30</sup>.

Мазкур гапларда *бу* ва *бир* сўzlари аниқликни ифодаламоқда. Кўринадики, ўзбек тилида ҳам аниқлик ва ноаниқлик маъноси морфологик усулда эмас, лексик усулда ифодаланади.

1. **пустак пढो** | *Pustak paRho* «китоб ўқи (умуман қандайдир китоб)»;

2. **пустак кो пढो** | *Pustak ko paRho* «китобни ўқи (айнан шу китоб)» мазкур жумлада икки тилда ҳам аниқлик категорияси синтактик усулда, яъни ҳиндий тилида *кो* послелоги ёрдамида, ўзбек тилида эса *-ни* тушум келишиги қўшимчаси кўмагида ифодаланган.

Демак, грамматик категориянинг асосий вазифаси гапда сўzlарни тартибга солиш бўлса, уни ўрганиш орқали турли тилларда ифодаланганди жумлаларнинг маъносини англаш мумкин. Қолаверса, тилларга хос хусусийлик грамматик категориялар орқали яққол намоён бўлади.

Грамматик категориялар морфологик ва синтактик категорияларга ажратилади<sup>31</sup>. Тилларнинг ички хусусиятидан

<sup>29</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Анор. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018.-Б.6.

<sup>30</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Даҳшат. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018.-Б.14

<sup>31</sup> Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б.32.

келиб чиққан ҳолдагина бирон бир тилдаги грамматик категорияни у ёки бу грамматик категория гурухига киритиш мумкин. Муайян тилда морфологик ҳисобланган грамматик категория бошқа тилда синтактик категория бўлиши мумкин.

### **Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос сон грамматик категориясининг ўрганилиш масаласи**

Юқорида айтиб ўтилганидек, отга хос сон ва келишик категориялари доирасида бир қатор ҳиндшунос ва ўзбекшунослар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Жумладан, мазкур бўлимни ёритишда ҳиндшунос олимлардан З. М. Димшиц<sup>32</sup>, В. П. Липеровский<sup>33</sup>, О. Н. Шоматов<sup>34</sup>, В. Прасад<sup>35</sup>, С. Сатянараян<sup>36</sup>, ўзбек тилшуносларидан эса Ф. Абдураҳмонов<sup>37</sup>, М. Ирисқулов<sup>38</sup>, Қ. Сапаев<sup>39</sup>ларнинг назарияларига асосланилди.

А. Г. Басманованинг фикрича, сон грамматик категорияси жинс категориясига нисбатан аникроқ намоён бўладиган категориядир, яъни унда бирликдан кўпликни ажратиш маълум бир белгилар асосида амалга оширилади<sup>40</sup>.

В. П. Липеровскийнинг фикрига кўра, ҳиндий тилига хос отларни маъно жиҳатидан фарқлашда беш тамойилга асосланиш мумкин: атоқли отлар, мавҳум отлар, кимёвий моддалар номлари, жамловчи отлар, умумий отлар. Ҳиндий тилида барча турдаги

<sup>32</sup> Дымшиц З. М. Грамматика языка хинди. Часть II.– М.: Наука, 1986. – С. 210.

<sup>33</sup> Липеровский В. П. О категории числа существительных в хинди // Учебные записки Московского государственного института международных отношений. Вопросы языка и литературы. Вып. 7 (индийские языки). – М.: 1971. – С.190-195.

<sup>34</sup> Шоматов О. Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. –Т., 3-қисм, 2004. – Б.92; Ҳиндий тили меъёрий грамматикаси. – Т., 1-қисм, 2010. – Б.112.

<sup>35</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद .– आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना .– भारती भवन, पटना, 2003.– पृ०406.

<sup>36</sup> सत्यनारायण सी. एस.– हिन्दी व्याकरण तथा निबन्ध .– नई दिल्ली, एस. चन्द्र एण्ड कम्पनी, 1987. – पृ०119.

<sup>37</sup> Абдураҳмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1996

<sup>38</sup> Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.256.

<sup>39</sup> Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. – Т., 2009. – Б.254.

<sup>40</sup> Басманова А. Г. Именные грамматические категории в современном французском языке. –М: Высшая школа, 1972. – С.125.

отлардаги асосий эътибор уларнинг жинсига қаратилади. Шу билан бирга, ҳиндий тилидаги отларнинг кўплик шакли жинс грамматик категорияси билан чамбарчас боғлиқдир<sup>41</sup>.

О. Н. Шоматов фикрича, сон грамматик категорияси бирон бир нарса-предмет ёки модда миқдорини, унинг бир ёки унга қарама қарши равишда кўплигини ифодалайди<sup>42</sup>.

В. Прасаднинг эътирофича, от, олмош, сифат, сон ва феълнинг сонига оид категория сон категориясидир. Бошқача қилиб айтганда, сўзларнинг сон билан боғлиқ грамматик шакли сон категориясидир<sup>43</sup>.

Тилда умумий грамматик маънони ташкил қилувчи хусусий маънолар бир-бирига зид бўлади, бир-бирини инкор этади, шу билан бирга, доим бир-бирини тақазо қиласди. Масалан, сон грамматик категорияси: қалам – қаламлар, дараҳт – дараҳтлар. Бу ерда қалам, дараҳт сўзлари сон нуқтаи назаридан бирлик шаклида, улар қаламлар, дараҳтлар сўзларидан шаклан ва мазмунан фарқ қиласди. Бирликдаги сўзларда -лар аффикси йўқ. Қаламлар, дараҳтлар эса кўпликдаги сўзлардир. Кўринадики, бу сўзлардан англашилган маънолар бир-бирига зид: бирлик ва кўплик маъносида, бироқ бир-бирига зид икки грамматик маъно ўзаро уйғунликда сон грамматик категориясини ташкил этади. Шу билан бирга, сон категориясига мансуб бирлик ва кўплик маънолари доимо бири иккинчисини тақазо этади.

Сўзларнинг миқдори тушунчаси аксарият тилларда икки хил, яъни лексик ва грамматик йўл билан ифодаланади. Лексик жиҳатдан саноқ сонлар, маҳсус саноқ сўзлари билан ифодаланса, грамматик жиҳатдан сон категорияси шакли орқали ифодаланади.

Деярли барча дунё тилларида нутқдаги сўзларни лексик жиҳатдан ифодалаш мавжуд. Бироқ отга хос сон грамматик категорияси айрим тилларда учрамайди. Масалан, хитой-тибет

---

<sup>41</sup> Липеровский В. П. Именные части речи языка хинди. – М.: ГРВП, 1978. – С.59.

<sup>42</sup> Шоматов О. Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. З-қисм – Т., 2004. – Б.25.

<sup>43</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ०.98.

тилларига киравчи сўзларда сон грамматик категорияси мавжуд эмас.

Сон категорияси фақат отга хос бўлмай, сифат, олмош ва феълларда ҳам ифодаланиши мумкин. Лекин унинг грамматик ифода услублари тилларда бир хил эмас.

Сон категорияси ҳам барча грамматик категориялар сингари тарихий жараёнлардан ўтган. Қадимда ҳинд-европа тилларида сон грамматик категориясининг бирлик, иккилиқ ҳамда кўплик шакллари мавжуд бўлган. Масалан, санскрит тилида *नेत्रः netraḥ*: «кўзлар», *पाणि pa:nī* «кўуллар», *पदः padauḥ*: «оёқлар», *अहाणि ahani* «кун ва тун», *पितारण pita:ran* «ота ва она»<sup>44</sup>.

Кейинчалик инсон тафаккури тараққиёти натижасида сон грамматик категорияси нисбатан умумлаштирилган ва бирлаштирилган. Бунга кўра бирлик ва кўплик граммемалари бир бирига қарама-қарши туради.

Ҳиндий тилида сон категорияси отга хос бўлиб, у лексик ва грамматик йўл билан ифодаланади. Махсус миқдор маъносини англатувчи сўзлардан *लोग log*, *जन jan*, *गण gaN* лар кенг ишлатилади.

Ҳиндий тилида сон грамматик категориясини ифодалаш ўзига хос аҳамиятга эга. Бу тилда жинс категориясининг мавжудлиги сабабли от сўз туркумидаги сўзларнинг шакли сон грамматик категорияси ифодаланаётганда қўйидагича ўзгаради:

Сон категорияси туфайли от, олмош, сифат ва феълга оид сўзларнинг шакли бузилади ҳамда ўзгаради. Бироқ аҳамиятлиси шундаки, олмош, сифат ва феъл туркумига оид сўзлар шакли асосан от шаклига тобедир. Шунинг учун ҳам биз отга оид сўзлар сон категориясига мослашади, дея оламиз.

Сон категориясида воситасиз ҳамда воситали шаклда ўзгаради.

Ҳиндий тилида отларнинг кўплик шаклини ясаш қоидалари<sup>45</sup>:

<sup>44</sup>वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ०.26.

<sup>45</sup>वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ०.26.

1. Чўзиқ - آپ -a: билан тугаган бирлиқдаги музаккар отлар - ئى -e га айланиб кўплик шакли ҳосил бўлади: *لرکا* *laRka*: «ўғил бола» – *لرکے* *laRke* «ўғил болалар», *کارپا* *kapRa*: «кўйлак» – *کارپے* *kapRe* «кўйлаклар», *کوتا* *kutta*: «кучук» – *کوتے* *kutte* «кучуклар», *اندھا* *aNdha*: «кўр» – *اندھے* *aNdhe* «кўрлар», *جھارنا* *jharna*: «шаршара» – *جھارنے* *jharne* «шаршаралар».

Баъзи сўзлар борки, уларнинг шакли бирлиқда ҳам, кўпликда ҳам айнан сақланиб қолади: *ماٹا* *ta:ta*: «тоға, тоғалар», *ناٹا* *na:na*: «бува, бувалар», *باٹا* *ba:ba*: «ота, оталар, бува, бувалар», *داڈا* *da:da*: «бобо, боболар», *پیٹا* *pita*: «ота, оталар», *دېۋتا* *devta*: «маъбуда» ва бошқалар.

2. Музаккар бирлиқда чўзиқ - آپ -a: билан тугаган отлардан ташқари барча отлар кўплик шаклда ўзгармайди:

#### 1.2.1-жадвал

Бирлик	Кўплик
<b>بَالَكْ پَرْتَهٗ</b> <i>Ba:lak paRhta: hei</i> «Бола ўқийди»	<b>أَنْكَ بَالَكْ پَرْتَهٗ</b> <i>Anek ba:lak paRhte heiN</i> «Бир нечта болалар ўқийдилар»
<b>رَادِھَا كَا پَتِ آَيَا</b> <i>Ra:dha: ka: pati a:ya: hei</i> “Радханинг турмуш ўртоғи келди”	<b>عَنْ سُرِيَوْنَ كَهْ پَتِ آَيَا</b> <i>Un striyoN ke pati a:ye heiN</i> «У аёлларнинг турмуш ўртоқлари келдилар»
<b>سَادِھُ آَيَا</b> <i>Sa:dhu a:ya:</i> «Дарвеш келди»	<b>سَادِھُ آَيَة</b> <i>Sa:dhu a:ye</i> «Дарвешлар келди»

Муаннас бирлиқда чўзиқ - آپ -a: билан тугаган отларга - ئى -eN қўшиш билан кўплик шакли ясалади: *شاخا* *sha:kha*: «тармоқ, филиал, бўлим» – *شاخا ئى* *sha:kha:eN* «филиаллар», *کاثا* *katha*: «ҳикоя» – *کاثا ئى* *katha:eN* «ҳикоялар», *وارت* *va:rta*: «суҳбат, диалог» – *وارت ئى* *va:rtaeN* «суҳбатлар, диалоглар», *کامنات* *ka:mna*: «тилак» – *کامنات ئى* *ka:mna:eN* «тилаклар», *چاترا* *cha:tra*: «ўқувчи қиз» – *چاترا ئى* *cha:tra:eN* «ўқувчи қизлар».

3. Қисқа -अ -a, чўзиқ -आ -a:, қисқа -इ -i, чўзиқ -ई -i:; -या -ya: билан тугамаган бошқа барча муаннас отларга -ए -eN қўшиш билан кўплик шакли ясалади: गाय ga:y «сигир» – गायें ga:yeN «сигирлар», बात ba:t «гап» – बातें ba:teN «гаплар», रात ra:t «тун» – रातें ra:teN «тунлар», बहन behn «опа ёки сингил» – बहनें behneN «опалар ёки сингиллар», आदत a:dat «одат» – आदतें a:dateN «одатлар», सरक saRak «кўча» – सरकें saRakeN «кўчалар».

4. Муаннас бирликда қисқа -इ-i ва чўзиқ -ई -i: тугаган отлардаги охирги унлилар тушиб қолдирилиб, -इयाँ -iya:N қўшимчаси қўшилиб, отларнинг кўплик шакли ҳосил қилинади: तिथि tithi «сана» – तिथियाँ tithiya:N «саналар», नीति ni:ti «сиёsat» – नीतियाँ ni:tiya:N «сиёsatлар», रीति ri:ti «одат» – रीतियाँ ri:tiya:N «одатлар», नारी na:ri: «аёл» – नारियाँ na:riya:N «аёллар», लडकी laRki: «қиз бола» – लडकियाँ laRkiya:N «қиз болалар», मिठाई miTha:i: «ширинлик» – मिठाइयाँ miTha:iya:N «ширинликлар».

5. -या -ya: билан тугаган муаннас бирликдаги отларнинг устига чандра бинду белгиси қўйилиши билан, уларнинг кўплик шакли ясалади: चिडिया chiRiya: «қуш» – चिडियाँ chiRiya:N «қушлар», डिबिया Dibiya: «қутича» – डिबियाँ Dibiya:N «кутичалар», गुडिया guRiya: «қўғирчок» – गुडियाँ guRiya:N «қўғирчоқлар», बुडिया buRhiya: «қария» – बुडियाँ buRhiya:N «қариялар».

6. Қисқа -अ -a, चू़िक -आ -a:, қисқа -इ -i, चू़िक -ई -i: билан тугаган муаннас бирликдаги отлардан ташқари барча муаннас бирликдаги отларга -ए -eN қўшимчаси қўшиш орқали кўплик ҳосил қилинади: बहु bahu: «келин» – बहुएं bahueN «келинлар», वस्तु vastu «буюм, нарса» – वस्तुएं vastueN «буюмлар, нарсалар».

7. Музаккар ва муаннас бирликдаги от шаклларига गण gan «омма, халқ», जन jan «одамлар», लोग log «одамлар», वर्ग varg «гурух, табақа, бўлим (масалан, китобга нисбатан)» кабиларни қўшиб, кўплик шакл ясаш мумкин:

पाठक pa:Thak «китобхон» – पाठकगण pa:Thakgan «китобхонлар», स्त्री stri: «аёл» – स्त्रीजन stri:jan «аёллар», अधिकारी

*adhika:ri*: «ходим» – अधिकारी varg *adhika:ri*: *varg* «ходимлар», आप *a:p* «сиз» – आप लोग *a:p log* «сизлар».

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳиндий тилидаги сўзлар бирлик ва кўплиқда турланади. Бироқ ҳиндий тилида шундай сўзлар ҳам борки, улар समूहवाचक *samu:hvachak*, яъни жамловчи отлар бўлиб, бирлик шаклда ишлатилса-да, кўплик маъносини англатади: परिवार *pariva:r* «оила», सभा *sabha*: «мажлис, жамият», дл *dal*<sup>46</sup> «жамоа» ва ҳ.к.

Қолаверса, ҳиндий тилида ҳурмат маъносини ифодалашда бирликтаги сўзлар кўплик шаклда қўлланилади:

महात्मा गाँधी राष्ट्रपिता हैं। *Maha:tma: Ga:Ndhi: rashTrapita:* The «Махатма Ганди юрт бошидир»<sup>47</sup>.

В. П. Липеровский фикрига кўра, ҳиндий тилида сон, жинс ва келишик грамматик категориялари бир бири билан узвий боғлиқдир<sup>48</sup>. Бунга сабаб ушбу категорияларнинг ҳар бири бирлик, кўплик, воситали, воситасиз каби шакллар қарама-қаршилигида ифодаланади. Шунинг учун ҳам ҳиндий тилида отнинг турланишидаги тўлиқ парадигмаси, яъни нутқдаги барча сўзларнинг тўрт хил шакли мавжуд. Бундай шакллар граммемаларнинг тўқнашиши натижасида аниқланади.

Жумладан, бирлик – воситасиз шакл – लड़का *laRka*: «бола», बन्दर(बंदर) *bandar* «маймун»;

кўплик – воситасиз шакл – लड़के *laRke* «ўғил болалар», बन्दर *bandar* «маймунлар», लड़कियाँ *laRkiya:N* «қиз болалар», पुस्तकें *pustakeN* «китоблар»;

<sup>46</sup> Луғатларда дл *dal* сўзи кўп маъноли эканлиги кузатилди.

<sup>47</sup> पृथ्वीनाथ पाण्डेय – आधुनिक हिन्दी व्याकरण – भारतीय पुस्तक परिषद, दिल्ली, 2015. – पृ०.56.

<sup>48</sup> Липеровский В.П. Именные части речи языка хинди. – М.: ГРВП, 1978. – С.56; Липеровский В.П. О категории числа существительных в хинди // Учебные записки Московского государственного института международных отношений. Вопросы языка и литературы. Вып. 7 (индийские языки). – М.: 1971. – С. 190-195.

бирлик – воситали шакл – **ләдкә** *ка laRke ka:* «ўғил боланинг», **бандар** *ка bandar ka:* «маймуннинг», **ләдки** *ка laRki: ka:* «қиз боланинг», **пурстак** *ка pustak ka:* «китобнинг»;

кўплик – воситали шакл – **ләдкән** *ка laRkoN ka:* «ўғил болаларнинг», **бандарон** *ка bandaroN ka:* «маймунларнинг», **ләдкийон** *ка LaRkiyoN ka:* «қиз болаларнинг», **пурстакон** *ка pustakoN ka:* «китобларнинг»<sup>49</sup>.

Шу ерда ҳиндий тилида грамматик омонимия ҳодисаси кузатилади (**ләдкә** *laRke* «ўғил болалар», **ләдкә** *ка laRke ka:* «ўғил боланинг»). Бундай ҳолат ўзбек тилида кузатилмайди.

Маълумотларга кўра, туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврида отларда кўплик шакли *-т* аффикси билан ҳам ясалган. Лекин бу шакл олдинги даврлардаёқ истеъмолдан чиққан. Қадимги ёдгорликларда бу аффикс айрим сўзлардангина кўплик шаклини ясалиши учрайди. Масалан, тегит – шаҳзодалар (тегин - шаҳзода). «Девону луготит турк» асарида ҳам тегит тегин сўзининг кўплик шакли эканлиги ҳақида сўз боради. Ҳозирги кунда мазкур аффикс айрим жой, қабила ва уруф номларида сақланган. Масалан, *Бэгат*, *Бакат*, *туманат*, *тэват*, *топакат*<sup>50</sup>.

Туркий тиллар тараққиётининг маълум даврларида кўпликни ифодаловчи // -(a)n аффикси ҳам мавжуд бўлган. Бу аффикс маҳсулдор бўлмаган, айрим сўзлардагина қўлланилган. Масалан, «Девону луготит турк» асарида ўгул ва эр сўзларининг кўплик шакллари мазкур аффикслар ёрдамида ясалган: *оғлан* – «болалар», *эрлан* – «ботирлар», «жангчилар» ва ҳ.к.

Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, XI аср эски туркий тилида кўплик кўрсатгичи *-лар* бўлиб, *оғул*, *эр* сўзларининг *оғлан*, *эрлан* кўплик формаси истисно тарзида қўлланилган. Бу сўзларнинг ҳам кўплигини ясашда *-лар* аффиксларидан фойдаланилган<sup>51</sup>.

<sup>49</sup> Шоматов О. Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. З-қисм, – Т., 2004. – Б.29.

<sup>50</sup> Абдураҳмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – Б.29.

<sup>51</sup> Абдураҳмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – Б.30.

F. Абдураҳмоновнинг фикрича, отнинг семантик жиҳатдан якка ёки кўп нарса-предметни англатиши бошқа ҳодиса-ю, сон категориясининг қайси шаклда бўлиши бошқа ҳодиса. Сон категориясининг икки шакли бор: *-лар* морфемаси ва шунга зидлаб белгиланадиган ноль кўрсатгичли шакл<sup>52</sup>.

Маълумки, ўзбек тили лексик таркибининг муайян улушкини араб тилидан ўзлашган сўзлар ташкил этади. Бу сўзларнинг асосий қисми от сўз туркумига мансуб бўлиб, уларнинг аксарияти кўплик шаклида ўзлаштирилган. Кўплик шаклдаги бундай сўзлар ҳозирги ўзбек тилида бирлик шаклида бўлиб, уларнинг кўплик шакли *-лар* аффиксини қўшиш орқали ясалади: *авлодлар, аҳволлар, аъзолар* каби<sup>53</sup>.

M. Ирисқулов фикрича, грамматик сон категорияси нарса-предметларнинг сонини, бирлик ёки кўплигини билдиради<sup>54</sup>. Ўзбек тилида бу грамматик категория от, олмош ва феълларга хосдир.

Ўзбек тилида отларнинг сон категорияси асосан бирлик ва кўплик каби шаклларга бўлинади. Отларнинг бирлик маъноларини ифодалаш учун ҳеч қандан кўрсатгич иштирок этмайди; кўплик шакллари морфологик, лексик-семантик, аралаш усуллар билан ясалади.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам отларнинг кўплик грамматик шакли асосан *-лар* аффикслари билан ясалади. Эски ўзбек тилида ҳам *-лар, -лер* аффиксининг вазифаси отларнинг кўплик шаклини ясаш бўлган. Айрим ҳолларда бу аффикс кўпликтан бошқа маъноларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилган<sup>55</sup>.

Жумладан, *-лар* ҳолат, мавхум тушунчаларни билдирган отларга қўшилганда таъкидлаш, кучайтириш маъноларини ифодалайди: Ўтган куни қараса, мулла Жонфиғон яна *бекорлар*<sup>56</sup>!

---

<sup>52</sup>Ўша асар.

<sup>53</sup>Ўша асар.

<sup>54</sup>Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.73.

<sup>55</sup>Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.: Фан, 1965. – Б.12.

<sup>56</sup>Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Жонфиғон. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.28.

У қиз ҳам Анварга кўп *мехрибончиликлар* қилди, унинг кетидан эргашиб машинагача келди<sup>57</sup>.

Лексик усулда сўзниңг ўзак-негизи орқали ифодаланган маъно жамлиқ, кўпликни кўрсатади, жумладан *одам*, *халқ*, *қўшин*, *тўда*, эл каби<sup>58</sup>. Масалан,

*Одам* кўп келаётганга ўхшайди, тугаб бораётибманми? ...<sup>59</sup>

Отнинг кўплик маъноси унинг сон ёки миқдор билдирувчи сўз билан бирикиши натижасида, яъни синтактик йўл билан ҳосил бўлади. Масалан,

Нисо буви эри ўлиб, *иккита ёши қизи* билан қолди<sup>60</sup>.

Сон умуман миқдор билдирувчи сўзлар билан келганда уларга *-лар* аффикси қўшилмайди. Лекин баъзан ҳолатларда мазкур қўшимча қўшилиши кузатилади: Шундан кейин Нисо буви *кўп марталар* “кулди”<sup>61</sup>.

*-лар* аффиксининг маънолари:

-ҳурмат – Мен билмасам, *дадам биладилар-да*<sup>62</sup>!

-эркалаш – Нозу *карашмаларингдан* аканг... (қўшик)

-маъно кучайтириш – Ажаб қилдим, - деди Турабжон титраб, - *жигарларинг* эзилиб кетсин<sup>63</sup>!

-тахмин – Мажлис соат *иккиларда* (тахминан соат иккода) бошланади.

Отларнинг кўплик шакли сўзларнинг такрорланиши натижасида ҳам ясалади.

Масалан, Мана, мен сизга айтиб берай: умримда *хотин-халажса* суюқлик қилган одам эмас эдим, баҳорда қишлоққа кетаётиб йўлда бир хотинга ҳамроҳ бўлдим<sup>64</sup>.

---

<sup>57</sup> Ўша асар. – Б.110.

<sup>58</sup> Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.: Фан, 1965. – Б.14

<sup>59</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Етим. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.103

<sup>60</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Бошсиз одам. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.31.

<sup>61</sup> Ўша асар. – Б.32.

<sup>62</sup> Ўша асар. – Б.33.

<sup>63</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Анор. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.5.

<sup>64</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Майиз емаган хотин. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.66.

Ўзбек тилида ҳам бирлик ҳам кўплик шаклга эга бўлган отлардан ташқари фақат бирлик шаклда қўлланиладиган отлар ҳам мавжуд: *ун, ёғ, шакар, сув, гўзаллик, яхшилик* каби. Масалан,

1. Энди уч-тўрт *сув* ювилган янгигина яктак эди<sup>65</sup>.

2. *Севинч, қурқув, баҳиллик* – ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб, Жонифоннинг боши ғовлаб кетибди<sup>66</sup>.

Лексик-семантик усулда саноқ сонлар, жуфт ва такрор сўзлардан фойдаланилади. Масалан,

1. Ўн *йил* касал боқиб, яна касалхонада ҳам биргами? <sup>67</sup>

2. Кеча укамни йўқлаб *опа-синглим* келдилар;

3. У уйига *қон-қон* ун олиб келди.

Ўзбек тилида фақат бирликда ишлатиладиган отлар ҳам мавжуд. Бу асосан доналаб санаш мумкин бўлмаган нарсаларни атайдиган ва умуман кўплик билдиримайдиган отларга хос хусусиятдир. Мавҳум отлар, доналаб санаб бўлмайдиган отлар, атоқли отлар шулар жумласидандир.

Ҳиндий тилида сон грамматик категориясига оид илмий-назарий қарашларда якдиллик мавжуд. Шуниси аҳамиятлики, ҳиндий тилида сон грамматик категорияси нафақат от сўз туркуми, балки олмош, сифат, сон ва феъл сўз туркумларига ҳам хосдир. Бироқ от сўз туркумida жинс грамматик категорияси мавжудлиги боис сон грамматик категорияси ифодаланганда от сўз туркумидаги сўзлар шаклан ўзига хос тарзда турланади.

Ҳиндий тилида сон грамматик категорияси нафақат сўзларнинг кўплик маъносини ифодалаш, балки ҳурматлаш маъносида ҳам қўлланилади.

Ўзбек тили тизимида ҳам сон грамматик категорияси тарихий аҳамиятга молик. Мазкур категория от, олмош ва феълларга хос бўлиб, бирлик ва кўплик шакллар қарама-қаршилигидан иборатдир.

Ўзбек тилида отлар кўплик шаклининг асосан морфологик ва лексик-семантиқ, аралаш йўллар билан ясалиши маълум.

<sup>65</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Анор. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.4.

<sup>66</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Жонқифон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.27.

<sup>67</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Минг бир жон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.43.

Морфологик усул билан кўлланган от нисбатан мавҳумроқ туюлса, лексик усулда воқеланган, яъни сонлар билан ифодаланган отларнинг кўплик шакли аниқликни ифодалайди.

Қолаверса, *-лар* аффикси нафақат отларнинг кўплик шакли, балки ҳурмат, эркалаш, маънони кучайтириш, тахмин каби маъноларни ҳам ифодалай олиши яна бир бор тасдиқланди.

### **Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос келишик категориясининг ўрганилиш масаласи**

Ж. Лайонз маълумотига биноан келишик – отнинг грамматик категорияси ҳисобланиб, мазкур от нарса-предмет ва ҳодиса билан ифодаланган муносабатни англатувчи категориявий маънони англатади ва шу билан гапдаги бошқа сўзларга нисбатан муносабатини билдиради<sup>68</sup>.

Келишик категориясининг аниқ ифода шакли – келишик шакллари бўлиб, аниқ товуш қаторларидан иборат морфемалардан тузилган, улар асос морфемалар билан бирга сўзга аниқ маъно беради. Ўзгариш тизимини вужудга келтирувчи келишик шаклларининг йифиндиси турланиш дейилади<sup>69</sup>.

Маълумки, ҳинд-орий тиллари тарихий тараққиётнинг уч босқичини босиб ўтган: қадимги, ўрта ва янги ҳинд-орий тили. Ички ва ташқи омиллар натижасида отга хос келишик тизимида ҳам ўзгариш содир бўлган.

Ҳиндий тилидаги отга хос келишик категориясининг шаклланиши ҳам бевосита ҳинд-орий тилларининг тарихий тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Л. С. Бархударова «К вопросу о падежной категории в индоарийских языках; Падежные формы в функции подлежащего и дополнения в маратхи» мақоласида ёзишича, қадимги ҳинд-орий тиллари тизимида саккизта – бош келишик, тушум келишиги, биргалик<sup>70</sup> келишиги, жўналиш келишиги, чиқиш келишиги, қаратқич келишиги, ўрин-пайт келишиги, мурожаат келишиги мавжуд бўлган. Қадимги ҳинд-орий тилларида келишиклар послелоглар ёрдамида эмас, аксинча,

<sup>68</sup> Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику, пер.с.англ. – М., Наука, 1978. – С.9.

<sup>69</sup>Там же.

<sup>70</sup> Шоматов О. Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. З-қисм. – Т., 2004. – Б.27.

флексия усулида ясалған, яъни сўз ўзагида маълум бир ўзгариш содир бўлган. Бироқ қадимги ҳинд-орий тилларидаги бадиий адабиётларда тўла флексия қатори, баъзи орт кўмакчилар ҳам мавжуд эканлиги аниқланган. А.А.Зализняк санскрит тилида қуидаги орт кўмакчилар бўлганлигини таъкидлайди: *अति ati* «-дан ташқари», *अथि adhi* «-нинг устида», *अन् अपि aphi* «-дан кейин», *अंतरं antar* «-нинг ўртасида», *पुरा pura:* «-дан олдин», *बाह्य bahya* «-дан ташқарида», *अद्यः adho* «-нинг остида»<sup>71</sup>.

Ҳозирги ҳиндий тилида эса буларнинг айримлари префиксlar тарзида ифодаланади.

Қадимги ҳинд-орий тиллари тизимида татпурушалар, яъни биринчи қисми мослашган аниқловчи ва иккинчи қисми отдан ташкил топган қўшма сўзлар вужудга келиши натижасида келишик категориясининг икки хил усули шаклланган: флексив ва флексив-аналитик. Бу ҳодиса ўрта ҳинд-орий тилларидан бири бўлмиш пракритда кўзга ташланади.

Ўрта ҳинд-орий тиллари босқичида қадимги ҳинд-орий тиллари тизимида саккизта келишик сақланиб қолган. Бироқ ундаги тушум келишиги вазифасини қаратқич келишиги бажаради. Бош ва мурожаат келишиги граммемалари қўшилиб кетиб, бир граммема шаклига келган. Қолаверса, ўрта ҳинд-орий тиллари даврида янги фонетик қонун-қоидалар вужудга келиши натижасида келишиклар тизимида янги аффикслар пайдо бўлади.

Янги даврга келиб, келишиклар синтези натижасида қадимги ҳинд-орий тиллари тизимида мавжуд саккизта келишикдан иккитасигина сақланиб қолган. Булар:

- 1) бош-тушум-мурожаат келишиги функционал жиҳатдан бир бўлиб, бош келишик деб аталган;
- 2) қаратқич-жўналиш-чиқиш, ўрин-пайт ва биргалик келишиги синтези натижасида воситали келишиги шаклланган. Шу даврдан бошлаб сўз бирикмаларида послелогларнинг вазифалари фаоллашган. Натижада, тил тизимида флексив усулга қараганда аналитик жараённинг устунлиги сезила бошлаган.

---

<sup>71</sup> Зализняк. А. А. Грамматические очерк санскрита. – В. А. Кочергина Санскритско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1978. 787-895.

Хинд-орий тиллари мазкур тил тизимидағи келишикларни циклик үрганишда бой назарий материалга эга. Бу қадимги хинд-орий тиллари тизимида флексивликнинг устунлиги, ўрта хинд-орий тиллари даврига келиб аналитик хусусиятлар ортгани ва янги хинд-орий тиллари вақтида аналитик шакллар билан бир қаторда, флексивликнинг фаоллашуви жараёни билан боғлиқдир. Замонавий хинди тилида келишик тарихий жиҳатдан икки хил характерга эга:

1) Тарихий жараёнлар натижасида вужудга келган икки хил келишикнинг мавжудлиги, яъни воситасиз келишик ва воситали келишик + флексив қолдиқ сифатида мурожаат келишиги.

2) Хинди тилидаги келишикларнинг тарихий жиҳатдан нисбатан янги, яъни послелоглар билан ифодаланиш ҳолатидир. Бундай жараён мазкур тилдаги келишикларнинг функционал ҳолатини ифодалайди. Послелоглар икки хил бўлади.<sup>72</sup>

А. А. Сигорскийнинг фикрича, замонавий хинди тилидаги келишиклар сони ҳақида аниқ хулоса айтиш қийин. Негаки юқорида таъкидланганидек, бу ўзгарувчан жараёндир. Замонавий хинди тилидаги келишиклар тизими синтаксис билан бевосита боғлиқ жараёндир. Келишиклар ҳақида у ёки бу мулоҳазани ифодалашда гап таркибининг структур, семантик ва функционал ҳолатига эътибор бериш асосий мезондир.

Шундай қилиб, янги хинд-орий тиллари тизимида келишик муносабатлари турлича – флексив ва аналитик шакллар орқали ифодаланган. Лекин биронта тилда ушбу шакллардан фақат биттаси устунлик қила олмайди.

Хинди тилида отларнинг келишиклари масаласида турли ёндашувлар мавжудлиги боис, уларга турлича таъриф берилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда келишиклар сони ҳам ҳар хил кўрсатилади. Шу нуқтаи назардан, хинд тилшунос олимларининг фикрларида ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Мавзуни ёритиш жараёнида бир неча машҳур хинд тилшунос олимларининг ҳам

---

<sup>72</sup> А. А. Сигорский Падежная система хинди как нечеткая структура // Восточные языки и культуры: материалы II Международной научной конференции. - М., 2008. - С. 74-78.

назарий, ҳам амалий асарлари билан танишиб чиқилди. Тўпланган маълумотларга таянган ҳолда олимларнинг фикрлари икки гурӯхга бўлинди.

Биринчи гурӯх тилшуносарининг фикрича, гапда ишҳаракат билан унинг бажарувчиси ўртасидаги алоқани келишиклар ифодалайди<sup>73</sup>. Мазкур фикр тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг фикрича, ҳиндий тилида олтита – бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги мавжуд<sup>74</sup>.

Иккинчи гурӯх вакилларининг фикрича, келишиклар гапда сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиласидиган грамматик категориядир<sup>75</sup>. Бу гурӯх олимларининг таъкидича, ҳиндий тилидаги келишиклар сони саккизта: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиш келишиги, биргалик келишиги, мурожаат келишиги<sup>76</sup>. Фикримизча, бу олимлар ҳиндий тилидаги келишикларга анъанавий ёндашиб, қадимги санскрит тилига асосланган ҳолда келишик категориясини талқин қилганлар.

В. Прасаднинг фикрича, гапда от ва олмошларни бошқа сўзлар билан боғловчи грамматик категория – *कारक ka:rak* «келишик» дейилади. Шунингдек, от ёки олмошнинг феъл билан муносабатини таъминловчи грамматик категория ҳам келишикдир<sup>77</sup>. Олимнинг уқтиришича, от ёки олмошнинг *ते ne*, *को*

<sup>73</sup> इंद्र चन्द्र शास्त्री – हिन्दी व्याकरण – दिल्ली, 1976. – पृ०.53.

<sup>74</sup> इंद्र चन्द्र शास्त्री – हिन्दी व्याकरण – दिल्ली, 1976; रामराजपल द्विवेदी – हिन्दी व्याकरण शब्दकोश – दिल्ली, 2000; भोलानाथ तिवारी – हिन्दी भाषा – इलाहाबाद, 1978; एच. देङ्किमी – हिन्दी और मिज़ो भाषा की व्याकरणिक कोटियों का व्यतिरेकी अध्ययन – आगरा, 2013; दुर्योधन महारणा – हिन्दी ओडिया व्याकरणिक कोटियाँ – केंद्रीय हिन्दी संस्थान, आगरा, 1984.

<sup>75</sup> विजय पल सिंह – समान्य हिन्दी – दिल्ली, 1989 – पृ०.85.

<sup>76</sup> विजय पल सिंह – समान्य हिन्दी – दिल्ली, 1989; रामलाल वर्मा – हिन्दी असमीया: व्याकरणिक कोटियाँ (व्यतिरेकी अध्ययन) – केंद्रीय हिन्दी संस्थान, आगरा, 1986.

<sup>77</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ० 101.

*ko*, से *se* каби послелоглар билан бириккан ҳолатда келиши келишик категориясидир. Шундай послелоглар билан келган сўзлар бошқа сўз билан бирикса, сўз бирикмалари ҳосил бўлади. ने *ne*, को *ko*, से *se* каби послелоглар турли келишикларга хосдир. Мазкур послелоглар от ёки феъллар билан бирикиб, *ka:rakpad* «келишикли бирикма» ёки *kriya:pad* «феълли бирикма» ларни ҳосил қиласди. Бундай бирикмаларсиз биронта жумлани тасаввур қилиш мумкин эмас.

Масалан, *रामचन्द्र जी ने ... समुद्र पर बन्दरों से पुल बंधवा दिया*  
*Ra:mchandra ji: ne ... samudr par bandaroN se pul baNdhva: diya:.*  
«Рамчандар ... денгизда маймунлардан қўприк ясаттирди.».

Бу гапда *रामचन्द्र जी ने Ra:mchandra ji: ne* «Рамчандар (бош келишикда, гапдаги иш ҳаракат тугалланган замонда)», *समुद्र पर samudr par* «денгизда», *बन्दरों से bandaroN se* «маймунлардан» ва *पुल pul* «қўприк» отларнинг турли хил қўринишлари бўлиб, мазкур отлар *बंधवा दिया baNdhva: diya:* «ясаттирди» феъли билан боғланган<sup>78</sup>.

Олим ҳиндий тилидаги келишиклар сонини саккизта деб кўрсатади ҳамда келишикларни ифодалаш учун от ёки олмошлардан кейин маҳсус белгилар қўйилади, мана шу белгилар ҳиндий тили грамматикасида *विभक्तियाः vibhaktiya:N* дейилади. Баъзи олимлар мазкур келишик қўшимчаларини *परसर्ग parsarg* ҳам дейдилар. У К.Важпейининг «келишик қўшимчаларини *विभक्तियाः vibhaktiya:N* деб номлаш бизга анъанага айланган, уни *परसर्ग parsarg* сўзи билан алмаштириб қўллашдан не наф?» иборасига қатъий ургу беради. Шу фикрларга таянган ҳолда келишик қўшимчаларини анъанавий йўлдан бориб, *विभक्ति vibhakti* деб аташ тўғри бўлади<sup>79</sup>, дейди.

Хариванш Синхга кўра, ҳиндий тилида келишик (*कारक ka:rak*), постпозиция (*परसर्ग parsarg*) ҳамда қўшимча (*विभक्ति vibhakti*) ўртасида фарқ бор. Аммо кўпинча мазкур сўзларнинг

<sup>78</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003 («Рамаяна» асаридан).

<sup>79</sup> वहीं – पृ० 102.

маъно муносабатида тушумовчилик ва чалкашлик юзага келади. Унинг фикрича, *विभक्ति* Vibhakti термини санскрит тилида аффикснинг бир тури сифатида ишлатилган. Панини ўз грамматикасида аффиксларни иккига бўлган: от ва сифатлар билан ишлатилувчи қўшимчалар ва феъллар билан ишлатилувчи қўшимчалар. Мазкур қўшимчаларни у умумий тарзда *विभक्ति* vibhakti деб номлаган. *परसर्ग* parsarg «постпозиция» эса анча замонавий термин бўлиб, гапда сўзларни бир бири билан боғлайди. *कारक* ka:rak «келишик» термини эса, гапда сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиласидиган грамматик категориядир<sup>80</sup>.

Хариванш Синҳнинг эътирофича, кўпчилик хинд тилшунослари аффикс (*विभक्ति* vibhakti) ва келишик (*कारक* ka:rak) ўртасида фарқ мавжуд эканлигини таъкидлайдилар. Бироқ бу таъкид ҳануз илмий исботланмаган мавзу бўлиб, уни муҳокама қилиш фойдасизdir<sup>81</sup>.

Санскрит тилида мавжуд бўлган саккизта келишикни хиндиј тили билан таққослаш мумкин<sup>82</sup>:

#### 1.3.1-жадвал.

№	Келишик номи	Келишик кўрсатгичи	Санскритдаги келишик қўшимчалари
1.	<i>कर्ता</i> karta (бош келишик)	∅, ने ne	<i>विसर्ग</i> visarga
2.	<i>कर्म</i> karan (тушум келишиги)	∅, को ko	-अन-an
3.	<i>करण</i> karm (биргалик келишиги)	से se	-एण्ट-eNa:
4.	<i>सम्प्रदान</i> sampradan (жўналиш келишиги)	को, के लिये ko, ke liye	-आया-a:ya:
5.	<i>अपादान</i> apa:da:n (чиқиш келишиги)	से se	-आत-a:t

<sup>80</sup> हरिवंश सिंह – कारक व्याकरण की दृष्टि से हिन्दी परसर्ग विचार – केंद्रीय हिन्दी संस्थान, आगरा, 2003. – पृ०40.

<sup>81</sup> वहीं – पृ०38.

<sup>82</sup> Гуру К. Грамматика хинди. Часть II.– М.: Наука, 1962. – С. 49.

6.	सम्बन्ध <i>sambandh</i> (қаратқич келишиги)	का, के, की <i>ka:, ke, ki:</i>	-स्यों -syoN
7.	अधिकरण <i>adhikaran</i> (үрин-пайт келишиги)	में, पर <i>mein, par</i>	-ए-e
8.	संबोधन <i>sambodhan</i> (мурожаат келишиги)	Ø, हे अहे अरे	-ए-e

К. Гурунинг фикрича, хиндий тилидаги келишик күрсаткичлари санскритдаги келишик күрсаткичларидан фарқ қилади. Санскритдаги келишик қўшимчаларидан фарқли ўлароқ, хиндий тилидаги келишик күрсаткичларининг аксарияти иккала жинс учун айнандир<sup>83</sup>.

Кўринадики, санскритда флексив усул етакчилик қилган бўлиб, келишик шакллари маълум аффикслар билан ифодалаган. Хиндий тилида келишик шакллари аналитик усулда ифодаланишига қарамай, олимлар фикрича, ундаги келишик шаклларини ифодаловчи послелоглар аффикслар вазифасинигина бажаради.

К. Гуру ҳам анъанавий қарашларга таяниб, хиндий тилида қўйидаги саккизта келишик мавжудлигини таъкидлайди:

1) Бош келишик эга ўрнида келиб, кесимга узвий боғлиқ шахс ёки нарса-предметнинг номини билдиради: *लड़का सोता है* *LaRka: sota: hai – бола* ухлайди.

2) Тушум келишиги ҳаракатни ўз устига олган, воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган объектни ифодалайди: ... मलिक ने नाकर को बुलाया *Malik ne naokar ko bulaya: –* хўжайн *хизматкорни* чақирди...

3) Биргалик келишиги иш-ҳаракатни бажариш воситасини билдирувчи от шаклидир: सिपाही चोर को रस्सी से बाँधता है *Sipa:hi: chor ko rassi se baNdhta:he –* аскар ўғрини *арқон* билан боғлайди...

4) Жўналиш келишиги феълдан англашилган иш-ҳаракатга йўналган предметни ифодалайдиган от шаклидир: राजा ने ब्राह्मण

<sup>83</sup>Гуру К. Грамматика хинди. – М., Наука, 1962. Часть II. – С.50.

котे धन दिया। Ra:ja: ne *Brahman* ko dhan diya: – шоҳ *Брахманга* бойлик берди...

5) Чиқиши келишиги иш-ҳаракатнинг бошланиш нуқтасини ифодаловчи от шаклидир: *पे.ड से फल गिरा। Per se phal gira:* – *даражатдан мева тушди ...*

6) Қаратқич келишиги бир предметнинг бошқа предмет билан алоқасини ифодаловчи от шаклидир. Қаратқич келишигининг кўрсаткичлари унга боғланган сўзнинг жинси ва сонига қараб ўзгаради: *राजा का महल - ra:ja: ka: mahal – шоҳнинг саройи, लड़के की पुस्तक - laRke ki: pustak – боланинг китоби, पत्थर के टुकड़े patthar ke TukRe – тошининг бўлаклари.*

7) Ўрин-пайт келишиги иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни ва вақтини ифодаловчи от шаклидир: *सिंह वन में रहता है Sinh van mein rehta: hai* – шер ўрмонда яшайди. *शाम को उस से मिलने का वचन दिया Sha:m ko us se milne ka: vachan diya: - Кечки пайт у билан учрашишга ваъда берди.*

8) Мурожаат келишиги бирон - бир шахсга мурожаатни билдирувчи от шаклидир: *हे नाथ! मेरे अपराधों की क्षमा करना He Na:th! Mere apra:dhoN ki: kshama:karna: – खेय झगम!* Гуноҳларимни кечир...

अरे लड़के इधर आ! Are laRke idhar a:! – Эй болакай, бу ёкка кел!...<sup>84</sup>

Хинд тилшунослаrinинг фикрича, ҳиндий тилидаги келишик категориясида нафақат санскрит, балки пракрит, апабхраншаларнинг ҳам таъсири бор<sup>85</sup>.

Ҳариванш Синҳ фикрича, инглиз тилшунос К. Ф. Ҳоккет ҳиндий тилидаги келишикларни синчковлик билан ўрганиб, бу тил тизимида фақат иккита воситали ва воситасиз келишиклар мавжудлигини таъкидлайди<sup>86</sup>.

---

<sup>84</sup> Гуру К. Грамматика хинди. Часть II.– М.: Наука, 1962. -С. 49-51.

<sup>85</sup> हरिवंश सिंह – कारक व्याकरण की दृष्टि से हिन्दी परसर्ग विचार – केंद्रीय हिन्दी संस्थान, आगरा, 2003.- पृ० 41.

<sup>86</sup> हरिवंश सिंह – कारक व्याकरण की दृष्टि से हिन्दी परसर्ग विचार – केंद्रीय हिन्दी संस्थान, आगरा, 2003.- पृ० 42.

Күринадики, ҳиндий тилидаги келишик категорияси ҳақида ҳинд тилшунослари ҳинд анъаналарига асосланиб фикр билдирадилар. Рус ҳиндшунослари эса европа ва рус тилшунослиги анъаналаридан келиб чиқкан ҳолда бу мавзуни талқин қиласылар. Рус тилшунослари нұқтаи назаридан қараганда ҳозирғи ҳиндий тилида келишик категориясининг мавжудлиги мунозаралидір. Уни шартли равищдагина шундай деб қабул қилиш мүмкін.

3. М. Дымшиц фикрига кўра, келишик категорияси гапдаги бошқа сўзларга нисбатан отнинг муносабатини ифодалайди<sup>87</sup>. Унинг назаридаги ҳиндий тилида учта келишик мавжуд:

1) *Бош келишик* – от бирон шахс ёки нарса-предметнинг номини ифодалаб келади. Бу келишикда отлар эга, воситасиз тўлдирувчи, кесимнинг от қисми ҳамда изоҳловчи вазифасини адо этади.

2) *Воситали келишик* – мустақил ҳолда учрамайдиган от шаклидир. Бу шакл турли послелоглар билан бирикиб, гапдаги бошқа бўлакларга нисбатан турли муносабатларни ифодалайди. Шу ўринда З. М. Дымшиц воситали келишикдаги грамматик шаклларни отнинг турланиши билан адаштирмаслик зарурлигини таъкидлайди. Унингча, анъанага биноан отнинг яхлит сўз шакли ҳақида сўз кетганда, унинг гапдаги бошқа бўлакларга бўлган муносабатини ифодаловчи шаклларни ҳисобга олиш керак. Бундан кўринадики, ҳиндий тилидаги послелоглар келишик кўрсаткичлари эмас, балки ёрдамчи сўзлардир.

3) *Мурожсаат келишиги* – нутқ қаратилган шахс ёки нарса-предметга ишора қиласылган отнинг шакли орқали ифодаланади<sup>88</sup>.

Фикримизча, агар ҳақиқатдан ҳам З. М. Дымшиц фикрлари тўғри деб топилса, у ҳолда ҳиндий тилида от сўз туркумига мансуб келишик грамматик категорияси мавжудлиги шубҳали кўринади. Тўғри, ёрдамчи сўзлар ҳам гапда сўзларни бир-бирига боғлаш учун ҳизмат қиласылди. Бироқ ёрдамчи сўзлар лексик бирликлардир.

В. П. Липеровский фикрига кўра, ҳиндий тилида сон ва келишик грамматик категориялари сўз ўзгартувчи бўлиб, улар

<sup>87</sup> Димшиц З. М. Грамматика языка хинди. Часть II.– М.: Наука, 1986. –С.57.

<sup>88</sup> Шоматов О. Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. З-қисм. Т., 2004. – Б.28.

узвий боғлиқдир. Бунга сабаб ушбу категорияларнинг ҳар бири бирлик, кўплик ҳамда воситали, воситасиз шакл каби икки қарама-қаршиликка таяниб келади. Шунинг учун отнинг турланишдаги тўлиқ парадигмаси, яъни унинг сўз шакллари тўрт хилдир. Бундай шакллар граммелаларнинг ўзаро бир-бирига зидланиши натижасида юзага чиқади<sup>89</sup>.

Г. А. Зограф назариясига биноан, кўпчилик хинд-орий тиллари, жумладан, хиндий тилида ҳозир универсал усул тариқасида воситасиз ва воситали келишикларнинг қарама-қаршилиги устун бўлиб келмоқда. Бундай ёндашувни учинчи келишик, яъни мурожаат келишиги ҳисобига кенгайтириш мумкин. Бироқ шакл жиҳатидан бу келишикнинг ифодаланиши ноанироқдир<sup>90</sup>.

Замонавий ҳиндий тилида келишик категорияси ҳақида сўз борганда, унга икки хил нуқтаи назарга ёндошиш мумкин. Биринчидан, ҳиндий тилидаги келишиклар уч асосий гуруҳга яъни, бош келишик, воситали келишик ҳамда мурожаат келишиги каби семантик гуруҳларга тақсимланади. Иккинчидан уларга келишик шаклларига кўра ёндошилганда, оддий ва мураккаб послелоглар каби турларга ажратилади<sup>91</sup>.

О. Н. Шоматовнинг фикрича, келишик грамматик категориясини ўрганиш ҳиндий тилида ўзига хос мураккабликка эга. Олим ҳам бошқа тилшунослар айниқса, К. Ф. Ҳоккет ва З. М. Дымшиц фикрига қўшилган ҳолда отларга мансуб келишик категориясининг от билан ифодаланадиган предметнинг воқелиндаги бошқа нарса-предметлар, сифатлар ёки жараёнларга нисбатан бўлган муносабатини таъкидлаб, ҳиндий тилида келишик категориясининг борлигини шубҳали деб атаган ҳолда “Аслида иккита граммема бош келишик ва воситали келишик,

<sup>89</sup> Липеровский В. П. Именные части речи языка хинди. – М.: ГРВП, 1978. – С.56, Липеровский В.П. Прямой падеж имени существительного и функция субъекта действия в хинди // Индийское языкознание. – М.: ГРВЛ, 1978. – С. 135-142.

<sup>90</sup> Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. З-қисм. – Т., 2004. – Б.28.

<sup>91</sup> Сигорский А. А. Падежная система хинди как нечеткая структура // Восточные языки и культуры: материалы II Международной научной конференции. – М. 2008. – С. 74

яъни *прямая форма* ва *косвенная форма* граммемалари қаршиланади”, деб ўз илмий қарашларини изоҳлайди<sup>92</sup>.

Юқоридаги фикрга таянадиган бўлсак, олим келишик категориясига фақат икки – прямая форма ва косвенная форма граммемалари” ни киритади ва уларни грамматик маъносига кўра бош ва қисман тушум келишигига тўғри келади, деб таъкидлайди. Бундан биз олимнинг ҳиндий тилида фақат икки келишик борлигига урғу берганлигини айтишимиз лозим.

Ўзбек ҳиндшунослик вакилларидан бири Р. Муҳаммеджанов ҳинд-орий тилларидағи келишик шакллари ҳақида фикр билдириб, бу тилда саккизта асосий келишиклар мавжудлигини таъкидлайди: бош келишик, чақириқ келишиги, қаратқич, жўналиш-тушум, чиқиш, ўрин-йўналиш, чегара, эргатив келишиклар каби турларга ажратади. Мазкур келишик шакллари ҳозирги кунда урду тили дарслигида ҳам ўз амалий ифодасини топган<sup>93</sup>

Отларга мансуб келишик категорияси отлар билан ифодаланадиган нарса-предметнинг воқеликдаги бошқа предметлар, сифатлар ёки ҳолатга нисбатан бўлган муносабатини кўрсатади.

Маълумки, турли тилларда келишиклар сони ҳам турличадир. Келишиклар сонинг тилларда турфа бўлиши келишик категориясига кирувчи хусусий маъно ва шакллар мазмуни ва вазифасининг ҳар хиллигидан далолат беради. Кўпчилик тилшуносларнинг таъкидлашича, гапда отнинг бошқа сўз туркумига муносабати келишик категорияси орқали ифодаланади. Шу боис келишик категориясида отнинг келишик шаклидаги гапдаги бошқа бўлакларга бўлган муносабати таъкидланади.

<sup>92</sup> Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. З-қисм. – Т., 2004. – Б.27.

<sup>93</sup> Муҳаммеджанов Р. Падежи, послелоги, предлоги в языках хинди и урду // Вопросы филологии стилистики и грамматики восточные языков, – Т., 1972, Абдураҳмонова М., Муртозахўжаева М., Зокирова У., Шораҳмедова М. Урду тили, Тошкент давлат шарқшунослик институти. – Т. 2018. – Б. 418.

А. Ҳожиевга кўра, келишик категорияси – от ёки отлашган сўзнинг феълга, отга ёки бошқа бир туркум сўзга муносабатини ифодалаб, тобелигини кўрсатувчи шакллар тизимиdir<sup>94</sup>.

Қ. Сапаевнинг фикрича, «отнинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабатини кўрсатувчи маънолар ва бу маънони ифодаловчи шакллар тизими келишик категорияси дейилади»<sup>95</sup>.

Турланишга эга бўлган тиллардагина келишик тизими мавжуд бўлиб, турли тилларда келишик сонлари турличадир. Агар у ёки бу тилда келишик тизими мавжуд бўлмаса, у ҳолда мазкур тил келишикларсиз ҳам грамматик маъно-муносабатни ифодалай олади. Бунда бошқа усувлар, яъни предлог (олд қўшимча), сўз тартиби ва интонациядан фойдаланилади.

Ҳар бир тилнинг келишик грамматик категориясини ўрганиш тарихи мавжуд. Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудидан топилган қадимги ёдномалардаги келишиклар ҳақида тадқиқот ўтказган олимлар обидалар тилида мавжуд бўлган келишиклар сонини турлича кўрсатадилар. Жумладан, В. В. Радлов қадимги ёдномалардаги келишиклар сонини саккизтага бўлади: Indefinitus, Genitiv, Dativ, Accusativ, Instrumental, Locative (Ablativ), Quantitativ, Directiv<sup>96</sup>. И.А.Батманов қадимги Енисей ва бошқа битикларнинг келишиклари ҳақида ёзар экан, уларда олтида келишик мавжудлигини қайд қиласди: именительный (основной), родительный, винительный, дательно-направительный и инструментальный, местный<sup>97</sup>. В. М. Насилов эса Ўрхун-Енисей ёдномаларидағи келишикларни еттитага бўлади: основной (прямой), винительный, инструментальный, творительный, дательный, направительный, место-исходный<sup>98</sup>.

<sup>94</sup>Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2002. – Б.48.

<sup>95</sup>Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – Б.93.

<sup>96</sup>Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.: Фан, 1965. – Б.17.

<sup>97</sup>Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюрской письменности, Фрунзе, 1959. – С.110.

<sup>98</sup>Насилов В. М. Язык орхено-енисейских памятников, М., 1960. – С. 24.

Ўзбек тилшунослигига келишик шаклининг ўрганилиш тарихи А. Ғуломов тадқиқотидан бошланди<sup>99</sup>. У ўз асарида ўзбек тилидаги келишикларни семантик ва синтактик хусусиятига кўра ўрганган. Ўзбек тилшунослигига келишик категорияси ҳақида сўз борганда, кўпчилик ўзбек тилшуносларининг “отларнинг бошқа сўз туркумидаги сўзларга нисбатан муносабатини кўрсатадиган категория” деган фикрлари анъанавий формулага айланган<sup>100</sup>. Олимнинг фикрича, келишик категориясини ифодаловчи грамматик воситалар отлар ва отлашган сўзларнинг синтактик вазифасини кўрсатади.

Кейинги йилларда мазкур мавзу қатор ўзбек тилшунослар томонидан атрофлича ёритилди. Жумладан, Ҳ. Нематов, Ҳ. Нурмонов, Ш. Шаҳобиддинова, М. Қодиров ва ҳ.к.ларнинг ишларида келишик категориясининг умумий – грамматик маъноси тадқиқ этилди<sup>101</sup>.

Ўзбек тилидаги келишикларни тизимли ўрганиш З. Қодировнинг номзодлик ишида батафсил очиб берилди<sup>102</sup>.

Кузатишлар натижасида эски ўзбек тилида еттида келишик шакли мавжуд бўлганлиги аниқланди. Туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврлари учун характерли бўлган восита келишиги шакли XIII-XIV асрларга оид ёзма ёдгорликлар тилида ҳам маълум даражада қўлланган. XV аср ва ундан кейинги даврларда восита келишигининг қўлланиши анча чегаралангани боис грамматик хусусиятини йўқотган ва келишик категорияси

<sup>99</sup> Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар/Труды Узбекского филиала АН СССР. Сер.2 Кн.2. – Т., 1941.

<sup>100</sup> Содиков А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – Б. 224.

<sup>101</sup> Нематов Ҳ. –га ва –дан келишик қўшимчасининг функционал алмашинишига доир; Нематов Ҳ. Чегара келишиги// Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, №4; Қодиров М. Ўзбек тили грамматик категориясини систем таҳлил этиш (Келишик категорияси): Филол.фан.номз...дисс.автореф, Самарқанд, 1991; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Б.75-100

<sup>102</sup> Қодиров М. Ўзбек тилида грамматик категорияларни систем таҳлил қилиш (келишик категорияси): Филол.фан.ном...дисс.автореф, Самарқанд, 1993. – Б.12

сифатида истеъмолдан чиқкан. Шу даврдан бошлаб восита келишиги шаклида қўлланган сўзлар равиш категориясига ўтган, улар пайт, ҳолат каби маъноларни ифодалашга хизмат қилган<sup>103</sup>.

Баъзи тилларда келишик категорияси бир нечта сўз туркумларига хос бўлади. А. Содиков, А. Абдуазизов, К. Сапаевларнинг фикрича, ўзбек тилида бу категория фақат от, отлашган сўз ва олмошларга мансуб<sup>104</sup>.

Хозирги ўзбек адабий тилида от сўз туркумига хос қуйидаги келишик шакллари ва уларнинг мазмун-моҳияти мавжуд. Маълумки, ҳар бир грамматик категориянинг умумий ва хусусий маъноси бўлади. Жумладан, ўзбек тилига хос келишик категорияси учун умумий бўлган маъно ўзидан олдинги мустақил сўзни ўзидан кейинги мустақил сўзга боғлашдир. Мазкур умумий маъно мавжуд олтида келишикнинг хусусий маъно-мазмунлари умумлашмасидир.

### 1.3.2-жадвал

#### Ўзбек тилида келишиклар ва уларнинг қўрсатгичлари

№	Келишикларнинг номи	Қўшимчаси	Мисол
1.	Бош келишик	Ø	Дафтар
2.	Қаратқич келишиги	-нинг	Дафтарнинг
3.	Тушум келишиги	-ни	Дафтарни
4.	Жўналиш келишиги	-га (-ка, -қа)	Дафтарга
5.	Ўрин-пайт келишиги	-да	Дафтарда
6.	Чиқиш келишиги	-дан	Дафтардан

Ўзбек тилида келишик қўшимчаларининг қўлланилиши учун камида икки сўз муносабатга киришиши керак. Бир-бири билан боғланган икки сўз бор жойда синтаксис кучга киради: *уйда тўқилган, қуёшининг нури, хонага кир.* Кузатишлар ўзбек тилшунослари орасида келишик категориясига оид баҳс-мунозарали муаммолар мавжуд эмаслиги аниқлади. Жумладан, олимларнинг фикрича, бош келишик морфологик қўрсаткичи бўлмаслиги билан характерланади. Бошқа келишиклар бош

<sup>103</sup> Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.: Фан, 1965. – Б.17.

<sup>104</sup> Сапаев К. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – Б.93.

келишикдаги сўзга махсус аффикслар қўшиб ясалади. Бош келишикнинг синтактик вазифаси асосан эга вазифасида келишидир. Масалан,

*Бетончи Сафар ака* айиқдек лапанглаб вагонча томонга биринчи бўлиб юрди<sup>105</sup>.

Мазкур гапда ‘*бетончи Сафар ака*’ атоқли от, синтактик жиҳатдан таҳлил этилганда, гапнинг эгаси ва бош келишикдадир.

Қаратқич, тушум ва жўналиш келишиклари белгисиз қўлланганда шакл жиҳатидан бош келишикка ўхшаса-да, лекин маъно ва вазифаси бўйича тубдан фарқли бўлади. Шу нуқтаи назардан, бош келишикнинг мазкур келишиклар билан ўрин алмашиш имкони кучли, бироқ ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари билан ўрин алмашиш имкониятлари ниҳоятда чегаралангандир.

Қаратқич келишиги – бу келишик қўшимчаси ҳозирги давргача турли кўринишда бўлган. Масалан, *-нын*, *-нин*, *-нун*, *-ын*, *-ин*, *-ун*. Бу шакллар бир аффикснинг турлича фонетик кўринишлари бўлиб, улар орасидаги фарқ таркибида *н* ундошининг мавжудлиги ёки йўқлиги, унлиларнинг лабланган ёки лабланмаган холда келишидадир. Айрим адабиётларда келишик олмошларининг I шахс бирлиги ва кўплигига қаратқич келишиги қўшимчаси *-им* шаклида ҳам қўшилган: *меним*, *бизим* каби. Қаратқич келишиги аффиксининг *-нын*, *-нин* шакли XV асрдаги одатда таркибида (охирги бўғинидаги) унлиси лабланмаган сўзларга қўшилган. Кейинги даврларда эса таркибида (охирги бўғинидаги) лабланган унли билан келган сўзларга ҳам асосан шу шакл қўшилган. Қаратқич келишиги аффикси ҳозирги ўзбек адабий тилида *-нинг* шаклида қабул қилинган бўлиб, эски ўзбек адабий тилида қўлланган фонетик вариантларда ишлатилиши ҳозир кўпчилик туркий тиллар учун биринчи навбатда, сингармонизмли туркий тиллар учун характерли. Бу келишикнинг қисқа вариантли аффикслари озарбайжон, турк, туркман, гагавуз каби ўғуз гуруҳидаги туркий тиллар учун характерли ҳодисадир<sup>106</sup>.

<sup>105</sup> Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. – Т.: Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.10.

<sup>106</sup> Абдураҳмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – Б.38.

Қаратқич келишиги эски ўзбек адабий тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам бошқа туркий тиллардаги каби белгисиз қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолларда қаралмишнинг қаратқичга умумий хослиги (шахсга, ўринга, пайтга муносабати) ифодаланади. Қаратқич келишигидаги отлар уюшиб келганда, келишик аффикси ҳар бир бўлакка ёки охирги бўлаккагина қўйилиши мумкин. Ўзбек тили қаратқич келишигидаги сўз асосан аниқловчи вазифасида келади. Масалан, Ҳаммаси *оимоманинг* юмшоқ беланчагида ором олиб тебранади<sup>107</sup>. Мазкур гап синтактик жиҳатдан таҳлил этилганда, «*оимоманинг*» аниқловчи вазифасида келган қаратқич келишигидаги от эканлигин ойдинлашади.

Тушум келишиги – туркий тилларда унинг -ε, -г, -(ы)ғ, -(и)ғ, -(у)ғ, -(у)г аффикси билан ясалган шакли ҳам мавжуд бўлиб, маълум даврлардагина қўлланилиб келган. -ни аффикси билан ясалган шакли эса ҳанузгача фаол қўлланилади. Мазкур келишик асосан феъл билан бошқарилади. Феъллар тушум келишигидаги сўзга муносабатига кўра ўтимли ва ўтимсиз феълларга ажралади. Тушум келишигидаги сўз воситасиз тўлдирувчи вазифасида келиб, ҳаракатни ўз устига олган объектни ифодалайди. Бу келишик ҳам қаратқич келишиги каби белгили ёки белгисиз қўлланилиши мумкин. Белгили қўлланганда аниқ объектни ифодаласа, белгисиз қўлланганда умуман шу турдаги объектни кўрсатади.

Манбаларга кўра, «тушум келишигининг -ни аффикси билан ясалган шакли қаратқич келишиги ўрнида ҳам қўлланган. Бу ҳол «Бобурнома» тили учун характерли бўлиб, бошқа манбаларда кам учрайди. Тушум келишиги шаклининг қаратқич келишиги ўрнида қўлланилиши ҳозир шаҳар типидаги ўзбек шевалари учун аҳамиятли»<sup>108</sup>. Масалан, Унинг бешик тўйи *мени гарданимда*<sup>109</sup>. Мазкур гапдаги *мени* сўзи аслида *менинг* тарзида ифодаланса,

<sup>107</sup> Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.14.

<sup>108</sup> Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқувчи, 1973. – Б.44.

<sup>109</sup> Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.9.

адабий тил нуқтаи назаридан тўғри бўлади. Маълумки, шахар типидаги ўзбек шеваларида тушум келишиги билан қаратқич келишиги шакл жиҳатидан фарқланмайди, яъни қаратқич келишиги ҳам тушум келишиги шакли орқали ифодаланади.

Жўналиш келишиги – қадимги ёдгорликлар тилида мазкур келишикнинг -*гару*, -*геру*, -*қару*, -*керу*, -*ра*, -*ре* аффикслари билан ясалган шакллари ҳам мавжуд бўлиб, булардан биринчи ва иккинчиси ўзбек тилида маълум даврларгача қўлланган. Ҳозирги кунда ўзбек тилида жўналиш келишигининг -*га* (-*ка*, -*қа*) аффикси билан ясалган шакллари қўлланилади. Бу аффикснинг турли фонетик вариантларда келиши шу аффиксни олган сўзнинг характерига, яъни унинг қаттиқ ёки юмшоқ ўзакли бўлиши ёки қандай товуш билан тугалланишига боғлиқ. Жўналиш келишиги ҳам баъзан белгисиз қўлланилиши мумкин. Асосан иш-ҳаракат йўналган томон кўрсатилган ҳолларда белгисиз қўлланилади. Жўналиш келишиги асосан воситали тўлдирувчи, ҳол, баъзан кесим вазифасида келади. Масалан, Темир арматуралардан сварка қилиб ясалган дарвозадан *кўчага* чиққанимда қуёш ботиб борар, ҳаво дим эди<sup>110</sup>. Мазкур жумлада жўналиш келишигидаги от ҳол вазифасида келган.

Жўналиш келишиги эски ўзбек адабий тилида ўрин-пайт, чиқиш ҳамда тушум келишиклари ўрнида ҳам қўлланган.

Ўрин-пайт келишиги -*да*, -*де*, -*дын*, -*та*, -*те*, -*тын* аффикси билан ясалган. Бу аффикс таркибидаги ундошнинг жарангли ёки жарангсиз булиши шу аффиксни олган сўзнинг қандай товуш билан тугаганига боғлиқ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ўрин-пайт келишиги учун -*да* аффикси қатъий қўлланилади. Ўрин-пайт келишиги ўрин-пайт ҳоли, воситали тўлдирувчи, баъзан кесим вазифасида келади. Масалан,

1. *Шундагина дераза ёнида, хонтахта олдидағи қўрпачада ўтирган ойимга кўзим тушиди*<sup>111</sup>.

2. *Пойгакдаги караватда* китоб ўқиб ётган Ҳожи ака деган хаста йўғон гавдасига номуносиб чаққонлик билан бошини кўтариб, кўзидан ойнагини олди<sup>112</sup>.

<sup>110</sup> Ўша асар. – Б.12.

<sup>111</sup> Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. – Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.13.

3. *Хожимирсиро жаңы талашиболали бир хотин билан айтишиб қолди*<sup>113</sup>.

Үрин-пайт келишиги баъзан бошқа, жумладан, жўналиш, чиқиш келишиклари ўрнида қўлланган. Ўрин-пайт келишигининг жўналиш келишиги ўрнида қўлланилиши ҳозир ўзбек тилининг Самарқанд-Бухоро шевалари учун характерлидир<sup>114</sup>.

-дын, -дун, -тын, -тун кўринишларида ҳам учрайдиган чиқиш келишиги шакли маълумотларга кўра, туркий тилларда нисбатан кейинги даврларда шаклланган бўлиб, маълум давргача бу келишик ўрнида ўрин-пайт келишиги шакли қўлланилган. Ҳозирги кунда чиқиш келишиги аффикси -дан ҳисобланади. У ўрин ҳоли, пайт ҳоли, воситали тўлдирувчи, баъзан кесим вазифаларида келади. Масалан,

1. *Айвон томондан дадамнинг йўталгани эшистилди, гўё ҳар битта гуручни санагандек, бир нуқтадан кўз узмас, лаблари титрарди*<sup>115</sup>.

2. *Анвар боя қизнинг кетидан юрганида юкини кўтариш баҳонаси билан отини сўрамоқчи бўлган эди, сўраш эсидан чиқиб қолди*<sup>116</sup>.

3. *Қайтишда магазиндан оғир қофоз халта кўтариб чиқсан ўша қизни кўриб қолди*<sup>117</sup>.

Мазкур жумлаларда чиқиш келишигидаги отлар ўрин ҳоли вазифасида келган.

Кўринадики, келишик категорияси синтактик категориялар орасида мазмун-моҳиятига кўра етакчи ўринни эгаллайди. Унинг умумий грамматик маъноси синтактик жиҳатдан ўзидан олдинги сўзни ўзидан кейинги сўзга боғлашдир. Мазкур маъновий хусусиятига кўра, у боғловчи ва кўмакчига яқин туради. Аммо у

---

<sup>112</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Минг бир жон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.43.

<sup>113</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Йиллар. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.57.

<sup>114</sup> Абдураҳмонов F., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – Б.54.

<sup>115</sup> Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. – Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.13.

<sup>116</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Етим. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.109.

<sup>117</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Етим. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.108.

морфологик кўрсатгич, яъни қўшимча эканлиги билан кўмакчидан ажралиб туради. Маълумки, кўмакчи ҳам гапда сўзларни бир-бирига боғлаш учун ҳизмат қиласи. Бироқ кўмакчи лексик бирлиқдир.

Қ. Сапаевнинг фикрича, келишик шакли ва кўмакчи ифодалаган маънолар маълум даражада бир-биридан фарқ қиласи. Жумла кўмакчи билан ифодаланишида маъно ҳийла аниқ бўлади<sup>118</sup>. Боғловчилар эса тобе алоқа учун хизмат қилувчи сўз бирикмасига хослиги билан характерланади.

Таҳлиллар асосида қўйидаги хуносаларга келинди, иккала тилда ҳам келишик категорияси тарихий характерга эгадир. Узоқ тарихий жараёнда келишиклар тизимида баъзи бир ўзгаришлар рўй беради.

Аммо аксарият тилшуносалар фикрича, ҳозирги хинд-орий тиллари, жумладан, ҳиндий тилида ҳам келишик категориясининг мавжудлиги шубҳалидир, бинобарин, уни шартли равишдагина қабул қиласа бўлади. Зотан бу ерда асосан иккита граммема – бош келишик ва воситали келишик граммемалари қарама-қарши туради.

Шу ўринда З. М. Дымщицнинг изоҳлари муҳимдир. Унга биноан, бундай бирикмаларни келишик турланиши билан чалкаштириб бўлмайди. Негаки, юқорида кўриб чиққанимиздек, анъанага кўра, келишик отнинг гапдаги бошқа бўлакларга бўлган муносабатини ифодаловчи шаклидир. Послелоглар эса келишик қўшимчалари эмас, ёрдамчи сўзлар бўлиб қолади. Бундан ташқари, улар якка ҳолда гапдаги синтактик муносабатларни белгилай олмайди. Мурожаат келишиги нутқ қаратилган шахс ёки нарса-предметларга ишора қиласидиган от шакли орқали ифодаланади.

Кўринадики, ҳиндий тилида от шакллари уларнинг жинсга бўлган муносабати ва сўз ўзаги типларига боғликдир.

Демак, ҳиндий тилида отга хос келишик категорияси хусусида тилшуносаларнинг фикрлари турлича.

Тарихий тараққиёт натижасида эски ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган келишик аффикслари шаклланиб, ҳозирги кунда

---

<sup>118</sup> Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – Б.93.

олтита келишик шакллари қатъийлашган. Шуниси ахамиятлики, ўзбек тилидаги келишиклар ва уларнинг аффикс шакллари асоси ўзгармаган. Ҳанузгача уларнинг тарихий шакллари ўзбек тилининг баъзи шеваларида қўлланилади.

Ўзбек тили келишик категорияси ҳақида тишликосларнинг фикрлари орасида яқдиллик кўзга ташланади. Қолаверса, ўзбек тилида мавжуд олтита келишик бир бутунлиликни ташкил этгани ҳолда, яхлит семантик ва синтактик хусусиятига эгадир.

Грамматик категориянинг асосий вазифаси гапда сўзларни тартибга солиш бўлиб, уни атрофлича ўрганиш турли тилларда ифодаланган жумлаларнинг маъносини англашга хизмат қиласди. Грамматик категорияларни чуқур ўрганиш орқали тилларнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлиши аниқланди. Тилларда грамматик категориялар морфологик ҳамда синтактик турларга бўлиниши ўрганилди.

Танланган икки тилда отга хос сон грамматик категориясига оид илмий-назарий қарашларда яқдиллик мавжуд. Шуниси ахамиятлики, ҳиндий тилида сон грамматик категорияси нафақат от, балки олмош, сифат ва феъл сўз туркумларига ҳам хосдир. Бироқ от сўз туркумидаги жинс грамматик категорияси мавжудлиги боис сон грамматик категорияси ифодаланганда от сўз туркумидаги сўзларгина шаклан ўзига хос тарзда турланади. Сифат, феъл туркумидаги сўзлар бевосита ёки билвосита от билан мослашади. Қолаверса, ҳиндий тилида сон грамматик категорияси нафақат сўзларнинг кўплик, балки ҳурмат маъносига ҳам қўлланилади. Ҳиндий тилида сон грамматик категориясини ифодалашда воситали ҳамда воситасиз отлар ниҳоятда муҳимдир. Отларнинг кўплик шакли ҳосил қилинганда, фузия ҳодисаси етакчилик қиласди.

Ўзбек тили тизимида сон грамматик категорияси от, олмош ва феълларга хос бўлиб, бирлик ва кўплик шакллар қарама-қаршилигидан иборатдир. Ҳиндий тилидан фарқли ўлароқ, сон категорияси сифатларда мавжуд эмас. Сон грамматик категорияси ифодаланганда фузия ҳодисаси кузатилмайди. Бу ҳолат ўзбек тилининг табиати, яъни агглютинативлиги билан боғлиқдир.

Ўзбек тилида отларнинг кўплик шакли асосан морфологик, лексик-семантик ва аралаш йўллар билан ясалиши маълум. Морфологик усул билан кўлланган от нисбатан мавҳумроқ туюлса, лексик усулда, яъни сонлар билан ифодаланган отларнинг кўплик шакли аниқликни ифодалайди. *-лар* аффикси нафақат кўплик шаклни, балки турли туман маъноларни ифодалаши билан ҳарактерланади.

Келишик категорияси икки тил тизимида ҳам тарихий ҳарактерга эгадир. Шаклланиш ва ривожланиш жараёнида келишик категориясида бир ўзгаришлар рўй берган бўлиб, улар ҳар икки тилда ҳам синтактик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Ҳиндий тилида отга хос келишик категорияси хусусида тилшуносларнинг фикрлари турлича. Бу жиҳат ҳинд-орий тилларида отга хос келишик категориясининг фақат фрагментар ҳолатда бўлиб, муайян яхлитликка эга эмаслигини далиллайди. Ҳиндий тилида асосан иккита граммема – бош келишик ва воситали келишик, яъни прямая форма ва косвенная форма граммемалари зидланади.

Эски ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган восита келишигининг равиш туркумига ўтиши оқибатида ҳозирги ҳозирги ўзбек тилида олтида келишик шакллари сақланиб қолган.

Шуниси аҳамиятлики, ўзбек тилидаги келишиклар ва уларнинг аффикс шакллари асоси ўзгармаган. Уларнинг тарихий шакллари айрим шеваларда қўлланилади.

Ҳиндий тилида отга хос сон ва келишик категориясининг морфологик- синтактик категориялар таркибиға кириши аниқланди. Ўзбек тилида соннинг морфологик, келишикнинг эса синтактик категорияга алоқадорлиги кузатилди.

# **ҲИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОТГА ХОС СОН КАТЕГОРИЯСИДА ИЗОМОРФИЗМ ВА АЛЛОМОРФИЗМ ХОДИСАСИ**

## **Ҳиндий ва ўзбек тилларидаги сон грамматик категорияси шаклларининг изоморфизм ҳодисаси**

Мавхум тафаккур соҳиби бўлган одам турли тилларни эшитганда ёки ўрганганда уларда асосан икки жиҳатдан, яъни ташқи ўхшашлик ва сўзларнинг грамматик тузилиши, негиз ясалиши, гапда сўзларнинг ўзаро боғланиш усулида ўхшашлик борлигини сезади. Бу масалалар билан жиддий шуғулланиш XIX асрдан бошланган. Тилларни турларга ажратиш жараёнида генетик (генеологик), морфологик ва структурал таснифлашга аҳамият берилади. Бу ҳолат тилшуносликда типология деб юритилиб, бу соҳадаги энг долзарб ва катта муаммолардан бири ҳисобланади.

Типология<sup>119</sup> тилшуносликнинг муайян соҳаси сифатида тилларни типологик тасниф қилиш билан шуғулланади, типологик таснифининг муҳим қонун-қоидалари ва усулларини текширади, шунингдек, лисоний бирликларни бирон бир умумий белгиси асосида тасниф қилиш жараёнини ҳам бажаради<sup>120</sup>.

Типологик тадқиқотлар Ф. Шлегел асарларидан бошланган. Кейинчалик тиллар типологияси бўйича А. В. Шлегел, В. Гумбольт, Х. Штейнтал, А. Шлейхер, Э. Сепир, В. Скаличка, А. Мартине, Ф. Ф. Фортунатов, И. И. Мещанинов, Б. Успенский, Ю. В. Рождественский, В. Н. Ярцева ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар. Ўзбекистонда А. Абдуазизов, Ж. Бўронов, Қ. Тойметов, М. Ирисқулов каби олимлар типология масалалари билан шуғулланганлар<sup>121</sup>.

Лингвистик типология – тиллар ўртасидаги генетик муносабатлардан қатъий назар, уларнинг структур ва функционал хусусиятларини ўрганувчи тилшунослик соҳасидир. Илмий

<sup>119</sup> Типология гр. typos – шакл, намуна, logos – таълимот.

<sup>120</sup> Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1976. – С.487.

<sup>121</sup> Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – Б.283, Ярцева В.Н. Иерархия грамматических категорий и типологическая характеристика языков. В.кн.: Типология грамматический категорий. – Москва, Мещаниновские чтения. 1975.

жиҳатдан лингвистик типология тиллардаги фарқли ва ўхшаш аломатларни гуруҳларга, андозаларга, типларга ажратиш йўли билан тадқиқ этиш методи ҳисобланади.

Лингвистик типология тил гуруҳларидаги аломатларни категориялар ёки турли структур белгиларнинг фонологик, лексик-семантик, грамматик ва стилистик соҳалардаги ифодаланиши сифатида татбиқ этади, бинобарин, тилнинг ҳар бир сатҳига хос типология фарқланади. Лингвистик типология кенг миқёсда тил универсалиялари билан боғланади. Лингвистик типология тиллардаги хусусиятларнинг структур қонуниятларини топишга интилса, тил универсалиялари бу аломатларнинг жаҳондаги қайси тилларда қандай тарқалганини ўрганади<sup>122</sup>.

Кўриданники, типология бир томондан, тилларни тасниф қилишнинг умумий назариялари, қонун-қоидалари ва усулларини ўз ичига олса, иккинчи томондан, у тил системаси бирликларини умумий белгиси, хусусияти асосида тасниф қилиш билан шуғулланади.

Қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларнинг мавжудлиги, ушбу томонларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш ва тушунишга бўлган интилиш тилшуносликда алоҳида соҳа, йўналиш сифатида тан олинган лингвистик типологиянинг майдонга келишига сабаб бўлди. Лингвистик типология тилларнинг қариндош ёки қариндош эмаслигидан қатъий назар уларнинг тузилиши жиҳатидан яқинлик, боғлиқлик даражасини текширади, мавжуд ашёвий материаллар асосида муайян ҳодисанинг моҳиятини, табиатини аниқлайди<sup>123</sup>.

Ж.Бўроновнинг назариясига асосан қиёсий типология умумий лингвистик типологиянинг бир қисмидир. «У икки ва ундан ортиқ аниқ тиллар тизимларини, тиллардаги маълум категорияларни дедуктив равища алоҳида ўрганади. Тиллар тизимларидаги лингвистик ҳодисаларни бир-бири билан таққослаб, умумий типологик қоида ва қонунлар яратади. Икки тил системасини икки ёқлама қиёслашда ҳар бир қиёсланаётган

<sup>122</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 том. – Т., 2000. – Б.496.

<sup>123</sup> Басқаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. – Т., 1979. – Б.37.

тил системасининг баён этилган материали алоҳида-алоҳида қиёсланади. Ҳар бир қатlam бирлигининг ўзига хос хусусияти, бошқа қатламлардаги бирликларнинг ўзаро алоқалари ҳисобга олинади»<sup>124</sup>.

Маълумки, ҳар қандай типология қиёслашни тақозо қилади. Ж. Бўроновнинг фикрича, тил системаларини қиёсий ўрганишда умумий типологик метод ва тарихий қиёсий метод мавжуд. Умумий типологик метод лингвистик типологияни яратишга хизмат қилади. Лингвистик типология эса ўз навбатида структурал типология универсалияси, тилларнинг морфологик таснифи маҳсус типологик назария ва этalon тилни аниқлашни қамраб олади.

Ў.Қ.Юсуповнинг фикрича, тил билан боғланган қиёлаш икки хил: айрим олинган тилнинг структурасини ўрганишда ишлатиладиган қиёсий услугуб (битта тил ичидаги қиёлаш) ва икки ёки ундан ортиқ тилларни ўрганишдаги қиёсий услугуб (тиллараро қиёлаш)<sup>125</sup>.

Тилларни қиёсий ўрганиш қиёсий-тарихий тилшунослик, типология (классик – морфологик ва структурал типологиялар), қиёсий типология ва чоғиштирма тилшуносликда қўлланилиниади.

Тилларни чоғиштирма ўрганиш таржима, лингвофалсафий, лингводидактик ва назарий масалаларни ўрганишни мақсад қилиб олади.

Чет тилини ўрганиш мураккаб лингвопсихологик ҳодисадир. Чет тилини ўрганиш чоғида ўрганувчи онгига она тили ва хорижий тил системалари тўқнашади. Ўрганувчининг она тили янги тил системасини ўзлаштиришни осонлаштиради ёки унинг йўлига тўсиқ бўлади. Тилшуносликда биринчи ҳодиса «fasilitatsiya»<sup>126</sup> ва иккинчиси «interferensia» терминлари билан ифодаланган.

Тиллар назарий мақсадларда ҳам чоғиштирма ўрганилиши мумкин. Бунда тилларнинг фонетик, морфологик, лексик ва

---

<sup>124</sup> Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т., 1973. – Б.76.

<sup>125</sup> Юсупов Ў.Қ. Проблемы сопоставительной лингвистики. – Т., 1986.

<sup>126</sup> [www.http://indianlinguistics.ru](http://indianlinguistics.ru)

синтактик сатҳлари система тарзда ўрганилиб, уларнинг ўхшаш ва фарқлари жиҳатлари ва уларнинг сабаблари аниқланади<sup>127</sup>.

Тил универсалиялари барча тиллар тизимиға хос лингвистик категориядир. Тил универсалиялари, бошқача айтганда, универсализм тилдаги умумий категорияларни ўрганади. Натижада дескрептив ҳамда бошқа методларни тилнинг умумий қонунлари билан типологик умумийликни аниқлашда қўлланилади. Демак, универсализм тил қонуниятларининг умумлашмасидир<sup>128</sup>.

Маълумки, тилларни қиёслашда икки ёки ундан ортиқ тиллар қиёсланади. Бундай ҳолат ўз навбатида систематик ва носистематик қиёслашга ажратилади. Носистематик қиёслаш кўпинча илмий асарларда учрайди. Асосан бу жараёнда муаллифлар ўз фикрларини тасдиқлаш жараёнида фойдаланадилар. Систематик қиёслаш эса тилларнинг барча ёки айrim қатламлари ва уларнинг бирликларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, тиллар таркибидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни кўрсатади.

Генетик ва типологик жиҳатдан бир турга мансуб тиллар типологиясини қиёсий типология ўрганади. Бу ҳолатда тадқиқот обьекти қардош тиллар бўлиб, уларниг умумийлиги, хусусийлиги ҳамда ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланади.

Демак, тилларни чоғиштирма-типологик ўрганиш – танланган тилларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, структур, семантический ҳолатига кўра бир турга мансуб ёки мансуб эмаслигидан қатъий назар улардаги ўзаро ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир. Чоғиштирма-типологик лингвистикада тиллардаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар уларнинг бир типга мансуб ёки мансуб эмасликларига боғлиқ бўлмайди.

Изоморфизм (*изо...+ юн. Morphē*) – «шакллар» маъносини билдириб, кимёвий таркиби ва кристалл тизими бир бирига яқин

---

<sup>127</sup> Юсупов Ў.Қ. Проблемы сопоставительной лингвистики. – Т., 1986.

<sup>128</sup> Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б. 178.

жинсларнинг ўзгарувчан таркибли бирикмалар ҳосил қилиш қобилиятидир<sup>129</sup>.

Агар бирон бир тилга хос лисоний белги юзасидан икки тил структурасининг муайян жиҳатлари, шунингдек, тилнинг алоҳида микро ёки макро структуралари ва уларнинг таркибий қисмлари ўртасида ўхшашилик, яъни параллелизм мавжуд бўлса, тилшуносликда бу ҳодиса изоморфизм деб аталади<sup>130</sup>.

Изоморфизм тушунчаси тилшунослик соҳасига Е. Курилович томонидан киритилган бўлиб, унинг фикрича, тилнинг турли сатҳларига хос тил бирликлари структурасининг бир хиллиги шу бирликлар орасида ўхшаш муносабатларни рўёбга чиқаради<sup>131</sup>.

Изоморфизм объектлар ва тизимлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликдир<sup>132</sup>.

Ушбу тадқиқот обьекти бўлган ҳиндий ва ўзбек тилларида изоморфизм ҳодисаси аввало уларнинг лексикасида кўзга ташланади. Ҳиндий ва ўзбек тилига араб ва форс тилларидан ўзлашган қатлам бунга мисол.

Маълумки, тиллардаги ўхшашилик ва фарқли хусусиятларни таснифлаш учун рус тилида *сходение* ва *расхождение* терминлари ишлатилади. Тадқиқотда қайд этилган терминларнинг муқобили сифатида яқинлаштирувчи тил фактлари ва узоқлаштирувчи тил фактлари термин бирикмалари ишлатилди. Ўз навбатида, яқинлаштирувчи тил фактлари нисбатан яқинлаштирувчи тил фактларини ҳам ўз ичига олади.

Ҳар икки тил гап қурилишида ҳам изоморфизм ҳодисаси мавжуд. Гапда сўзлар тартиби икки тилда мос тушади. Масалан, ҳиндий тилида उस ने अपने मित्र के लिए पुस्तक □□□□□। Us ne apne mitr ke liye pustak khari:di:. ‘У дўсти учун китоб сотиб олди.’

Кўринадики, гапда структур жиҳатдан сўзлар тартиби эга + иккинчи даражали бўлак + кесим кўринишидадир.

<sup>129</sup> Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов, – М.: Пилигрим, 2010. – С.218.

<sup>130</sup> Там же.

<sup>131</sup> Там же.

<sup>132</sup> Там же.

Маълумки, кўплик грамматик категориясининг марказида сўз туркумларининг сон категорияси ва сўз туркумлари туради. Кўпликнинг бирликка зид қўйилиши деярли барча тилларда мавжуд. Умуман, кўплик грамматик категорияси турли шакллар, яъни морфемалар ёрдамида маҳсус сўзлар ва сўз биримлари воситасида ифода этилиши мумкин.

Хиндий ва ўзбек тилларида сон грамматик категориясининг отга хослиги ўзаро изоморфизм ҳодисасидир. Мазкур тилларда отларнинг бирлик шакли  $\emptyset$  морфемага тенг, яъни бирлик маъноларини ифодалаш учун ҳеч қандан кўрсатгич иштирок этмайди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ўзбек тилидаги кўплик англатувчи *-лар* аффиксинининг маъноларини учта гурухга ажратиш мумкин: соғ кўплик маъноси, оттенкали кўплик маънолари, кўплик ифодаламайдиган маънолар<sup>133</sup>.

Кўйида келтирилган таҳлилларда хиндий ва ўзбек тилларида сон грамматик категорияси таркибига кирувчи уч гуруҳда ҳам қисман ва тўлиқ изоморфизм ҳодисаси кузатилди. Иккала тилда ҳам кўплик ифодаловчи аффикслар (хиндий тилида *-या: N*, *-एँ -eN*, *-ए -e*, ўзбек тилида *-лар*) туфайли эмас, балки улар қўшиладиган негизнинг маъновий хусусиятига боғлиқ ҳолда юзага келади.

Хиндий ва ўзбек тилларида отларнинг кўплик шакли лексик-грамматик усуллар ёрдамида ясалади:

Кўплик морфемаси орқали сон категориясини ифодалаш:

хиндий тилида:

1. इन पुस्तकों में तस्वीरें हैं। – In pustakoN mei tasvi:reN heiN<sup>134</sup> Бу китобларда *суратлар* бор.

2. नवीन जी की आँखें सजल हो गयीं। Navi:n ji: ki: a:NkheN sajal ho gai:<sup>135</sup>. Навиннинг *кўзлари* ёшга тўлиб кетди.

ўзбек тилида:

1. У ҳам осмонга – хира *юлдузларга* қаради<sup>136</sup>.

<sup>133</sup> Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология, 1-том. – Т.: Фан, 1975. – Б.127

<sup>134</sup> हरिवंश सिंह – कारक व्याकरण की दृष्टि से हिन्दी परसर्ग विचार – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 2003. – पृ० 148.

<sup>135</sup> वहीं – पृ० 11

2. Мартнинг охирги қунлари<sup>137</sup>.

3. Кўк юзида сузиб юрган булут *парчалари* офтобни бир зумда юз кўйга соляпти<sup>138</sup>.

1. Сонга оид сўз билан, яъни лексик усулда сон грамматик категориясини ифодалаш:

ҳиндий тилида:

1. पन्ना के चार बच्चे थे तीन बेटे □□ एक बेटी |<sup>139</sup>. Panna: ke cha:r bachche the – ti:n beTe aor ek beTi: Паннанинг тўрт фарзанди бор эди – уч ўғил, бир қиз.

2. □□ महीने बाद वह कलकत्ता से घर आया। Che mahi:ne ba:d voh Kalkatta se ghar a:ya: <sup>140</sup> Олти ойдан кейин у Калкуттадан уйига келди.

3. एक महीना गुज़र गया। Ek mahi:na: guzar gaya:<sup>141</sup> Бир ой ўтиб кетди.

ўзбек тилида:

1. Бир кун ўтди, уч кун ўтди, ўн кун ўтди, на Салимжон, на қудалар, ҳеч ким йўқламади<sup>142</sup>.

2. Бир қон сомон, ўн ўн бешига хода, бир арава қамиши – уй, хўкиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади<sup>143</sup>.

3. Уч-тўрт киши бўлиб аста кирсак, ҳовлининг ўртасида катта гулҳан, хотини Малоҳатхон унинг атрофида додлаб юрибди<sup>144</sup>.

Морфологик нуқтаи назардан, ҳиндий тили анализик тиллар, ўзбек тили эса агглютинатив тиллар гуруҳига мансуб бўлишига қарамай, тиллар тизимидағи сон грамматик

---

<sup>136</sup> Абдулла Қахҳор. Даҳшат. Анор. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.7.

<sup>137</sup> Абдулла Қахҳор. Даҳшат. Минг бир жон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.42.

<sup>138</sup> Абдулла Қахҳор. Даҳшат. Минг бир жон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.42.

<sup>139</sup> премчанд – манасроевар – 1, дилли. – 409

<sup>140</sup> премчанд – манасроевар – 2, дилли. – 4036

<sup>141</sup> премчанд – манасроевар – 2, дилли. – 4041.

<sup>142</sup> Абдулла Қахҳор. Даҳшат. Муҳайё. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.95.

<sup>143</sup> Абдулла Қахҳор. Даҳшат. Ўғри. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.20.

<sup>144</sup> Абдулла Қахҳор. Даҳшат. Жонифон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.24.

категориясининг морфологик услубида айнан изоморфизм ҳодисаси кўзга ташланади.

Масалан, *ларкия* *laRkiya:N* – «қиз болалар», *бахе* *bahueN* – «келинлар», *камре* *kamre* – «хоналар» каби. Бу ерда ҳиндий тилидаги кўплик шакл ясовчи аффикслар -*या*-*ya:N*, -*ए*-*eN*, -*ए*-*e* ўзбек тилидаги кўплик ясовчи -*лар* аффиксига айнан мос тушади. Масалан,

1. тум апни बातें यहाँ नहीं चलाते हो। – Tum apni: ba:teN yahaN nahi:N chelate ho<sup>145</sup> Сен ўз гапларингни бу ерда ўтказа олмайсан.

2. वैसी चीज़ें तुम पहनो तो रानी मालूम होने लगो। <sup>146</sup> Veisi: chi:zeN tum pehno to ra:ni: ma:lu:m hone lago. Шундай нарсаларни кийгинки, маликалардек бўлиб қолгин.

Иzlаниш натижасида маълум бўлдики, икки тилда ҳам кўплик англатувчи аффикслар нафақат кўплик, балки бошқа маъноларни ифодалашга ҳам хизмат қиласди. Жумладан, ҳиндий тилида ҳурмат маъносини ифодалашда бирликдаги сўзлар кўплик шаклда қўлланилади:

1. देखिये, गुरु जी आये हैं। Dekhiye, guru ji: a:ye heiN. Қаранглар, устоз келдилар.

Ўзбек тилида:

1. Домла отахонимиз эдилар, келинимиз бизга онахон бўладилар<sup>147</sup>.

2. Туппа-тузук ўтирган одам бирдан айниб, энди ундоқ бўласан, бундоқ бўласан, жазман чиқиб қолади, деб жаҳлимни чиқардилар<sup>148</sup>

Мазкур гаплардаги *Maχatma Gandhi* ва *домла* ҳамда *келинимиз*, *одам* сўзлари гарчи бирлик маъносида ишлатилса-да, гапда кўплик грамматик категорияси қўлланилиб, ҳурмат маъносини ифодаламоқда.

<sup>145</sup> हरिवंश सिंह – कारक व्याकरण की दृष्टि से हिन्दी परसर्ग विचार – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 2003. – पृ० 126.

<sup>146</sup> वहीं. – पृ० 56

<sup>147</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Тўйда аза. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.37.

<sup>148</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Жонифон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.27.

Хиндий тилида **प्रत्येक** *pratyek* «ҳар бир» ҳамда **हर एक** *harek* «ҳар бир» сўзлари доимо бирликда кўлланилади. Масалан,

1. **प्रत्येक व्यक्ति यही कहेगा।**<sup>149</sup> *Pratek vyakti yahi: kahega:.. Ḫar bир шахс* айнан шундай дейди.

2. **हर एक कुआँ मीठे जल का नहीं होता।**<sup>150</sup> *Harek kua:N mi:The jal ka: nahi:N hota:.. Ḫar bир қудуқ ҳам чучук сувлик бўлавермайди.*

3. **हर एक पिता अपने पुत्र को समझा रहा था।** *Harek pita: apne putr ko samjha: raha: tha:.. Ḫar bир ота* ўз ўғлига тушунтираётган эди.

Мазкур ҳолат ўзбек тилига мос тушади:

1. Додхоҳ *ҳар бир кеча* таровех намозидан кейин ҳалқага қолар эди, бу кечада қайтди<sup>151</sup>.

2. Бу одам маҳалла ҳаётига, *ҳар бир кишининг* дилига кириб, шу қадар сингиб кетган эдики, таътилга ё сафарга кетса бутун маҳалла ҳувиллаб қолгандай бўларди<sup>152</sup>

3. Оламда унинг суюнгани эри, бирдан-бир орзуси – анор эди, бирданига *ҳар иккиси* ҳам йўққа чиқди<sup>153</sup>.

Ўзбек тилида яkkани ифодаловчи маҳсус шакл (бирлик шакли) йўқ, турдош от маълум контекстдагина якка предметликни билдира олади. Юқоридаги материалларда икки тилда ҳам от англатган маъно кўпликни ифодаласа-да, шаклан бирликда берилган. Шу ўринда ўзбек тилига нисбатан «фақат бирликда ишлатилувчи отлар», «фақат кўпликда ишлатилувчи отлар» ҳақида эмас, балки *-лар* аффиксини оловчичи отлар ва *-лар* олмайдиган отлар хусусида, буларнинг ички маъно гурухланиши ҳақида гапириш маъқул<sup>154</sup>.

Қолаверса, ҳиндий тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам ҳиндий тили грамматик қонун-қоидаларига асосланган бўлиши кераклиги изланиш натижасида аниқланди.

<sup>149</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003.– पृ०95.

<sup>150</sup> वहीं. – पृ०95.

<sup>151</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Даҳшат. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.10.

<sup>152</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Тўйда аза. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.36.

<sup>153</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Анор. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.6.

<sup>154</sup> Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология, 1-том. – Т.: Фан, 1975. – Б.126

Араб ва форс тилларидан кириб келган **мака:n** *maka:n* «уй», **кагаз** *ka:gaz* «қоғоз» сўзларининг кўплик шакли шу тиллар грамматикасига мувофиқ **маканат** *maka:na:t* «уйлар» ёки **кагазат** *ka:gazat* «қоғозлар» тарзида бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, араб тилидан ўзлашган **вакил** *vaki:l* «адвокат, элчи» сўзининг кўплик шакли ҳиндий тилида **вакла** *vakla:* «адвокатлар, элчилар» бўлиши қонунга хилоф. У қуидагича ишлатилади:

**вакилों की राय लीजिये ।<sup>155</sup> *Vaki:loN ki: ra:y li:jiye* – Адвокатларнинг фикрини олинг.**

Маълумки, ўзбек тили сўз бойлигининг маълум улушкини арабча ўзлашмалар ташкил этади. Бу ўзлашмаларнинг асосий қисми от сўз туркумига мансуб бўлиб, уларнинг кўпчилиги кўплик шаклида ўзлаштирилган: *аҳвол* (бирлиги - ҳол), *авлод* (бирлиги - валад), *аъзо* (бирлиги - узв), *ҳалойиқ* (бирлиги - холиқа), *уламо* (бирлиги - олим), *аҳбоб* (бирлиги - ҳабиб), *ажойиб* (бирлиги - ажиб) ва ҳ.к. Кўплик шаклидаги бундай сўзлар ҳозирги ўзбек тилида бирлик шаклида ўқилиб, уларнинг кўплик маъноси -лар аффиксини қўшиш билан ифодаланади: *аҳволлар*, *авлодлар*, *аъзолар* ва ҳ.к.<sup>156</sup>. Масалан,

1. Эрталаб жуда ёмон *аҳволга* тушди: уйнинг у бошидан бу бошигача додлаб юмалади<sup>157</sup>.

2. Унинг *аҳволларини* кўриб Анвар ҳам йифлагудай бўлди<sup>158</sup>.

3. Юқорида комиссия *аъзолари* ўтирас эди.

Эътиборлиси шундаки, аксарият инглиз тилидан ўзлашган сўзлар ҳиндий тилига бирлик шаклда кириб келган бўлса, ўзбек тили лексик таркибидан ўрин олган арабча-форсча ўзлашмаларнинг деярли барчаси кўплик шаклида воқеланганд. Тиллардаги ўзлашма сўзларнинг грамматик жиҳатдан мослашув

<sup>155</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003.– पृ०95.

<sup>156</sup> Абдураҳмонов F., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – Б.30.

<sup>157</sup> Абдулла Қаҳҳор «Даҳшат», Бошсиз одам. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.33.

<sup>158</sup> Абдулла Қаҳҳор «Даҳшат», Васий. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.99.

тартиби изоморфизм ҳодисасидан дарак берса, чет сўзларнинг ҳиндий тилида асосан бирлик, ўзбек тилида эса кўплик шаклда ўзлашганлиги алломорфизм ҳодисасини юзага чиқарган.

Кузатишимиз натижасида чоғиширилаётган икки тилда ҳам отларнинг фақат бирлик шаклда қўлланилиши асосан доналаб санаш мумкин бўлмаган нарса-предметларни атайдиган ва умуман, кўпликни билдирумайдиган отларга хос хусусиятлиги аниқланди.

Ҳиндий тилида ҳис-туйғу ва ҳислат (сифат) ни билдирувчи отлар одатда бирлиқда ишлатилади:

मैं उनकी □□□□□□ पर मुग्ध हूँ।<sup>159</sup> Mei unki: sajanta: par mugdh hu:N. Мен унинг олийжсаноблигидан мамнуунман.

Мабодо бундай вазиятларда гапда сон иштирок этса, ҳис-туйғу ва ҳислат билдирувчи отлар кўплик шаклда қўлланилиши мумкин:

इस ग्रंथ की अनेक विशेषताएँ या खूबियाँ हैं।<sup>160</sup> Is granth ki: anek visheshta:eN ya: khu:biya:N heiN. Бу китобнинг бир қанча хусусиятлари ёки фазилатлари бор.

उनकी अनेक विशेषताओं को जानता हूँ।<sup>161</sup> Unki anek visheshta:oN ko ja:nta: hu:N. Унинг бир қанча хислатларини биламан.

Ўзбек тилида баҳт, дўстлик, тинчлик, туйғу, озодлик, севги, муҳаббат каби мавҳум тушунчаларни ифодаловчи отлар одатда кўплик аффиксини олмайди:

Домлага ҳеч бир ғубор қўнишини истамаган бошқалар бу икки гуноҳни бир-бирига егизиб, уни оқлашга тиришди...<sup>162</sup>

Баъзан муайян сўз кўплик шаклда қўлланганда кўплик маъносини эмас, балки қўшимча (кучайтириш) маънони ифодаланади (*туйғу – туйғулар, уйқу – уйқулар*). Масалан,

1. У қиз қабристонда ҳам Анварга кўп меҳрибончиликлар қилди<sup>163</sup>.

<sup>159</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, बिहार, 2003. – पृ०95.

<sup>160</sup> वहीं.

<sup>161</sup> वहीं.

<sup>162</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Тўйда аза. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.37.

<sup>163</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Етим. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.110.

2. ...лекин номусларга ўлди, Мухайёнинг терисига сомон тиқиши учун ишининг тамом бўлишини кутди.

Бундан ташқари ҳиндий ва ўзбек тилларида отлар уюшиб келса, сон жиҳатидан икки хил кўринишда бўлади:

А) Отларнинг барчаси кўплик шаклда бўлади:

ҳиндий тилида:

1. मैं जानती हूँ कि यह रंगरेलियाँ और बेफिक्रियाँ बहुत दिन न रहेंगी।

Mein ja:nti: hu:N ki ye raNgreliya:N aor bephikriya:N bahut din na raheNgi:. Бу ўйин-кулгулар ва бепарвониклар (бекарорликлар) кўпга бормаслигини биламан.

2. कमरे की दीवारें और खिडकियाँ नीले रंग की थीं। Kamre ki: di:va:reN aor khiRkiyaN ni:le raNg ki: thi:N. Хонанинг деворлари ва деразалари мовий рангда эди.

ўзбек тилида:

1. Туморлар, қайтарма сувлари Нисо бувига фақат тасаллигина берди, холос<sup>164</sup>.

2. Пўлат ҳозиргина ўқув қуроллари – китоблар, дафтарлар, газеталар ва журналларни ўқувчиларга тарқатди.

Б) Отларнинг айримлари бирлик, баъзилари кўплик шаклда бўлади (бундай ҳолатда кўплик шакли уюшган отларнинг барчасига тааллуқли бўлиши мумкин):

ҳиндий тилида:

1. मेज पर कापी, पेंसिल, समाचार-पत्र और पुस्तकें हैं। Mez par ka:pi:, pensil, sama:char patr aor pustakeN heiN. Столда дафтар, ручка, газета ва китоблар бор.

2. स्कूल से लड़की और लड़के वापस आ रहे थे। Sku:l se laRki: aor laRke va:pas a: rahe the. (Сўзма-сўз: Мактабдан қиз бола ва ўғил болалар қайтиб келаётган эдилар) Мактабдан қизлар ва болалар қайтиб келаётган эдилар.

ўзбек тилида:

1. У саватчани тўлдириб олма, узумлар, нок ва анорларни хонага олиб кирди.

2. ...Мастура билан банд қуюндай чарх ураётган таассурот, фикр ва ҳис-туйгуларни ифода қилгани сўз тополмас эдик<sup>165</sup>.

---

<sup>164</sup> Абдулла Қаххор. Даҳшат. Бошсиз одам. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.33.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, отга хос сон грамматик категорияси ҳиндий тилида морфологик-синтетик, ўзбек тилида морфологик категория бўлишига қарамай, уларнинг қўлланилиш доирасида бир қанча изоморфизм ҳолатлари мавжуд. Жумладан, икки тил тизимида сон грамматик категориясининг лексик-грамматик усуллар ёрдамида ясалиши, кўплик ясовчи аффиксларнинг мавжудлиги (ҳиндий тилида -*या*:N, -*ए*-eN, -*ए*-e, ўзбек тилида -*лар*), аффикслар нафақат кўплик, балки бошқа маъноларни ҳам англатиши, тилларга ўзлашган отларнинг кўплик шакли она тили грамматикасига мослашиши, мавхум отларнинг бирликда ифодаланиши каби хусусиятлар бунга яққол мисол бўла олади.

Колаверса, гапда уюшиб келган отларнинг кўплик шакли чоғиштирилаётган тилларда айнан бир хил қоида асосида ифодаланиши фикримизга далил бўлади.

### **Ҳиндий ва ўзбек тилларидағи сон грамматик категорияси шаклларининг алломорфизм ҳодисаси**

Ушбу бўлимнинг асосий мақсади ҳиндий ва ўзбек тилларидағи сон категориясининг қўлланилишида алломорфизмни аниқлашдан иборат. Кузатишлар жараёнида икки тил тизимида сон категорияси билан боғлиқ қўпгина изоморфизм ҳодисаси қатори алломорфизм ҳам кўзга ташланди.

Алломорфизм ҳодисаси изоморфизмга қарши ўлароқ, бирон бир тил сатҳига оид бирликларга хос структуранинг турлича эканини англатади.

Тадқиқот натижасида ҳиндий тилида сон грамматик категориясининг нафақат от, балки олмош, сифат ва феъл сўз туркумларига ҳам хослиги маълум бўлди<sup>166</sup>. Ўзбек тилида сон грамматик категоряси от, олмош ва феълларда мавжуд<sup>167</sup>. Сифатларда сон категориясининг мавжудлиги кузатилмайди.

<sup>165</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Минг бир жон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.47.

<sup>166</sup> एच. देंकिमी – हिन्दी और मिज़ो भाषा की व्याकरणिक कोटियों का व्यतिरेकी अध्ययन – आगरा, 2013. – पृ०.53.

<sup>167</sup> Сапаев К. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – Б.86.

Ҳиндий тилида сифат ва феъллардаги сон грамматик категорияси отлар билан мослашув учунгина зарурдир, деган хулоса келиб чиқади.

Масалан, *बडा लङ्का baRa: laRka:* «*कम्ता युग्म बोला*», *बडी लङ्की baRi: laRki:* «*कम्ता कृष बोला*», *मेरे कपडे mere kapRe* «*मेनिंग क्रियमलारिम*» каби.

Масалан, *प्रेम में भीगी हुई सूखी रोटीयाँ*, *प्रेम में रंगे हुए मोटे कपडे* और *प्रेम में प्रकाश से आलोकित छोटी सी कोठरी*अपनी इस विपन्नता में भी वह स्वाद वह शोभा और वह विश्राम रखती है।<sup>168</sup> Prem mein *bhogi: hui: su:khi: roTiya:N*, prem mein *range hue moTe kapRe* aor prem mein *praka:sh se a:lokit chotii: si: koThri:, apni: is vipannata: mein bhi: voh sva:d, voh shobha: aor voh vishra:m rakhti: hei.*

«Севги оғушида *иwigан*, қотган нонлар, муҳаббат ила бўялган қалин матолар, муҳаббат нури билан ёритилган кичкинагина хона, бундай баҳтсизлик ҳолатида ҳам, эҳтимол маъбулларга жаннатда ҳам насиб бўлмаган ўша таъм, ўша гўзаллик ва ўша оромни баҳш этади.»

Мазкур гапдаги *भीगी हुई सूखी रोटीयाँ* «*ивиган, қотган нонлар*», *रंगे हुए मोटे कपडे* «*бўялган қалин матолар*», *छोटी सी कोठरी* «*кичкинагина хона*» бирикмаларида сифат ҳамда от туркумидаги сўзларнинг жинс ва сон грамматик категорияларида мослашганини кўриш мумкин. Ўзбек тилида бу каби ҳодиса кузатилмайди.

Ўзбек тилида сифатларга сон грамматик категорияси хос эмаслиги боис отнинг қандай шаклда ишлатилган бўлишидан қатъий назар, сифатда ўзгариш рўй бермайди.

Масалан, *катта гулдаста – катта гулдасталар, мазали мева – мазали мевалар* каби. Масалан, *Ҳакимжон* вақтида *хушсурат* ва *ширин забонлиги* билан *кўп расида қизларнинг юрагини нотинч қилган, хушифеъл ва хуши тавозелиги, қўй оғзидан чўп олмаганлиги* билан кўпгина ота-оналарнинг ҳавасини келтирган *йигит* бўлиб, ўн йиллик мактабда адабиётдан дарс

<sup>168</sup> *प्रेमचंद – मानसरोवर – 2, दिल्ली. – पृ० 17.*

берар эди<sup>169</sup>. Кўринадики, ўзбек тилидаги мазкур гапда аниқловчи ҳамда аниқланмиш мантиқан боғлиқлиги ҳолда, шаклан мослашув кузатилмайди.

Бироқ ҳиндий тилида жинс категориясининг мавжудлиги сабабли сифатлар отлар каби сон грамматик категорияси таъсирида шаклан мослашадилар.

Бундан ташқари ўзбек тилидаги *-лар* аффиксининг эркалаш, маънони кучайтириш, тахмин маъноларини ҳам ифодалashi, ҳиндий тилида эса бундай ҳодисанинг йўқлиги аниқланди.

Соннинг от билан бирикиши тилларда ўзига хос хусуситга эга. Ҳиндий тилида сон категорияси билан ифодаланган отдан олдин бирорта сон келса-да, кўплик шаклидаги от сон категориясига мослашган ҳолатида қолади:

1. दो लड़के तस्वीर खिंच रहे हैं।<sup>170</sup> *Do laRke tasvi:r khi:Nch raha: heiN.* Сўзма-сўз: *икки ўғил болалар* расм чизаяптилар; *Икки бола* расм чизаяпти.

2. तीन बहनें आराम कर रही हैं।<sup>171</sup> *Ti:n behneN a:ra:m kar rahi: heiN.* Сўзма-сўз: уч *она-сингиллар* ором оляяптилар; Уч *она-сингил* ором оляяптилар.

Бу гапларда кўпликни ифодаловчи иккита воситани қўриш мумкин: *दो do* «икки», *तीन ti:n* «уч» лексик-семантик йўл билан, *लड़के laRke* «ӯғил болалар» кўплик ҳосил қилувчи аффикс *-ए-e*. Бу ерда *लड़का laRka:* «ӯғил бола» сўзидағи чўзиқ *-अ -a:* фузия ҳодисасига учраб *-ए -e* тарзида ўзгарган; *बहनें behneN* «она-сингиллар» (бу ерда *बहन behn* «она-сингил» сўзига *-ं -eN* кўплик аффикси қўшилган).

Ўзбек тилида ноаниқ кўплик *-лар* аффикси билан ифодаланса, аниқ кўплик, яъни отнинг олдида сон келганда сўз охиридаги *-лар* тушиб қолади:

1. Орадан тўйқиз йил ўтди. Булар тўрт бола кўришди<sup>172</sup>.

<sup>169</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Мұхайё. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.84.

<sup>170</sup> सत्यनारायण सी. एस – हिन्दी व्याकरण तथा निबन्ध – एस. चन्द्र एण्ड कम्पनी, नई दिल्ली, 1987. – पृ०.29.

<sup>171</sup> वहीं.

2. Юзта тухумни қўни-қўшни, ёр-биродарлар ўзаро йиғиб берди<sup>173</sup>.

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги ҳиндий тилида универсал усул тариқасида воситали ва воситасиз келишикларнинг қарама-қаршилиги устун бўлиб қолмоқда. Мазкур қарама қаршилик бевосита келишик категорияси билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳиндий тилида воситали отларнинг кўплик шаклининг ясалиш қоидалари:

1. Қисқа -अ -a, чўзиқ -अट -a:, -ए -e билан тугаган музаккар ва муаннасдаги отларнинг (санскрит сўзлари бундан мустасно) охирги ҳарфлари ўрнига -ओँ -oN аффиксини қўшиш орқали воситали келишик бирлиқдаги отларнинг кўплик шакли ясалади:

2.

#### 2.2.1-жадвал

Сўз	Бирлик	Кўплик
लरका laRka: «ўғил бола»	लरके ने laRke ne «ўғил бола (музаккар от, бош келишик, бирлик)»	लरकों ने laRkoN ne «ўғил болалар (музаккар от, бош келишик, кўплик)»
घोरा ghoRa: «от»	घोरे ने ghoRe ne «от (музаккар от, бош келишик, бирлик)»	घोरों ने ghoRoN ne «отлар (музаккар от, бош келишик, кўплик)»
घर ghar «үй»	घर से ghar se «үйдан (музаккар от, чиқиши келишиги, бирлик)»	घरों से gharoN se «үйлардан (музаккар от, чиқиши келишиги, кўплик)»

3. Чўзиқ -अट -a:, қисқа -अ -a, чўзиқ -ए -u:, қисқа -उ -u, -ओ -o ҳарфлари билан тугаган санскритча отларининг кўплик шакли ўзакка -ओँ -oN қўшимчасини қўшиш билан ясалади:

<sup>172</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Бошсиз одам. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.32.

<sup>173</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Ўғри. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.23.

### 2.2.2-жадвал

Сўз	Бирлик	Кўплик
лата lata: «чирмовуқ»	лата пар lata: par «чирмовуқда (музаккар от, ўрин- пайт келишиги, бирлик)»	латаоں пар lata:oN par «чирмовуқларда (музаккар от, ўрин- пайт келишиги, кўплик)»

4. Қисқа -*ই*-*i* ва чўзиқ -*ई*-*i*: билан тугаган барча отларнинг кўплик шаклини ҳосил қилишда -*यो*-*yoN* қўшимчаси қўшилади, чўзиқ -*ঈ*-*i*: қисқа -*ই*-*i* га айланади:

### 2.2.3-жадвал

Сўз	Бирлик	Кўплик
स्थिति sthiti «вазият»	स्थिति में sthiti mein «вазиятда (муаннас от, ўрин-пайт келишиги, бирлик)»	स्थितियों में sthitiyoN mein «вазиятларда (муаннас от, ўрин- пайт келишиги, кўплик)»
नदी nadi: «дарё»	नदी में nadi: mein «дарёда (муаннас от, ўрин-пайт келишиги, бирлик)»	नदियों में nadiyoN mein «дарёларда (муаннас от, ўрин- пайт келишиги, кўплик)»

Ўзбек тилида келишиклар ҳамда сон грамматик категорияси ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кузатилмади.

Ҳиндий тилидаги айрим отлар фақат кўпликда ишлатилади: प्राण pra:n «ҳаво, нафас, ҳаёт», दर्शन darshan «зиёрат, фалсафа», लोग log «одамлар», आँसू a:nsu: «кўз ёши», दाम da:m «нарх» ва бошқалар: आप लोग आयें।<sup>174</sup> A:p log a:ye «Сизлар келинглар.»

<sup>174</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Ўғри. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.23

Фарқли томони шундаки, ўзбек тилида танадаги қўш аъзолар, шунингдек, жуфт нарсаларни билдирувчи отлар фақат бирликда ишлатилади: *қўл, қўз, қош, оёқ* каби<sup>175</sup>. Масалан,

1. ... дарчани жиндаккина қия қилиб, *бир кўзи* билан ташқарига қаради...<sup>176</sup>

2. Унинг бармоқлари тасбех доналарини тез-тез ўтказаётган бўлса ҳам, *қулоғи* ғувиллаётган шамолда, хаёли гўристонда эди...<sup>177</sup>

Ҳиндий тилида кимёвий элементлар номлари одатда бирликда қўлланади:

उनके पास बहुत सोना है। Unke pa:s bahut *sona*: hei. Уларда жуда кўп олтин бор.

उनका बहुत सा धन बरबाद हुआ।<sup>178</sup> Unka: bahut sa: *dhan barba:d hua*: Уларнинг кўп бойлиги барбод бўлди.

Агар гапдаги маъно кимёвий модданинг турли хилда эканлигини англатса, у ҳолда бундай отлар кўпликда ишлатилиши мумкин:

यहाँ बहुत तरह के लोहे मिलते हैं।<sup>179</sup> Yaha:N bahut tarah ke *lohe milte hei*N. Бу ерда турли хил *темирлар* учрайди.

Демак, сон грамматик категориясини ифодаловчи аффикслар ҳиндий ва ўзбек тил тизимида мавжуддир. Бироқ бу изоморфизмликни ҳиндий тили тизимидағи жинс категорияси инкор этади. Негаки, ҳиндий тилидаги сон аффикси от сўз туркумидаги сўзларнинг шаклига қўра турличадир. Шунинг учун ҳиндий тилида жинс грамматик категорияси мавжуд эканлиги боис отларнинг сон шаклини ҳосил қилиш ўзбек тилига нисбатан мураккаброқ.

<sup>175</sup> Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. – Тошкент, Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – Б.93

<sup>176</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Даҳшат. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.10.

<sup>177</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Даҳшат. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.11.

<sup>178</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ०-95.

<sup>179</sup> वहीं.

Мазкур категориянинг сифат туркуми сўзлар учун хос эмаслиги борасида назарий қарашни изланишимиз яна бир бор тасдиқлади.

Тилларда сон грамматик категориясининг ифодаланишидаги асосий алломорфизм бу ҳиндий тилида отларнинг воситали ва воситасиз шакллари мавжудлигидир. Бунда келишик ҳамда сон категорияларининг чамбарчас боғлиқ эканлиги намоён бўлади. Ўзбек тилида келишик ва сон грамматик категорияларининг ўзаро алоқаси назарга ташланмайди.

Бундан ташқари, ўзбек тилида кўпликни ифодаловчи *-лар* аффиксининг бош вазифасидан ташқари, кенг маъновий доирада қўлланиши кузатилди.

Сон грамматик категориясининг қўлланилишида алломорфизм ҳодисасининг воқеланиш сабабларидан бири ҳиндий тилининг аналитик, ўзбек тилининг эса агглютинатив тиллар гуруҳига мансуб эканлигига, деб топилди.

Хулоса тариқада иккала тилга хос ўрганилган адабиётлар ҳамда аутентик материаллар асосида қуйидаги жадвални тузилди.

#### 2.4-жадвал

#### **Ҳиндий ва ўзбек тилларида сон грамматик категориясини ифодаловчи усуллар**

№	Сон грамматик категориясини ифодаловчи усуллар	Ҳиндий тили	Ўзбек тили
1.	Ø флексия	в্যक्ति «шахс» – в্যक्ति «шахслар»	-
	Флексия	કમરા «ખોના» – કમરે «ખોનાલાર»	
2.	Агглютинация	-	Кўча – кўчалар
3.	Аналитик	કિસાન લોગ «દેહ્કોનલાર»	Даста – даста гул
4.	Супплетивизм	ਮैं «мен» – हम «биз»	Мен – биз

Ҳиндий ва ўзбек тилларида сон грамматик категорияси икки субкатегория, бирлик ва кўпликтан ташкил топган.

Уларнинг грамматик ифода усуллари қуйидагича: Ø флексия ва флексия усули - ҳиндий тилида бу усулдан кенг фойдаланилади, ўзбек тили агглютинатив тил бўлганлиги сабабли бундай ҳодиса кузатилмайди; агглютинация – ҳиндий тилида характерли эмас, зеро, ҳиндий тили анализтик тилдир, ўзбек тилида мазкур усул ўта сермаҳсул; анализтик усул ҳиндий тилида етакчи саналади, ўзбек тилида бу усул каммаҳсул. Ҳозирги ўзбек тилида даста-даста гул, қоп-қоп ун каби бирикмалар анализтик усулнинг натижаси ҳисобланади; супплетивизм (айни сўзга мансуб икки сўз шаклининг алоҳида-алоҳида сўзларда ифодаланиши) усули иккала тилда ҳам реаллашади.

Ҳиндий тилида сон грамматик категорияси фақат отларга хос бўлмай, сон, сифат, олмош ва феълларда ҳам ифодаланади. Ўзбек тилида бу грамматик категория от, олмош ва феълларга хосдир.

Ҳиндий тилида сон грамматик категорияси сифатларга ҳам хос бўлганлиги сабабли у от туркумига оид сўзлар билан шартли равишда мослашади. Ўзбек тилида сифатларда сон категориясининг йўқлиги боис от қандай шаклда ишлатилган бўлишидан қатъий назар белги сўзларида ўзгариш рўй бермайди.

Ҳар икки тилда ҳам сон грамматик категориясини ифодалашда транспозиция ҳодисаси, яъни грамматик категорияларнинг ўзига хос бўлмаган вазифада қўлланилиши кузатилади. Иккала тилда ҳам мавхум отлар, жамловчи отлар, саналмайдиган отлар, атоқли отлар фақат бирлик сонда ифодаланиб, кўплик маъносини ҳам билдиради.

Ҳиндий тилида сон грамматик категорияси нафақат сўзларнинг кўплик, балки ҳурмат маъносида ҳам қўлланилади.

Ўзбек тилида -лар аффикси нафақат кўплик, балки ҳурмат, эркалаш, тахмин каби маъноларни ҳам ифодалайди.

Ҳар икки тилда ҳам сон грамматик категорияси монофункционал ва полифункционалдир.

## 2.5-жадвал

### **Ҳиндий ва ўзбек тилларида сон грамматик категориясининг маъно ва вазифалари**

Тилла р	Сон грамматик категориясининг маънолари				Сон грамматик категориясининг вазифалар			
	Тўғри маъно		Кўчма маъно		монофункцио нал		Полифункци онал	
	Бирли к	Кўпли к	бирл ик	Кўпл ик	Бирли к	кўпл ик	бирл ик	Кўпл ик
Ҳинд ий	+	+	-	+	+	+	-	+
Ўзбек	+	+	-	+	+	+	-	+

Иккала тилда сон грамматик категориясининг ички жиҳатдан ифодаланиши, яъни уларнинг маъно ва вазифаларига кўра ўхшашлиги кўзга ташланади, яъни ҳар икки тилда ҳам сон грамматик категорияси тўғри ва кўчма маънода қўлланади,monoфункционаллик мос тушади. Полифункциялик нуқтаи назаридан, ҳиндий тилида сон грамматик категорияси торроқ доирада ишлатилса, ўзбек тилида ниҳоятда кенг кўламда қўлланилади.

# **ХИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОТ ТУРКУМИГА ХОС КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИДА ИЗОМОРФИЗМ ВА АЛЛОМОРФИЗМ ҲОДИСАСИ**

## **Ҳиндий ва ўзбек тилларида келишик категорияси шаклларининг изоморфизм ҳодисаси**

Ҳиндий ва ўзбек тилларида келишик категориясининг ривожланишида баъзи муштаракликлар кузатилади. Ҳозирги ҳиндий тилида, юқорида қайд этилганидек, воситали ва воситасиз келишиклар мавжуд, эски ўзбек тилида воситали келишик еттинчи келишик сифатида мавжуд бўлган бўлса-да, аммо бу грамматик шакл ҳиндий тилидаги воситали келишик шакли билдирган маънони ифодаламаган. Эски ўзбек адабий тилидаги воситали келишик шакли тил ривожланиши оқибатида кўмакчига айланиб кетди. Ҳиндий тилида эса воситали келишик деганда мутлақо бошқача ҳолат кузатилади. Чоғиштирилаётган икки тил тизимида воситали келишикнинг мавжудлиги изоморфизм, ифодаланиш хусусиятига кўра алломорфизмдан дарак беради.

Ҳиндий тилида келишик маъноларини ифодаловчи белгилар **ви�акти** *vibhakti* деб аталиб, ҳинд тилшунослари нуқтаи назаридан улар вазифа жиҳатидан аффиксга teng келади. Ўзбек тили келишик қўшимчалари каби ҳиндий тилида келишик послелоглари (**ви�акти** *vibhakti*) мавжуд. Ҳиндий тилидан фарқли ўлароқ ўзбек тилида асосга қўшимча қўшилганда фузия ҳодисаси юз бермайди, балки асосга маҳсус келишик қўшимчалари тўғридан-тўғри қўшилади. Ҳиндий тилида келишик маъноларини ифодалаш учун маҳсус послелоглар хизмат қиласи. Келишик шаклларидаги изоморфизм ҳодисасини қўйидаги жадвал орқали яққол кўриш мумкин.

### 3.1.1-жадвал

#### Ҳиндий ва ўзбек тилларида келишик

№	Ҳиндий тили келишиклари	Ҳиндий тилида послелоглар	Ўзбек тили келишик кўшимчалари
1.	Бош келишик ( <i>कर्ता karta</i> )	∅, ने	∅
2.	Тушум келишиги ( <i>करण karan</i> )	को	-ни
3.	Биргалик келишиги ( <i>कर्म karm</i> )	से, के द्वारा	Билан, ёрдамида
4.	Жўналиш келишиги ( <i>सम्प्रदान sampradan</i> )	के लिए, को	Учун, -га, -ка, -қа
5.	Чиқиш келишиги ( <i>अपादान apadan</i> )	से	-дан
6.	Қаратқич келишиги ( <i>सम्बन्ध sambandh</i> )	का, के, की	-нинг
7.	Ўрин-пайт келишиги ( <i>अधिकरण adhikaran</i> )	में, पर	-да
8.	Мурожаат келишиги ( <i>संबोधन sambodhan</i> )	हे, अरे (अरी)	ҳой, ия

Жадвалдаги биринчи, иккинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи қаторларда икки тил тизимида келишик кўрсатгичлари функционал жиҳатдан изоморфизм ҳодисасидадир. Учинчи ва тўртинчи қатордаги шакллар ҳиндий тилида келишик кўрсатгичлари ҳисобланса-да, ўзбек тилида мазкур маъноларни келишик кўрсатгичлари эмас, кўмакчилар ифодалайди. Гарчи саккизинчи қатордаги кўрсатгич ҳиндий тилида келишик кўрсатгичи, деб тан олинган бўлса-да, ундов сўзларга teng келади.

Иzlанишлар натижасида чоғиширилаётган тиллар тизимида бош келишик мавжуд бўлиб, унинг қўлланилишида

синтактик жиҳатдан изоморфизм ҳодисаси воқеланиши кузатилди. Икки тилда бош келишикдаги сўз гапда қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Эга вазифасида келади: ҳиндий тилида:

रग्धु अब क्यों बात पूछने लगा *Ragghu*: ab kyoN ba:t pu:jhne laga: ?<sup>180</sup> *Raghu* энди нега гап сўрай бошлади?

ўзбек тилида:

*Туробжон* тугунчани берди<sup>181</sup>.

2. Бош келишикдаги от атов гап ёки шундай гапнинг бош сўзи вазифасида келади: ҳиндий тилида:

कहानी, □□□□□ की □□□□ विद्या है। *Kaha:ni:*, sa:hitya ki: sabaltam vidya: hei<sup>182</sup> Ҳикоя, адабиётнинг кучли билимидир.

ўзбек тилида:

*Баҳор*. Ҳар тараф гулларга бурканган.

Ҳиндий ва ўзбек тилларида қаратқич келишиги от ёки отлашган сўзнинг кимнинг? ниманинг? қаернинг? саволларига жавоб бўлиб, одатда бошқа сўзни ўзига қаратиб келади. Қаратқич келишиги бирон бир нарса-предметнинг шу келишикдаги отдан англашилган нарса-предметга қарашли эканлигини ифодалаб, қаратқич ва қаралмиш муносабатига киришади. Масалан,

ҳиндий тилида: मेरी बात, *meri: ba:t* «менинг гапим», डॉक्टर का □□□□□

*daktar ka: miza:j* «шифокорнинг кайфияти», लड़की का कपड़ा *laRki: ka: kapRa:* «қиз боланинг кийими»;

ўзбек тилида: унинг сұхбати, дарахтнинг барги, Адҳамнинг коптоги ва х.к.

Икки тилга хос қаратқич келишигининг асосан қуйидаги умумий маънолари мавжуд:

1. Қаралмишда ифодаланган нарса-предметнинг маълум шахсга, нарсага тегишли эканлиги таъкидланади:

ҳиндий тилида:

<sup>180</sup>प्रेमचंद – मानसरोवर – 1, दिल्ली. – पृ० 9.

<sup>181</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Анор. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.3.

<sup>182</sup> प्रेमचंद. मानसरोवर – 1, दिल्ली. – पृ० 5.

мулия का जीवन अंधकारमय हो गया *Muliya: ka: ji:van aNdhaka:rmay ho gaya*.<sup>183</sup> Мулияниң ҳаёти ғамгин (қоронғу) бўлиб кетди.

ўзбек тилида:

Қозоннинг занги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргизолмади<sup>184</sup>.

2. Қаратувчи бўлиб келган от қаралмишда ифодаланган белги ёхуд хусусиятнинг ташувчиси, эгасини билдиради:

хиндий тилида:

मोहसिन उसकी नादानी पर दया दिखाकर बोला। *Mohsin uski: na:da:ni: par daya: dikha:kar bola:*<sup>185</sup>. Моҳсин унинг нодонлигига ачиниб гапирди;

ўзбек тилида: Унинг имиллишини Туробжоннинг қўзига негадир оқсоқ мушукка ўхшатди<sup>186</sup>.

3. Қаратқич келишигининг асосий функцияси аниқловчи вазифасида келишидир:

хиндий тилида:

गाँव के बच्चे अपने-अपने बाप के साथ जा रहे हैं। *Ga:Nv ke bachche apne-apne ba:p ke sa:th ja: rahe heiN*<sup>187</sup> Қишлоқ (қишлоқлик) болалари ўз оталари билан кетаяптилар;

ўзбек тилида:

Деҳқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўкизи йўқолмасин<sup>188</sup>.

Хиндий ва ўзбек тилларида тушум келишигининг бир хил функционал вазифа бажариши аниқланди. Иккала тилда тушум келишикдаги от кимни? нимани? қаерни? каби сўроқларига жавоб бўлиб, ўтимли феълга боғланиб келади. Ўтимли феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг таъсирини ўз устига олган ҳаракатни бевосита ўзига қабул қилган нарсани ифодалайди, гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади:

хиндий тилида:

<sup>183</sup> премчанд – манасрөвер – 1, діллі. – п. 22.

<sup>184</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Анор. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.5.

<sup>185</sup> премчанд – манасрөвер – 1, діллі. – п. 30.

<sup>186</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Анор. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.5.

<sup>187</sup> премчанд – манасрөвер – 1, діллі. – п. 28.

<sup>188</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Ўғри. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.20.

мөһн нे саңп кो мара Mohan ne sa:Np ko ma:ra:. Мўхан илонни ўлдирди;

ўзбек тилида:

Қобил бобонинг кампири йифидан тўхтаб, элликбошини дуо қила кетди<sup>189</sup>.

Тушум келишиги иккала тилда ҳам белгили ва белгисиз қўлланилиши мумкин. Бундай қўлланиш маъно талаблари ва грамматик ҳолатга кўра содир бўлади. Агар тушум келишигидаги сўз сўзловчи ва тингловчи учун маълум бўлган нарса-предметни англатса, бу ҳолда тушум келишиги белгили бўлади, акс ҳолда белгисиз шаклда келади. Масалан,

ҳиндий тилида:

ଲଡ଼କୀ ନେ ପତ୍ର ଲିଖା LaRki: ne patr likha:. Қиз хат ёзди (умуман хат);

ଲଡ଼କୀ ନେ ପତ୍ର କୋ ଲିଖା LaRki: ne patr ko likha:. Қиз хатни ёзди (маълум хат). Ўзбек тилида ҳам айнан шундай.

Шуниси эътиборлики, танланган икки тилда ҳам тушум келишигидаги сўз билан уни бошқарувчи феъл узвий боғланган бўлиб, баъзан шу феълнинг таркибий қисмига айланиб, қўшма феълни ҳам ташкил қилиши мумкин.

ҳиндий тилида:

ଖାନାT (ko) ଖାନାT kha:na: kha:na: «овқат емоқ», ପକାନାT rakva:n raka:na: «пишириқ пиширмоқ», ମଦଦ (ko) ଦେନାT madad dena: «ёрдам бермоқ».

ўзбек тилида:

кўз(-ни) тикмоқ, қадам(-ни) ташламоқ, кўнгил(-ни) бермоқ каби.

Бундан ташқари, ҳиндий ва ўзбек тилларининг келишик тизимида жўналиш келишигининг ифодаланиши ҳам айнан мос тушиши кузатилди. Жўналиш келишигидаги сўзлар қуйидаги маъноларда қўлланилади:

1. Ҳаракат ва ҳолат йўналган шахс ёки нарса-предметни билдиради:

ҳиндий тилида:

---

<sup>189</sup> Ўша асар. – Б.21.

उसने लड़की को मिठाइयाँ दीं। Us ne laRki: ko miTa:iya:N di:N  
У қиз болага ширинликлар берди.

ўзбек тилида:

Қобил бобо ҳамёнини қоқишириб, борини элликбошига  
берди<sup>190</sup>.

2. Жўналиш келишигига келган сўз пайт, ўрин  
билдирувчи сўз бўлганда ҳаракат қаратилган вақт; ўрин  
маъноларини ифодалайди:

ҳиндий тилида:

वह सब कुछ खरीदने के लिए बाज़ार गया। Voh sab kuch  
kharidne ke liye ba:za:r gaya:. У ҳамма нарса сотиб олиш учун  
бозорга кетди.

ўзбек тилида:

Малоҳат уни суриштиргани корхонага борибди<sup>191</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ҳиндий тилида жўналиш келишиги  
мазкур маънода ифодаланганда асосан белгисиз қўлланади.

Иккала тилда ҳам жўналиш келишигидаги сўз ҳаракат  
йўналган шахсни, нарса-предметни англатса ёки бир предметнинг  
иккинчи бир предметга аталганлигини билдиrsa, бундай сўз  
воситали тўлдирувчи вазифасида келиб, кимга?, нимага?  
сўроқларига жавоб бўлади:

ҳиндий тилида:

हरी मोहन को रुपया देता है। Hari: Mohan ko rupya: deta: hei.

Хари Мўханга пул беради.

ўзбек тилида:

У Мехрини кўрпага ўраб, янги қилинаётган кигиздай  
юмалатди<sup>192</sup>. Бундан бошқа маънолар ифодаланганда эса ҳол  
вазифасида келиб, қаерга?, нима учун?, нима мақсадда?, нима  
сабабли?, қачон?, қанча? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Иzlанишлар натижасида ҳар икки тил тизимида ўрин-пайт  
келишиги бирдек ифодаланиши, яъни бу келишик функционал

<sup>190</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Ўғри. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.21.

<sup>191</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Жонфион. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.28.

<sup>192</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Бошсиз одам. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.33.

жиҳатдан бир вазифани бажариб, макон ва замон муносабатларини белгилаши аниқланди.

Хиндий тилида ўрин-пайт келишиги  $\vec{m}^e\ mei$  ва  $\vec{par}$  послелоглари ёрдамида ифодаланади. Гапда бундай послелогли бирикмалар объектив ва локал муносабатни ифодалайди. Хозирги ҳиндий тилида бу каби бирикмалар жуда кенг тарқалган.

О.Г.Ульцеферовнинг фикрича, послелогга хос маънони унинг кенгайиши ва торайишига қараб белгилаб бўлмайди. Зотан, бу маъноларни нафақат послелогнинг семантик, балки синтактика-семантик кўрсатгичларига кўра таҳлил қилиш керак. Бунда унинг от ва феъл олдидан қўлланилишини ҳам инобатга олиш зарур<sup>193</sup>.

$\vec{m}^e\ mei$  послелоги нейтрал послелоглар сирасига киради, у от ва феъллар билан сўз бирикмасини ҳосил қиласди. Бунда тобе компонент доимо субстанциал маънога эга бўлади. Мазкур послелог бирон бир нарса-предмет, шахс ёки жараённинг «ичида» ёки «ичига» каби маъноларни ифодалайди. О.Г.Ульцеферовнинг фикрича, бу маънолар  $\vec{m}^e\ mei$  послелоги қўлланилиш доирасини торайтиради<sup>194</sup>.

Локал муносабатларни ифодалашда энг кенг тарқалган усул, бу  $\vec{m}^e\ mei$  послелоги ёрдамида иш-ҳаракат бажарилган жойнинг кўрсатилишидир. Бунда тобе компонент сифатида умумий ўрин-жойни ифодаловчи отлар қўлланилади, послелогли бирикма иш-ҳаракатнинг содир бўлиш, рўёбга чиқиш, воқеа-ҳодисанинг юз бериш ўрнини билдиради:

1. मैं इतना ही जानती हूँ कि मैं आपकी हूँ और □□□□ आपकी रहूँगी इस जीवन में ही नहीं बल्कि अनंत तक। Mein itna: hi: ja:nti: huN ki meiN a:pki: huN oar sadev a:pki: rahu:Ngi:, is ji:van mei hi: nahi:N, balki anant tak<sup>195</sup>. Мен шуни биламанки, мен сизникиман, ҳамиша сизники бўламан, бу ҳаётдагина эмас, балки маҳшаргача.

2. मेरे लिए दुनिया में कोई देवता नहीं कोई गुरु नहीं कोई हाकिम नहीं। Mere liye duniya: mei koi: devta: nahi:N, koi: guru: nahi:N, koi:

<sup>193</sup> Ульциферов О.Г. Словосочетания в хинди. – Москва, Наука, 1971. – С.85.

<sup>194</sup> Ульциферов О.Г. Словосочетания в хинди. – Москва, Наука, 1971. – С.85.

<sup>195</sup> премचанд – манасрөвар – 2, дилли. – пृ० 15.

ha:kim nahi:N. Мен учун дунёда биронта маъбуд, биронта маъбуда, биронта ҳоким йўқ<sup>196</sup>.

Бу гапларда जीवन ji:van «ҳаёт», दुनिया duniya: «дунё» умумий ўрин-жойни билдирувчи отлар  $\vec{m}$  *mei* послелоги билан бирикиб, локал муносабатларни ифодаламоқда. Жумлалардаги  $\vec{m}$  *mei* послелогли бирикмаси синтактик жиҳатдан ҳол вазифасидадир.

Иzlанишимиз ҳиндий ва ўзбек тиллари тизимидағи ўрин-пайт келишигининг синтактик-семантик жиҳатдан асосан изоморфизм ҳолатида эканлигини кўрсатди.

Ҳиндий ва ўзбек тилларида ўрин-пайт келишиги қуидаги маъноларда ишлатилади:

1. Шахс ва нарсанинг ўрнини ифодалайди:

उसके मुख पर उल्लास था और आँखों में गर्व।<sup>197</sup>

Uske *mukh par ulla:s tha: aor aNkhoN mein garv.*

Унинг юзида қувонч бор эди ва кўзларида ғуур.

Ушбу гапдаги मुख पर mukh par «юзида» ҳамда आँखों में aNkhoN mein «кўзларида» бирикмалари танланган икки тилда ҳам синтактик маъно-муносабатига кўра ҳол вазифасини ифодаламоқда.

2. Ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш ўрнини билдиради:

पर एक ही क्षण में उसके □□□□ में कम्पन होने लगा।<sup>198</sup>

Par ek hi: kshan mein uske *hriday mein kampan hone laga:.*

(Сўзма-сўз: Аммо бир лаҳзада унинг *юрагида* титроқ бошланди.) Аммо бир лаҳзада унинг *юраги* титрай бошлади.

Мазкур гапда □□□□  $\vec{m}$  *hriday mein* «юрагида» послелогли бирикмаси ҳаракат ва ҳолатнинг юракда бажарилганини кўрсатиб, синтактик жиҳатдан ҳол вазифасида келмоқда.

3. Ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш пайтини англатади. Бу вактда ўрин-пайт келишигидаги сўз пайт маъносига эга бўлади.

इस उम्र में खाया तो फिर कब खायेंगे<sup>199</sup>. Is umr mein na kha:ya: to phir kya: kha:yege. Шу ёйда емасак, яна қачон еймиз.

<sup>196</sup> вҳоин – пृ० 14

<sup>197</sup> प्रेमचंद – मानसरोवर – 1, दिल्ली. – पृ० 125.

<sup>198</sup> वहीं – पृ० 127.

Гапда **उम्र** में *umr mein* «ёшда» послелогли бирикмаси ҳаракатнинг бажарилиш пайтини ифодалаб, ҳол вазифасида келмоқда.

4. Шахс, нарса-предметнинг бирор иш билан шуғулланиши, ҳаракат ёки ҳолатнинг нима тўғрисида, қай жиҳатдан бўлиши каби маъноларни англатади:

वह गाड़ी चलाने में सब से तेज़ था।

Voh ga:Ri: *cala:ne mein sab se tez tha:..*

У машина ҳайдашда жуда ҳам эпчил эди.

पुस्तक पढ़ने में वह सब से पहले था।

Pustak paRhne mei voh sab se pehle tha:..

Китоб ўқишида у энг биринчи эди.

Гапда **मेि** *mei* послелоги феъл билан бирикиб, ҳаракат ва ҳолатнинг нима учун амалга ошганини билдирмоқда.

Ҳиндий ва ўзбек тили морфологик тизимида чиқиш келишигининг мавжудлиги кузатилди. Мазкур келишикдаги сўз шахс ва предметнинг чиқиш ўрни, ҳаракат ва ҳолатнинг бошланиш нуқтаси каби маъноларни билдиради. Икки тилда мазкур келишикда келган сўз қуидаги умумий маъноларни ифодалайди:

1. Ҳаракатнинг бошланиш ўрнини билдиради:

ҳиндий тилида:

चैनसिंह उस दिन से दूसरा ही आदमी हो गया। CeynsiNh us din se du:sra: hi: a:dmi: ho gaya:<sup>200</sup> Чейнсинх ўша кундан бошқа одам бўлиб қолди.

ўзбек тилида:

Малоҳат *кўнгандан* *кейин* биз чиқиб кеттик<sup>201</sup>.

2. Шахс ва нарсанинг чиқиш ўрни, манбасини англатади:

ҳиндий тилида:

दोनों भी दिल्ली से आये हुए अतिथि हैं। DonoN bhi: *Dilli: se a:ye hue atithi heiN*. Иккови ҳам *Деҳлидан* келган меҳмонлардир.

ўзбек тилида:

<sup>199</sup> премचанд – манасроевар – 1, дилли. – п. 10.

<sup>200</sup> премчанд – манасроевар – 1, дилли. – п. 253

<sup>201</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Жонғифон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.29.

Масжиддаги кекса бақатерак *орқасидан* қўтарилиган қизғиш ўт кўкка оловли из қолдириб жуда юқорилади<sup>202</sup>.

3. Нарсанинг нимадан ишланганини ифодалайди:

ҳиндий тилида:

यह बेग चमड़े से बनाया गया है। Yeh beg *chamRe* se bana:

gaya: hei. Бу сумка *чармдан* тайёрланган.

ўзбек тилида:

Унинг қаршисида *гуллардан* ясалган қаср турарди.

4. Бир нарсани бошқа бир нарса билан солишириш, қиёслаш маъносини билдиради. Қиёсланаётган нарса-предмет чиқиши келишигига келиб, белгини англатувчи сўзга боғланади:

ҳиндий тилида:

वह मुझ से ज्यादा बड़ा है। Voh mujh se zya:da: baRa: hei. У мендан анча катта.

ўзбек тилида:

Малоҳатнинг кўк *пиёладан* кўра *кичикроқ* бўқоги бўлиб, шуни ўтган йил кузда кестирган экан<sup>203</sup>.

Чиқиши келишигидаги сўз кимдан? нимадан? сўроқларига жавоб бўлса, воситали тўлдирувчи, ўрин, пайт, ҳолат, сабаб каби маъноларга эга бўлиб, қаердан? қачондан? нима сабабли? каби сўроқларга жавоб бўлса, ҳол вазифасида келади.

Кўринади, ҳиндий ва ўзбек тиллари генеологик ва морфологик жиҳатдан турли тил гуруҳларига мансуб бўлса-да, уларнинг тил тизимида айнан келишик категорияси орқали изоморфизм ҳодисаси содир бўлади.

Таҳлиллардан кўринадики, ҳиндий ва ўзбек тилларида келишик турлари сон жиҳатидан (ҳиндий тилида саккизта – бош келишик, тушум келишиги, қаратқич келишиги, воситали келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт-келишиги, чиқиши келишиги, мурожаат келишиги), ўзбек тилида (олтига – бош келишик, тушум келишиги, қаратқич келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт-келишиги, чиқиши келишиги) фарқ қиласада, айрим келишиклар маъно-муносабатига кўра ўхшашлиги

<sup>202</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Анор. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.7.

<sup>203</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Жонфиғон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.27.

белгиланди. Жумладан, бош, тушум, ўрин-пайт ва чиқиш келишик шакларида келган сўзлар кўп функциялилик хусусиятига кўра айнан изоморфизм ҳодисасидадир. Ҳиндий тилида аналитик, ўзбек тилида агглютинативлик алломатлари устунлик қиласа-да, келишик шакларининг гапдаги функционал структураси аксарият ҳолларда мос тушиши кузатилди.

### **Ҳиндий ва ўзбек тилларида келишик категорияси шакларининг алломорфизм ҳодисаси**

Юқорида иккала тил тизимида келишиклар сон жиҳатидан тафовут қилиши, умумий планда бош, тушум, қаратқич, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларининг ифода усуллари бир-биридан фарқланиши, ҳиндий тилида бу келишиклар аналитик, ўзбек тилида эса агглютинатив ифода этилиши кузатилади.

Гарчи, ушбу тилларда бош келишик мутлақо изоморфизм ҳодисасини юзага келтираётгандек туюлса-да, ҳиндий тилида ўтган замон ўтимли феъллари бош келишиқдаги ҳаракат номидан *ने* послелогини талаб қиласи. Ҳиндий тилидаги бош келишик икки шаклда воқеланади: *Ø* - флексиясиз ва *ने* – флексияли. Ўзбек тилида бош келишик шакли *Ø* га teng.

### 3.2.2-жадвал

#### Ҳиндий тилидаги бош келишик кўрсатгичининг олмошлар билан ифодаланиши

№	Бирлик	бирлик (тугал замон)	Кўплик	кўплик (тугал замон)
1.	यह yeh – бу	इस ने – बु	ये ye: - булар	इन्हों ने - बुलार
2.	वह voh – у	उस ने – य	वे ve: - улар	उन्हों ने- उलार

Бундай шаклан ўзгаришлар ўзбек тилида кузатилмайди. Масалан,

ҳиндий тилида:

उस ने पुस्तक पढ़ी *Us ne pustak parhi* У китоб ўқиди.

Ҳиндий тилидаги उस ने *us ne* ҳамда ўзбек тилидаги у олмошлари бош келишик, бирлик, эга вазифасида келмоқда. Бироқ ҳиндий тилидаги эга вазифасидаги олмош кесим тугал замонда эканлиги боис ने *ne* послелоги билан бирикиб, ўзакда маҳсус ўзгариш рўй берган. Қолаверса, бундай ҳолат ҳиндий тилидаги гапларда отга оид сўзларда ҳам кузатилади: लड़के ने पुस्तक पढ़ी *LaRke ne pustak paRhi*: Ўғил бола китоб ўқиди.

Ҳиндий тилида бош келишикдаги отнинг изоҳловчи ва сифатловчи вазифасида келиши кузатилмайди. Ўзбек тилида эса бош келишикдаги от сифатловчи ва изоҳловчи вазифаларида келади: Қобил бобонинг қўшниси – бурунсиз элликбоши кирди. Кизалоққа *atлас* кўйлак кийдирдилар<sup>204</sup>.

Ҳиндий ва ўзбек тилларида жўналиш келишигининг мавжудлиги ва ундаги баъзи вазифавий изоморфизмларнинг кўзга ташланиши аввалги параграфда кўриб чиқилди. Жўналиш келишиги ҳаракатнинг қандай мақсад, сабаб билан бажарилганлигини билдириш маъноси иккала тилда ҳам мавжуд. Бироқ ҳиндий тилида айнан шу маъно ифодаланганда ўзбек тилидаги кўмакчиларга мос тушади. Масалан,

ҳиндий тилида:

<sup>204</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Ўғри. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.20.

मुझे इंग्लैंड जाकर पढ़ने के लिए सरकारी वजीफा मिल गया। Mujhe INgland ja:kar paRhne ke liye sarka:ri: vazi:fa: mil gaya:<sup>205</sup>. Менга Англияга бориб ўқишим учун давлат стипендияси ажратилди.

Мазкур гапда ҳиндий тилидаги жүналиш келишиги шакли *ke* лिए *ke liye* ўзбек тилидаги учун кўмакчисига айнан мос тушади.

Икки тил тизимида қаратқич келишигининг вазифавий ўхшашликлари аввалги бўлимда келтирилди. Бироқ шуниси аҳамиятлики, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, ҳиндий тилидаги сўзларга жинс категорияси хослиги сабабли қаратқичлик маъносини ифодаловчи послелог ўзидан кейинги сўзнинг жинси ва сонига мослашади:

### 3.2.3-жадвал

#### Ҳиндий тилидаги қаратқич келишик шакли турлари

Қаратқич келишиги послелоги музаккар бирлик шакли	Қаратқич келишиги послелоги музаккар кўплик шакли	Қаратқич келишиги послелоги муаннас бирлик шакли	Қаратқич келишиги послелоги муаннас кўплик шакли
का	के	की	की
гулаб का रंग <i>gula:b ka: raNg</i> «атиргулнинг ранги»	प्रेमचन्द के उपन्यास <i>PremchaNd ke</i> ирапуा:s «Премчанднинг романлари»	राम की किताब <i>Ra:m ki: kita:b</i> «Рамнинг китоби»	राम की किताबें <i>Ra:m ki:</i> <i>kita:beN</i> «Рамнинг китоблари»

Шуниси эътиборлики, ҳиндий тилида қаратқич келишик шакли олмошлар билан келганда шаклан ўзгаради. Масалан, *मेरा बेटा mera: beTa:* «менинг ўғлим», *मेरी बेटी meri: beTi:* «менинг қизим», *तुम्हारा घर tumha:ra: ghar* «сенинг уйинг», *अपना*

<sup>205</sup> प्रेमचंद – मानसरोवर – 1, दिल्ली. – पृ०46.

भरोसा *apna*: *bharosa*: «ўзимнинг ишончим», अपनी रोजी *apni*: *rozi*: «ўз эҳтиёжи, ўз машгулоти»<sup>206</sup>.

Ўзбек тилида эса қаратқич келишигидаги олмошлар ўзагида маҳсус ўзгариш рўй бермайди.

Ҳиндий тили қаратқич келишигининг белгили ва белгисиз ишлатилиши қузатилмади. Ўзбек тилида эса қаратқич келишиги белгили ва белгисиз қўлланилади. Масалан,

Ўша *асалнинг* пулига анор ҳам берар эди<sup>207</sup>. Ўша *асал* пулига анор ҳам берар эди.

Бироқ бундай ҳодисани бош келишик билан тенглаштириб бўлмайди.

Ҳиндий тилида ўрин-пайт маъносини ифодаловчи келишикнинг мे<sup>ं</sup> *mei* послелоги билан ифодаланган сўз бирикмаси маъно муносабатига кўра ўзбек тилида, баъзи ҳолатларда, соф кўмакчилар англатган маъно муносабатга teng бўлади. Ўзбек тилида кўмакчилар келишик қўшимчалариdek сўзларнинг ўзаро грамматик муносабатини ифодалаш билан бирга, ўша келишик қўшимчаси ифодалай олмайдиган маънони ҳам билдиради. Шунинг учун ҳам улар тилнинг структурасида, чунончи гап тузилишида муҳил роль ўйнайди. Масалан,

लेखकों में सब से प्रसिद्ध कलिदस है।

*LekhakoN mei sab se prasidh Kalidas hei.*

«Ёзувчilar орасида энг машҳури Калидасдир.»

□□□□□□□ और शिक्षा उन में सब से मुख्य है।

*Svasthya: aor shiksha un mei sab se mukhya: hei.*

«Саломатлик ва таълим улар орасида энг муҳимиmdir.»

Бу ерда мे<sup>ं</sup> *mei* послелоги ўзбек тилидаги *орасида* соф кўмакчисига teng келиб, мазкур бирикма вазифасига кўра ҳолни ифодаламоқда.

Иzlaniшлар натижасида ҳиндий тилида мавжуд биргалик келишигининг ўзбек тилида ёрдамчи сўз туркумига мансуб кўмакчи ва боғловчилар ёки мазкур маънони ифодаловчи сўзлар билан ифодаланиши маълум бўлди. Масалан,

<sup>206</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन , बिहार, 2003. – पृ० 108.

<sup>207</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Анор. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.5.

ҳиндий тилида: *रस्सी से rassi: se* «арқон билан», *हाथ से ha:th se* «қўй билан», *कलम से kalam se* «ручка билан» каби.

Ҳиндий тилидаги биргалик келишиги ҳаракатнинг бажарилишига сабаб, восита бўлган шахс ва нарсани билдиради. Масалан,

*लङ्का प्यास से मर रहा है LaRka: pya:s se mar raha: hei.* ‘Бола ташналиқдан ўлаяпти.’

Ўзбек тилида айнан шу маъно-муносабатни эгалик аффикси+чиқиши келишиклари ифодалайди:

У мақсадига *эришаётганидан* ҳурсанд эди.

Тадқиқот жараёнида ҳиндий ва ўзбек тиллари келишик тизимида яна бир муҳим алломорфизм ҳодисасининг борлиги кузатилди. Бу ҳиндий тилидаги мурожаат келишигидир. Ҳиндий тилидаги от сўз туркумига мансуб мурожаат келишиги кимнидир нимагадир ундаш, чақириш, чорлаш каби маъноларни ифодалайди. Маълумки, ўзбек тилида от сўз туркумига хос келишиклар тизимида мурожаат келишиги мавжуд эмас. Бироқ ҳиндий тилидаги мурожаат келишиги ўзбек тилида ундов сўзларнинг гурухига киради. Масалан,

*हे भगवान्! मेरी रक्षा कीजिये! He bhagva:n! Mujhe raksha:kiji:ye!* Эй Худойим, мени ўзинг асра!

Ҳиндий тилидаги мазкур келишикда послелог бўлмайди маъно *हे he*, «эй», *अरे are* «ия», *रे re* «ҳой» каби сўзлар ёрдамида мазкур маъно ифодаланади.

Юқоридаги фикр ва таҳлилларга таяниб ҳиндий ва ўзбек тилларининг келишиклар тизимида кўпгина алломорфизм ҳодисалари мавжуд, деган хulosага келинди.

Эътиборли томони шундаки, ҳиндий тилида келишиклар аналитик усулда ифодаланса, ўзбек тилида келишикларни ифодалашда факат агглютинатив усул қўлланилади. Шунга қарамай, ҳиндий тилидаги аксарият келишик шакллари вазифавий жиҳатдан ўзбек тилидаги кўмакчиларга мос тушиши аниқланди. Ваҳоланки, манбаларга кўра, эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек тилида ҳам келишик шакллари вазифаларини кўмакчилар бажариши мумкин. Бироқ ўзбек тилида маъно

кўмакчилар билан ифодаланганда нисбатан аникроқ бўлиши таъкидланган.

## **Ҳиндий ва ўзбек тилларидаги келишик категорияси шакллари семантикаси**

Бадиий асарлардан тўпланган материаллардаги келишик шакллари семантик қурилиши уч жиҳатдан таҳлил этилди:

1. Атрибутив бирикма – аниқловчи ва аниқланмишдан тузилган сўз бирикмаси<sup>208</sup>. Масалан,

- а) Розиқ ямоқчининг қизлари ўқиб шаҳар сўрармиди? ...<sup>209</sup>
- б) Бир-икки киши Карим отанинг дилини оғритди<sup>210</sup>.

2. Предикатив бирикма – икки таркибли гапнинг тузилиш асоси, грамматик марказини ташкил этувчи эга билан кесим боғланмаси:

А) Мажлис кеч тугади (*мажлис тугади* – предикатив бирикма)<sup>211</sup>.

Б) Тўй келинникида бўлиб ўтди (*тўй бўлиб ўтди*)<sup>212</sup>.

3. Объектли ёки комплятив бирикма – сўз бирикмасидаги тўлдирувчи билан кесим ортидаги муносабатни ифодалайди.

Масалан, *сабабини суриштирмақ, ерни ҳайдамоқ*<sup>213</sup>.

Ҳамшира Маствура унинг эрига *хабар бергани кетди*<sup>214</sup>.

Мирраҳимов бирданига учта дарднинг *номини айтди*<sup>215</sup>.

Тўпланган мисоллар юқорида келтирилган уч нуқтаи назардан таҳлил этилиб, уларга тегишли моделлар ишлаб чиқилди, тилларидаги келишик шакллари билан бирикиб келган

---

<sup>208</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 15.

<sup>209</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Бошсиз одам. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б. 32.

<sup>210</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Тўйда аза. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б. 38.

<sup>211</sup> Ўша асар. – Б. 81.

<sup>212</sup> Ўша асар. – 39.

<sup>213</sup> Ўша асар – Б. 28

<sup>214</sup> Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат. Минг бир жон. – Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б. 44.

<sup>215</sup> Ўша асар. – Б. 47.

мисоллар чоғиширма-структуравий семантик ёндошув асосида тадқиқ қилинди.

Браж Бұшаннинг алғы A:*lok* «Ёруғлик» асаридан олинган мисоллар таҳлили негизида жами ўн бешта модел ишлаб чиқилди.

Ўзбек тилидаги мисоллар Абдулла Қаҳхорнинг «Йиллар» номли ҳикоясидан олинди. Таҳлилларарап мувозанатни назарда тутган ҳолда, моделлар тузища предиктив бирикма борасида фақат содда йиғиқ гаплардаги эга ва кесим муносабатлари таҳлилга тортилди. Зеро хиндий тили нуқтай назаридан предиктив бирикма деганда, айнан эга ва кесим муносабати назарда тутилади.

Хиндий тилига хос жумла ва сўз бирикмаларидағи келишик шакллари моделлари қуйидагилардан иборат:

**1-модель.** Мазкур моделда от ҳамда феъл сўз туркумига мансуб сўзлар послелоглар ёрдамида бирикиб, предиктив бирикмани ҳосил қиласи, яъни эга ва кесим муносабатини ифодалайди. Эътиборли томони шундаки, гарчи эга ва кесим *нे ne* послелоги билан ифодаланган бўлса-да, семантик жихатдан мутлақо предиктив муносабатга мансуб топилди.

Масалан, *पालिश्वाले ने कहा* pa:lishva:le ne kaha: - «тозаловчи айтди», *बाबू ने सुन्नाव दिया। Ba:bu ne sujha:v diya:* - «Бабу тақлиф киритди», *नौजवान ने कहा प्राप्ति प्राप्ति किए। nājvān ne kaha:pripti pripti kīye*: - «ўстирин айтди» ва бошқалар.

Мазкур моделга биноан от (*पालिश्वाले* «тозаловчи»)+ послелог (*ने* «бош келишик шакли»)+ хабар майлидаги феъл (*कहा* «айтди») = предиктив бирикмани ҳосил қиласи.

Ушбу модельнинг формула шакли қуйидагича: **O. – p. – F.(x.m.) = P.B.**

**2-модель.** Ушбу модель ҳам предиктив бирикмага оид бўлиб, биринчи моделдан фарқи шундаки, бу ерда кишилик олмоши ҳамда феъл бирикиб, эга ҳамда кесим муносабатини ифодалаган.

Масалан, *मैं ने कहा मैंने कहा: अस ने देखा us ne dekha* – «мен айтдим», *उस ने देखा* – «у кўрди».

Бунда кишилик олмоши ( $\overset{\circ}{\text{м}} \text{«мен»}$ ) + послелог ( $\overset{\circ}{\text{н}} \text{«бош келишик шакли»}$ ) + хабар майлидаги феъл ( $\overset{\circ}{\text{к}} \text{«айтди»}$ ) = предикатив бирикмани ҳосил қиласи.

Бу модельнинг формуласи **K.o. – p. – F.(x.m.) = P.B.** деб белгиланди.

**3-модель.** Бу модель атрибутив бирикмага хос мисолларга мансуб. Бунда кишилик олмоши билан послелог бирикиб, эгалик олмошини, эгалик олмоши билан отга хос сўзлар бирикиб, атрибутив бирикмани ҳосил қиласи.

Масалан, **उनकी भूख** *unki: bukh* – «уларнинг очлиги», **उसकी बात** *uski: ba:t* – «унинг гапи», **मेरी ज़िन्दगी** *meri: zindagi:* - «менинг ҳаётим» ва бошқалар.

Бу моделга кўра, кишилик олмоши +послелог (**उनकी** «уларнинг»)+от (**भूख** «оч(лик)») = атрибутив бирикма

Моделнинг кўриниши (**K.o.+p. (m.s.b.) = E.o. (m.s.b.) – O. = A.B.**) эканлиги аниқланди. Бу ерда аниқланмишнинг муаннас бирлик сонда эканлиги послелоглар шакли орқали белгиланди.

**4-модель.** 3-моделнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Ҳар икки моделни ўзаро фарқлаб турувчи белгиси отга хос жинс категориясидир. Иккала моделда ҳам эгалик олмоши ҳамда отга мансуб сўзлар қаратқич келишигининг кўрсатгичлари билан боғланиб, атрибутив бирикмани ҳосил қиласи. Бироқ юқоридаги моделда аниқланмиш муаннас бирликдаги отга мансуб сўз бўлса, ушбу моделда музаккар бирликдаги от билан ифодаланган.

Масалан, **तुम्हारा घर** *tumha:ra: ghar* – «сенинг уйинг», **उसका ध्यान** *uska: dhya:n* – «унинг эътибори».

Моделнинг формуласи (**K.o.+p. (m.r.b.) = E.o. (m.r.b.) – O. = A.B.**)

**5-модель.** Ушбу моделга оид сўз бирикмаларида аниқловчи ҳам, аниқланмиш ҳам отга мансуб эканлиги аниқланди. Бирикма таркибидаги аниқланмиш музаккар бирлик ҳамда қаратқич келишигига мансуб послелог билан боғланган.

Масалан, **बात का खुलासा** *ba:t ka: khula:sa:* - «гапнинг хуносаси», **मंग्लु का ध्यान** *MaNglu: ka: dhya:n* – «Манглунинг эътибори» ва бошқалар.

Бунга кўра от (бат «gap»+ послелог (кәт «нинг»)+от (хўласа «хулоса») = атрибутив бирикма.

Бу моделнинг формуласи **O. – p.(m.r.b.) – O. = A.B.** шаклида ясалади.

**6-модель.** Мазкур модель ҳам отга хос иккита сўзнинг бирикишидан ҳосил бўлган. Аммо аниқланмиш муаннас отларга хослиги билан бешинчи моделдан фарқланади.

Масалан, *ләккӣ кӣ उम्र laRki: ki: umr* – «қиз боланинг ёши», *रोटी की चाहत roTi: ki: ca:hat* – «нон истаги» ва бошқалар.

Моделнинг формуласи **O. – p.(m.s.b.) – O. = A.B.** шаклида ишлаб чиқилди.

**7-модель.** Ушбу моделга хос бирикмада иккита отга сўз бирикиб, атрибутив бирикмани ҳосил қиласи. Аниқланмиш музаккар кўпликда ифодаланади.

Масалан, *लәक्की के हाथ laRki: ke ha:th* – «қиз боланинг қўллари».

Мазкур моделнинг формуласи: **O. – p.(m.r.k.) – O. = A.B.** деб топилди.

**8-модель.** Ушбу моделда ҳам отга хос иккита сўз бирикиб, атрибутив бирикмани ҳосил қиласи. Аниқловчи ва аниқланмиш муаннас кўпликда ифодаланади.

Масалан, *लोगों की जेबें logoN ki: jebeN* – «одамларнинг чўнтаклари».

Мазкур моделнинг формуласи **O. – p.(m.s.k.) – O. = A.B.** деб топилди.

**9-модель.** Моделда отга хос сўз билан сифатдош қўшилиб, атрибутив бирикмани ҳосил қиласи. Аниқланмиш музаккар бирликда келади. Масалан, *महिनों का जमा mahi:noN ka: jama:* - «тўлиқ ойлар».

Формуласи **O. – p. (m.r.b.) – S.d. = A.B.** тарзида воқеланади.

**10-модель.** Сўроқ олмоши билан отга хос сўз бирикиб, атрибутив бирикмани ҳосил қиласи.

Масалан, *□□□□ का काम kisi: ka: ka:m* – «кимнингдир иши».

Бу ерда ҳам аниқланмиш музаккар бирликда ифодаланган.

Тузилиши сўроқ олмоши + послелог (*□□□□ का* «кимнингдир») + от (*का मि* «иши») = атрибутив бирикма.

Формуласи: **S.o. – p. (m.r.b.) – O. = A.B.**

**11-модель.** Ушбу модельда сон билан ифодаланган олмош ҳамда отга хос сўз бирикиб, атрибутив бирикмани ҳосил қиласди:

дўсаро́н ка шошан *dusroN ka: shoSHan* – «бошқаларнинг зулми».

Бирикманинг формуласи қуидагича: **s.o. – p. (m.r.b.) – O. = A.B.**

**12 – модель.** Отга хос сўз ҳамда равишдош билан ифодаланиб, объектли бирикмани юзага чиқаради.

Масалан, *बच्चे को लेकर bacce ko lekar* – «болани олиб», *कलाकारों को देकर kala:ka:roN ko dekar* – «санъаткорларга бериб», *जेब में रखकर jeb meiN rakhkar* – «чүнтакка солиб». Шуниси аҳамиятлики, гарчи ушбу бирикмалар жўналиш келишиги билан ифодаланган бўлса-да, тўлдирувчи ҳамда равишдош муносабати бўлганлиги боис шартли равишида объектли бирикмага хос деб топилди. Ваҳоланки, объектли бирикма тўлдирувчи ҳамда кесим муносабатини ифодалайди.

Моделнинг формуласи: **O. – p. – R.d. = O.B.**

**13 – модель**да от ва феълга хос сўзлар послелог воситасида бирикиб, объектли бирикмани воқеланади:

*बाबू को भला लगा। Ba:bu: ko bhala: laga: - «Бабуга яхши туюлди», मज़दूर से पूछ- लिया mazdu:r se pu:ch liya: «ишидан сўраб олди», कंधे पर उठाया kaNdhe par uTha:ya: - «елкасига кўтарди».*

Моделнинг формуласи: **O. – p. – F. (x.m.) = O.B.**

**14-модель.** Ушбу модель биргалик олмоши ҳамда от билан бирикади ва тўлдирувчи-от кесим муносабатини ифодалайди:

*सभी को पत sabhi: ko pata: – «ҳаммага маълум».*

Формуласи: **B.o. – p. – O. = O.B.**

**15-модельда** кишилик олмоши феълга хос сўзлар билан бирикиб, объектли бирикмани ҳосил қиласди.

Масалан, *इनसे पूछो inse pu:jho* – «булардан сўра».

Формуласи: **(K.o. – p.) – F. (b.m.) = O.B.**

Ўзбек тилида тўпланган жумла ва сўз бирикмаларидағи келишик шаклларининг таҳлили асосида қўйидагича моделлар ишлаб чиқилди:

**1- модель.** Иккита отга мансуб сўзлар қаратқич келишиги ёрдамида бирикиб, аниқловчи ва аниқланмиш ҳолатида бўлиб,

атрибутив бирикмани ҳосил қиласи. Аниқловчи атоқли от билан ифодаланади. Мисолларнинг аксарит қисми айнан шу модельга ҳосдир.

Масалан, *Ҳожининг қорни*, *Ҳожининг кўзи*, *Орзиқулнинг келини*, *Қодирадининг ўғли*, *Тожиҳоннинг кулиши*, *Ҳожи бобонинг ақли*, *Орзиқулнинг сўзи*, *Ҳожининг эси* ва ҳ.к.

Ушбу модельнинг формуласи: **(a.O.+q) – O = A.B.**

**2-модель** ҳам атрибутив бирикмага хос бўлиб, биринчи модельдан аниқловчининг турдош от билан ифодаланиши орқали фарқланади.

Масалан, *итваччанинг қулоги*, *тўннинг ени*, *мехмоннинг кўнгли*, *эшикнинг тутқичи* ва ҳ.к.

Бу модельнинг формуласи: **(t.O.+q.) – O = A.B.**

**3- модель** ҳам атрибутив бирикмага хос мисолларга мансуб. Бу ерда аниқловчи кишилик олмоши+қаратқич келишиги, аниқланмиш отга доир сўзлар билан ифодалангандай: *сенинг заводинг, унинг қўли* каби.

Модельнинг кўриниши: **(K.o.+q.) – O = A.B.**

**4-моделда** гумон олмоши+қаратқич келишиги ҳамда от аниқловчи-аниқланмиш муносабатига киришиб, атрибутив бирикмани ҳосил қиласи: *бировнинг кўнгли*, *бировнинг иши* ва ҳ.к.

Бундай мисолларнинг модели **(G.o.+q.) – O. = A.B.** тарзида белгиланди.

**5-модель.** Ушбу модельга хос бирикмада ўзлик олмоши ҳамда отга оид сўзлар бирикуви натижасида атрибутив бирикма ҳосил бўлади: *ўзининг бўлими*.

Мазкур модельнинг формуласи: **(O'.o.+q.) – O = A.B.**

**6-моделда** кўрсатиш олмоши ва от туркуми бирикиб, атрибутив бирикмани ҳосил қиласи: *бунинг натижаси*, *бунинг ҳикмати* каби.

Формуласи: **(Kо'.o.+q.) – O = A.B.**

**7-модель.** Мазкур модельда атоқли от ҳамда феъл туркумiga мансуб сўзлар бирикиб, предикатив бирикмани ҳосил қиласи. Феъл хабар майли билан ифодалангандай: *Мурод кулди*, *Мурод тўхтади* каби.

Формуласи: **a.O. – F. (x.m.) = P.B.**

**8-моделда** от + тушум келишиги ҳамда феълга оид сўз бирикиб, объектли бирикмани ҳосил қиласди, яъни тўлдирувчи ва кесим муносабати ифодаланади.

Масалан, қулогини ушлади, ҳақоратни ишлатди, эшикни очди, деворларни чертди ва ҳ.к.

Мазкур модельнинг формуласи (**O. + q.**) – **F.x.m.** = **O.B.** тарзида белгиланди.

**9-модель.** Ушбу модельда ҳам объектли бирикма келтирилган бўлиб, 8-моделдан фарқли жиҳати шуки, кесим инкор шаклда қўлланган.

Масалан, гапни айтмади каби.

Формуласи: (**O. + q.**) – **F.x.m.i.sh.** = **O.B.**

### 3.3.1. -жадвал

Тиллар	Атрибутив бирикма	Предикатив бирикма	Объектли бирикма
Ҳиндий тили	50%	46%	4%
Ўзбек тили	60%	10%	30%

Жадвалдан кўринадики, ҳиндий тилида атрибутив бирикманинг махсулдорлиги анча юқори, кейинги ўринларда предикатив ҳамда объектли бирикмалар туради. Қолаверса, мазкур тилдаги моделлар хилма хиллиги билан ҳарактерланади. Бунинг асосий сабаби ҳиндий тили анализтик тил бўлиб, унда воситали-воситасиз шаклларнинг мавжудлиги, отларга жинс грамматик категориясининг хослигидир. Кўринадики, келишик шакллари ҳисобланган послелоглар ўзлари бирикиб келаётган отларнинг жинс ҳамда сонига қараб шаклан мослашади.

Ўзбек тилида ҳам атрибутив бирикманинг махсулдор эканлиги кузатилди, кейинги ўринларда предикатив ҳамда объектли бирикмалар жойлашади. Ўзбек тилида предикатив бирикманинг ҳиндий тилига нисбатан торроқ доирада қўлланиши тўпланган ашёвий мисоллар таҳлили натижасида маълум бўлди. Бунинг асосий сабаби ҳиндий тилидаги ўтимли ҳамда ўтимсиз феълларнинг синтактик жиҳатидан ўзига хос тарзда қўлланишидир.

Ҳиндий ва ўзбек тилларида келишик турлари сон жиҳатидан фарқ қиласа-да, айрим келишикларда маъно-муносабатга кўра,

муштараклик кузатилди. Жумладан, бош, тушум, ўрин-пайт ва чиқиши келишик шаклларида келган сўзлар полифункционал хусусиятига биноан изоморфизм ҳодисасидадир.

Тиллардан бирида аналитик, иккинчисида агглютинативлик устунлик қиласа-да, келишик шаклларининг гапдаги функционал структураси кўп ҳолларда айнан мос тушиши кузатилди.

Ҳиндий тилида келишикларнинг аналитик, ўзбек тилида эса фақат агглютинатив усулда ифодаланиши кузатилди.

Ҳиндий тилидаги аксарият келишик шаклларининг вазифавий жиҳатдан ўзбек тилидаги кўмакчиларга мос тушиши аниқланди. Ваҳоланки, эски ўзбек тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам келишик шакллари вазифасини кўмакчилар бажариши мумкин. Бироқ маъно кўмакчилар билан ифодаланганда нисбатан аниқроқ бўлган.

Сўз бирикмаларининг семантик таҳлили натижасида ҳиндий тилида атрибутив бирикма махсулдорлиги билан етакчиликка эгалиги, кейинги ўринларда предикатив ҳамда обьектли бирикмалар туриши маълум бўлди. Ўзбек тилида эса ҳиндий тилидан фарқли ўлароқ предикатив бирикманинг нисбатан тор доирада ишлатилиши ва каммаҳсуллиги кузатилди. Бунинг асосий сабаби тиллардаги гап структурасининг хусусиятига боғлиқ. Объектли бирикмалар нисбатан кўплиги билан алломорфизм ҳодисасини воқелаанди.

Сўз бирикмаларининг маъновий таҳлили ҳар икки тилда бош, тушум ҳамда қаратқич келишикларининг махсулдор эканлигини кўрсатди.

## ХУЛОСА

Иккала тилда ҳам от туркумига хос сон ва келишик категориясига доир кўплаб илмий ишлар олиб борилган. Ҳиндий ва ўзбек тилларидағи от сўз туркумидаги сон ва келишик категориялари илк бор чоғиштирма-типологик метод нуқтаи назардан ўрганилди. Мазкур тадқиқотда ҳиндий ва ўзбек тилларига оид аниқ масала таҳлилга тортилди, унинг ўзига хос жиҳатлари атрофлича ёритилди ва қуидаги тўхтамларга келинди:

1. Биринчи бобида мавзуга доир кўплаб илмий-назарий адабиётларни кўриб чиқиш натижасида ҳиндий ва ўзбек тилларига хос хусусий ва умумий жиҳатлари борлиги аниқланди.

2. Иккала тилда ҳам отга хос сон грамматик категорияси икки субкатегория – бирлик ва кўпликдан ташкил топади. Тадқиқот жараёнида икки тилга хос сон грамматик категорияси нуқтаи назаридан қуидаги типлар аниқланди:

а) тилларни яқинлаштирувчи тил фактлари – бирликдаги отлар бир хил турдаги нарса-предметларнинг биттасини билдиради. Бу типга кўра иккала тилда ҳам бирлик шакл ҳосил қилувчи морфема 0 га teng.

б) тилларни нисбатан яқинлаштирувчи лисоний фактлар – танланган икки тилда ҳам отларнинг кўплик шакли асосан морфологик ва лексик усулда ясалади. Лексик усул, яъни сонга оид сўзлар билан отларнинг кўплик шакли ҳосил қилинганда, бир қарашда изоморфизмлик хусусияти кўзга ташланса-да, аслида алломорфизм ҳодисаси ифодаланади.

в) тилларни узоклаштирувчи тил фактлари – ҳиндий тилида жинс грамматик категориясининг мавжудлиги боис отларнинг кўплик шакли ўзбек тилидан фарқли ясалади. Ҳиндий тилида отларнинг музаккар ва муаннас жинсига қараб, кўплик шакл ҳосил қилувчи морфемалар турлича бўлади. Ушбу фактга биноан ҳиндий тили ўзбек тилида кузатилмайдиган бир хусусиятга эга, яъни отларнинг кўплик шакли ҳосил қилинганлиги оқибатида айрим сўзларда фузия ҳодиса кузатилади. Ўзбек тилида отларнинг кўплик шакли ҳосил қилинганда бундай ҳодиса кузатилмайди.

3. Тадқиқот жараёнида келишик грамматик категорияси нуқтаи назаридан қўйидаги типлар аниқланди:

а) яқинлаштирувчи тил фактлари – яъни ҳиндий ва ўзбек тилларидаги бош, тушум, чиқиш, қаратқич ва ўрин-пайт келишиклари ва уларнинг кўрсатгичлари орасида бевосита ва билвосита ўхшашликлар мавжуд.

б) нисбатан яқинлаштирувчи тил фактларига қўра, ҳиндий тилидаги биргалик ҳамда жўналиш келишиклари ўзбек тилидаги келишик шакллари билан эмас, шу тилдаги қўмакчиларга яқин туриши билан нисбатан яқинлаштирувчи типни ташкил қиласди;

в) тилларни узоқлаштирувчи тил фактларга қўра, ҳиндий тилида келишик деб тан олинган мурожаат келишиги, ўзбек тилида мавжуд эмас. Ҳиндий тилида мурожаат келишиги бажарадиган вазифа ўзбек тилида ундов сўзларга тенг келади.

4. Икки тилдаги ашёвий (аутентик) материаллар тадқиқи натажаларига структур типологик жиҳатдан тилшуносликдаги  $O + s. (gr.) + k (gr.)$  моделини асос қилиб олсак,

	ҳиндий тилида	ўзбек тилида
1.	$O (o'. - o'.s.) + s (gr.) - k (gr.)$	$O + s. (gr.) + k (gr.)$
2.	$O m..s.b.+s (0 gr.) +k (0 gr.)$	$O b. + s (0 gr.) + k (0 gr.)$
3.	$O m..s.k.+s (0 gr.) - k (0 gr.)$	$O b. + s (gr.) + k (0 gr.)$
4.	$O m..s.b.+s (0 gr.) - k (gr.)$	$O k. +s (0 gr.) + k (gr.)$
5.	$O m..s.k.+s (gr.) - k (gr.)$	$O k. + s (gr.) + k (gr.)$
6.	$O m.r.b. + s (0 gr.) - k (0 gr.)$	
7.	$O m.r.k. + s (gr.) - k (0 gr.)$	
8.	$O m.r.b. + s (0 gr.) - k (gr.)$	
9.	$O m.r.k. + s (gr.) - k (gr.)$	

тарзида хусусийликка ўзгариши намоён бўлади. Бундай моделларга мувофиқ ҳиндий тилидаги отлар ўзгарувчан ва ўзгармас ҳамда музаккар ва муаннас жинсга мансубдир. Иккала тилда отлар бирлик – кўплик, ҳамда воситасиз – воситали шаклларга қўра қарама-қаршиланади. Лекин ўзбек тилида отлар ўзгарувчан ва ўзгармас турларга бўлинмайди, жинс грамматик категорияси мавжуд эмас. Мазкур моделларга қўра, ҳиндий ва ўзбек тилларидаги сон ва келишик грамматик категориялари структур типологик жиҳатдан ўзаро алломорфизм ҳолати

устунлик қилишини кўрсатади. Шундай бўлишига қарамай айрим изоморфизм ҳолатлари ҳам кузатилади. Бошқача айтганда, икки тил ўртасида узоқлаштирувчи (расхождение) тил фактлари етакчилик қилиб, яқинлаштирувчи (сходение) тил фактлари нисбатан камроқдир. Бунинг асосий сабаби тилларнинг типологик жиҳатдан турли гурухларга мансублиги бўлиши мумкин. Бироқ танланган тилларда яқинлаштирувчи тил фактлари ҳам талайгина. Шунинг учун тадқиқотга назарий ва амалий нуқтаи назардан чоғиштирма структур типологик жиҳатдан ёндошиш жуда муҳим. Кўринадики, ҳиндий тили ўзбек тилига нисбатан мураккаб структур типологик характерга эга.

5. Семантик жиҳатдан тилшуносликда  $O + s.$  (*monofunksionallik*, *polifunksionallik*, *transpozitsiya*) + *k.* (*kelishik skakllarining ma'nolari*) модели назарда тутилса, иккала тилда ҳам сон ва келишик грамматик категориясининг ички жиҳатдан ифодаланиши, яъни уларнинг маъно ва вазифаларига кўра кўпроқ изоморфизм, яъни муштараклиги кўзга ташланади. Ҳар икки тилда сон грамматик категориясининг тўғри ва кўчма маънода қўлланиши, яъни транспозиция ҳолатда эканлиги, монофункционаллиги мос тушади. Бироқ полифункциялик нуқтаи назаридан, ҳиндий тилида сон грамматик категорияси торроқ доирада ишлатилса, ўзбек тилида ниҳоятда кенг кўламда қўлланилади. Бунга сабаб тил тараққиётига маданий-тарихий фактларнинг таъсири бўлиши мумкин. Ҳиндий ва ўзбек тилларидаги келишиклар мисолида сўз бирикмаларининг маъновий тахлили натижасида, иккала тилда ҳам бош, тушум ҳамда қаратқич келишикларининг махсулдор эканлиги аниқланди.

6. Функционал типологияга кўра, тилшуносликда  $O + s.$  (*morf.*) + *k.* (*sint.*) моделига таянилса, иккала тилда ҳам сон морфологик, яъни бир бирига қиёсан олинадиган икки грамматик маънолар қарама-қаршиланади, келишик эса синтактик, яъни асосида ётувчи маъносига кўра бирлашиб, синтактик муносабатни кўрсатиш учун хизмат қиласи. Қолаверса, иккала тилнинг грамматик тизимида сон ва келишик категориялари етакчилик қиласи.

Демак, хиндий ва ўзбек тилларида сон ва келишик грамматик категорияларининг уч ёқлама, яъни структур, семантик, функционал жиҳатдан чоғиштирма-типологик тадқиқи шуни кўрсатадики, танланган тиллар структур хусусиятига кўра, кўпроқ алломорфизм ҳодисасини ифодалайди. Мазкур грамматик категориялар семантик ва функциявий ҳолатига кўра изоморфизмлик хусусиятига эгадир.

## ГЛОССАРИЙ

Юқорида айтиб ўтилганидек, генетик ва типологик жиҳатидан турли тил гурухларига мансуб шарқ тилларини чоғиштирма-типологик аспектда таҳлил этиш шарқшуносликда янги йўналишни бошлаб бермоқда. Гарчи ҳиндшунослик соҳасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса ҳам ўзбек тили билан шарқ тили грамматик сатҳда илк бор чоғиштирилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қаралганда мазкур монография ва унинг сўнгида келтирилган глоссарий жуда муҳим. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида замонавий ҳиндий тили грамматикаси билан боғлиқ ўзбек тилида ёзилган илмий-назарий манбалар деярли йўқлиги сабабли соф ҳиндий тилидаги назарий манбалардан кўпроқ фойдаланишга тўғри келинди. Ўз навбатида ҳиндий тилидаги грамматик атамаларнинг ўзбекча муқобил вариантини топишда кўпгина қийинчиликлар учради. Шу нуқтаи назардан келгусидаги ҳиндшунослик билан боғлиқ грамматик тадқиқотлар учун мазкур глоссарийни тузиш муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Глоссарийдаги сўзлар монография ёзиш жараёнида учраган илмий лингвистик атамалардир. Улар асосан ҳиндшунос назариётчиларнинг ҳиндий тилида ёзилган асарларидан олинди. Жумладан, Аचарь किशोरीदास वाजपेयी – हिन्दी निरुक्त व्याकरण – दिल्ली, 1981; भोलानाथ तिवारी – हिन्दी भाषा – इलाहाबाद, 1972; वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003; विजय पल सिंह – समान्य हिन्दी – दिल्ली, 1989; विजयराघव रेण्डी – हिन्दी तेलुगु संज्ञा पदबंध (व्यतिरेकी अध्ययन) – आगरा केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 1987; एच. देंकिमी – हिन्दी और मिज़ो भाषा की व्याकरणिक कोटियों का व्यतिरेकी अध्ययन – आगरा, 2013; दुर्योधन महाराणा – हिन्दी ओडिया व्याकरणिक कोटियाँ – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 1984; धीरेन्द्र वर्मा – हिन्दी भाषा का विकास – दिल्ली 1962; इंद्र चन्द्र शास्त्री – हिन्दी व्याकरण – दिल्ली, 1976; लक्ष्मीबाई बालचंद्रन – हिन्दी का कारक व्याकरण – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 1988; पृथ्वीनाथ पाण्डेय – आधुनिक हिन्दी व्याकरण – दिल्ली, भारतीय पुस्तक परिषद, 2015; रामलाल वर्मा –

हिन्दी असमीया: व्याकरणिक कोटियाँ (व्यतिरेकी अध्ययन) – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 1986; रामराजपल द्विवेदी – हिन्दी व्याकरण शब्दकोश – दिल्ली, 2000; रविंद्रानाथ श्रीवास्तव, शारदा भसीन – प्रयोजना मुल्क हिन्दी व्याकरण, 1983; सत्यनारायण सी. एस. – हिन्दी व्याकरण तथा निबन्ध, नई दिल्ली, एस. चन्द्र एण्ड कम्पनी, 1987; हरिवंश सिंह – कारक व्याकरण की दृष्टि से हिन्दी परसर्ग विचार – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 2003 каби илмий-назарий асарларда учраган грамматик терминлар олинди. Танлаб олинган грамматик терминлар рус ҳиндшунос олими В.М. Бескровний таҳрири остида нашр этилган икки томлик “Ҳиндийча-русча луғат” асосида тартибга солинди ва текширилди. Сўзларнинг ўзбекча муқобил варианти “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ҳамда А. Ҳожиевнинг “Тилшунослик терминлари изоҳли луғати” га биноан танланди.

Ишда учраган атамалар ҳинд алифбоси тартиби асосида шакллантирилди. Сўзларнинг транскрипцияси, жинси ва этимологияси кўрсатилди.

№	Ҳиндийча	Жинси / этимологи яси	Транцкрипция	Ўзбекча
А				
1.	अंग-संस्थान	музаккар S.	<i>aNg-saNsTa:n</i>	морфология
2.	अंत-सर्ग	музаккар S.	<i>aNtsaRg</i>	ички флексия
3.	अंत्स्थ	музаккар S.	<i>aNtsTha</i>	ярим унли
4.	अकर्मक	музаккарS .	<i>akmark - kriya:</i>	ўтимли - феъл
5.	अकारांत	S.	<i>aka:ra:Nt</i>	“а” билан тугайдиган сўз
6.	अधिकार	музаккарS .	<i>adhika:r</i>	асосий қоида
7.	अधिकरण	музаккар S.	<i>adhikaraN</i>	ўрин-пайт келишиги
8.	अधिकार्थ	S.	<i>adhika:arTh</i>	кўп маънолилик
9.	अनेकाक्षर	S.	<i>aneka:kshar</i>	кўп бўғинли
10.	अन्यपुरुष	музаккар S.	<i>anyapuruSH</i>	учинчи шахс
11.	अन्वय	музаккар S.	<i>anvay</i>	гапда сўзлар тартиби
12.	अपदान कारक	музаккар S.	<i>apa:da:n ka:rak</i>	чиқиши келишиги
13.	अयोगात्मक	S.	<i>ayoga:tmak</i>	аналитик
14.	अर्थगत	S.	<i>arthgat</i>	семантик
15.	अर्थ – घटक	музаккар S.	<i>arthghaTak</i>	морфема
16.	अर्थ – तत्व	S.	<i>arth tatv</i>	семантема, семема
17.	अर्थ – विज्ञान	S.	<i>arth vigya:n</i>	семантика
18.	असावण्य	музаккар	<i>asavarNya</i>	диссимилияция

		S.		
आ				
19.	आकर - भाषा	муаннас S.	<i>a:kar-bha:SHa:</i>	үзлашган лексика
20.	आधिक्यसूचकाव स्थ	муаннас S.	<i>a:dhikyasu:cha ka:vastha:</i>	қиёсий даража
21.	आर्थि	S.	<i>a:rthi:</i>	семантик
22.	आसन्न -भूत	муаннас S.	<i>a:sann -bhu:t</i>	ҳозирги тугалланган замон
इ				
23.	इकारांत	S.	<i>ika:ra:Nt</i>	“и” билан тугаган сүз
24.	इच्छार्थक	музаккар S.	<i>iccha:rthak</i>	истак майли
उ				
25.	उकारांत	S.	<i>uka:ra:Nt</i>	“у” билан тугаган сүз
26.	उत्तर - पुरुष	муаннас S.	<i>uttar-puru:SH</i>	учинчи шахс
27.	उत्तम - पुरुष	музаккар S.	<i>uttam-puru:SH</i>	биринчи шахс
28.	उच्चारण	музаккар S.	<i>uchchara:raN</i>	талаффуз
ऊ				
29.	एकप्रणालिक	S.	<i>ekpraNa:lik</i>	бир тизимли
30.	एकवचन	музаккар S.	<i>ekvachan</i>	бирлик
क				
31.	करता कारक	S.	<i>karta: ka:rak</i>	бош келишик
32.	करण कारक	S.	<i>karaN ka:rak</i>	воситали келишик
33.	कर्म कारक	S.	<i>karm ka:rak</i>	тушум келишиги
34.	कारक	музаккар	<i>ka:rak</i>	келишик

		S.		
35.	कारक – रचना	муаннас S.	<i>ka:rak-rachna:</i>	турланиш
36.	काल –रचना	муаннас S.	<i>ka:l-rachna:</i>	замон
37.	कालवाचक	S.	<i>ka:lva:chak</i>	замон
38.	क्रिया	муаннас S.	<i>kriya:</i>	феъл
39.	क्रिया – विशेषण	музаккар S.	<i>kriya:</i> <i>visheSHaN</i>	равиш
40.	क्रियावाचक संज्ञा	S.	<i>kriya:va:chak,</i> <i>saNgya:</i>	отлашган феъл
41.	क्षेत्रवाची		<i>kshetrvachi:</i>	топонимик
ख				
42.	खंडीकरण	музаккар S.	<i>khaNDi:karaN</i>	сегментация
43.	खंडीय	S.	<i>khaNDi:ya</i>	сегмент
44.	खंडेतर	S.	<i>khaNDetar</i>	суперсегмент
ध				
45.	धातु	муаннас S.	<i>dha:tu</i>	ўзак
46.	ध्वनि	муаннас S.	<i>dhvani</i>	овоз
प				
47.	पुल्लिंग		<i>pulling</i>	музаккар
ब				
48.	बहुवचन	музаккар S.	<i>bahuvachan</i>	кўплик
भ				
49.	भविष्य – काल	музаккар S.	<i>bhaviSHyat</i> <i>ka:l</i>	келаси замон
50.	भाववाचक संज्ञा	муаннас S.	<i>bha:vva:chak</i> <i>sangya:</i>	мавҳум от
51.	भूत – काल	музаккар S.	<i>bhu:tka:l</i>	ўтган замон

		.		
ल				
52.	लिंग	музаккарS .	<i>Ling</i>	жинс
व				
53.	वचन	музаккарS .	<i>Vachan</i>	сон
54.	वर्ण	музаккарS .	<i>varN</i>	тovуш
55.	वर्ण – माला	муаннас S.	<i>varN-ma:la:</i>	алифбо
56.	वर्तमान – काल	музаккарS .	<i>vartma:n ka:l</i>	ҳозирги замон
57.	वाच्य	S.	<i>va:chya</i>	тovуш
58.	विभक्ति	муаннас S.	<i>Vibhakti</i>	флекция, послелог, күмакчи
59.	विभक्ति - प्रत्यय	музаккарS .	<i>vibhakti – pratyay</i>	келишик күшимчалари, феъл күшимчалари
60.	विभक्ति – रहित	музаккарS .	<i>vibhakti rahit</i>	воситасиз
61.	विभक्ति – सहित	музаккарS .	<i>vibhakti sahit</i>	воситали
62.	विशेषण	музаккарS .	<i>visheSHaN</i>	сифат
63.	व्यंजन	музаккарS .	<i>Vyanjan</i>	ундош
64.	व्याकरण	музаккарS .	<i>vya:karaN</i>	грамматика
65.	विपरीतार्थक या विलोम शब्द	музаккарS .	<i>vipri:ta:rthak ya: vilom shabd</i>	антоним
स				
66.	संख्यावाचक	S.	<i>sankhya:va:ch</i>	сон

	विशेषण		<i>ak visheSHaN</i>	
67.	संज्ञा	музаккарS .	<i>sangya:</i>	от
68.	संज्ञा का विकारी रूप	музаккарS .	<i>sangya: ka: vika:ri: rup</i>	отнинг грамматик шакли
69.	सर्वनाम	музаккарS .	<i>sarvna:m</i>	олмош
70.	संबंधसूचक	S.	<i>sambandh su:chak</i>	кўмакчи, препозиция
71.	संयुक्त क्रिया	S.	<i>sanyukt kriya:</i>	қўшма феъл
72.	समुच्चय बोधक	S.	<i>samuchchay bodhak</i>	боғловчи
73.	स्त्रि - लिंग	музаккарS .	<i>srti:ling</i>	муаннас
74.	स्वर	музаккарS .	<i>svar</i>	унли

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

1. **AB** – атрибутив бирикма
2. **OB** – объектли бирикма
3. **PB** – предикатив бирикма
4. **O** – от
5. **a.o.** – атоқли от
6. **t.o.** – турдош от
7. **S** – сифат
8. **F** – феъл
9. **R** – равиш
10. **B.o.** – биргалик олмоши
11. **O'.o.** – ўзлик олмоши
12. **Ko'.o.** – кўрсатиш олмоши
13. **G.o.** – гумон олмоши
14. **s.o.** – сон билан ифодаланган олмош
15. **K.o.** – кишилик олмоши
16. **S.o.** – сўроқ олмоши
17. **R.d.** – равишдош
18. **S.d.** – сифатдош
19. **m.s.b.** – муаннас бирлик
20. **m.r.b.** – музаккар бирлик
21. **m.s.k.** – муаннас кўплик
22. **m.r.k.** – музаккар кўплик
23. **i.m.** – истак майли
24. **b.m.** – буйруқ майли
25. **x.m.** – хабар майли
26. **U.s.** – ундов сўз
27. **K.s.** – кўплик сон
28. **p.** – послелог
29. **q.** – қўшимча
30. **h.n.** – ҳаракат номи
31. **i.sh.** – инкор шакл
32. **s.** – сон грамматик категорияси
33. **k.** – келишик грамматик категорияси
34. **gr.** – граммема
35. **o'.** – ўзгарувчан
36. **o'.s.** – ўзгармас

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Илмий адабиётлар**

1. Абдуазизова Д.А. Сравнительно-типологический анализ паралингвистических средств (на материале английской, узбекской и русской вербальной и невербальной коммуникации): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 1997. – С. 21.
2. Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология, 1-т том. -Т.: Фан, 1975. – Б. 612.
3. Абдураҳмонов F., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – Б. 320.
4. Абдураҳмонов F. Ўзбек тили грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Адинъяева А. С. Сравнительная характеристика категорий имени существительного татарского и русского языков: Афтореф.дис. ... канд.филол.наук. – М., 2011. – С. 24.
6. Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 175.
7. Азизов О., Сафаев А., Жамолхонов X. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – Б. 256.
8. Асқарова М.А., Сайдниёзова Х.М. «Бир» сўзининг қўлланиши хақида // Ўзбек тилшунослигининг айрим масалалари. Илмий асарлар. – Т, 1972. – Б. 42-45.
9. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1976. – С. 487.
10. Баранников А.П. Хиндустани (хинди и урду). – М.: Изд-во лит.ры на иностр. яз., 1956. – С. 239.
11. Баранников А.П. Краткий грамматической очерк хинди. Прил. К «Хинди-русский словарь». – М.: Изд-во лит.ры на иностр. яз., 1959. – С. 1123-1167.
12. Баранников П.А. Проблемы хинди как национального языка. – Ленинград, Наука, 1972. – С. 127.
13. Бархударов Л.С.Очерки по морфологии современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1975. – С. 156.
14. Бархударова Л.А. К вопросу о падежной категории в индоарийских языках; Падежные формы в функции

- подлежащего и дополнения в маратхи // Индийская и иранская филология. – М.: Наука, 1976. – 12-27.
15. Бегизова Х.Б. Лексические и грамматические особенности английских заимствований в хинди: Афтореф. дис. ...канд. пед.наук. – М., 1973. – С. 34.
  16. Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. –Т., 1979. – Б. 209.
  17. Батманов И.А. Язык енисейских памятников древнетюрской письменности, – Фрунзе, 1959. – С. 220.
  18. Буранов Дж.Б. Типологические категории и сравнительное изучение языков: Автореф. дис. ... докт. филол. Наук. – М., 1979. – С. 48.
  19. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – С. 283.
  20. Виноградов В.А. Типология // Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Большая Российская Энциклопедия, 2002. – С. 512.
  21. Гуру К. Грамматика хинди. Часть I. Пер. С хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. и с предисл. Проф. Б.А.Ларина. – М.: Изд-во иностранной лит.ры, 1957. – С. 236.
  22. Гуру К. Грамматика хинди. Часть II. Пер. С хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. И с предисл. Проф. Б.А.Ларина. – М.: Изд-во иностранной лит.ры, 1962. – С. 522.
  23. Дадабоев X. Луғатда эркак ва аёл жинсининг ифодаланиши. «Девону луғотит турк» нинг тил хусусиятлари. – Т., 2017. – Б. 37-55.
  24. Докулил М.К. Вопросы морфологических категорий // Вопросы языкознания. 1967. №6. – С. 5-6.
  25. Дурнов Н.Н. Грамматический словарь (грамматические и лингвистические термины). – М.: Педагогика, 1974. – С. 304.
  26. Дымшиц З.М. Грамматика языка хинди. Часть II. – М.: Наука, 1986. – С. 210.
  27. Елизаренкова Т.Я. Индийские (индоарабские) языки. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Большая Российская Энциклопедия, 2002. – С. 512.
  28. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов, – М.: Пилигрим, 2010. – С. 488.

29. Зализняк А.А. Грамматические очерк санскрита. – В.А.Кочергина Санскритско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1978. – С. 787-895.
30. Зикриллаев Ҳ. Ўзбек тили морфологияси. – Бухоро, 1994. – Б. 203.
31. Зиёева И. Келишик аффиксларининг функционал алмашинувларига доир. – Т., 1958.
32. Зограф Г.А. Морфологический строй новых индоарийских языков. – М.: Наука, 1979. – С. 156.
33. Зограф Г.А. Языки Индии, Пакистана, Цейлона и Непала. – М.: Изд. вос.лит. 1960. – С. 134.
34. Зограф Г.А. Языки Южной Азии. – М.: Наука, 1990. – Б. 209.
35. Иноятов Т. Бош келишикнинг вазифалари. – Т., 1971. 114.
36. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б. 256.
37. Каримов А.А. Хитой тили сон категориясининг назарий аспекти ва типологик ёндашув // Шарқшунослик, 2016 йил, 1-сон. – Б. 19-23.
38. Катенина Т.Е. Язык хинди. – М: Издательство восточной литературы, 1960, – С. 103.
39. Катенина Т.Е. Очерк грамматики языка хинди. Прил. к «Русско - хинди словарю». – М.: Изд-во лит.ры на иностр. яз., 1957. – С. 1308-1310.
40. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевые мышление. – М.: Наука, 1972. – С. 165.
41. Кан Кай Концептуальные смыслы грамматических категорий русского имени существительного на фоне китайского языка: Афтореф.дис. ... канд.филол.наук. – М., 2019. – С. 26.
42. Комилов З.С. Опыт контрастивного изучения деепричастных форм в языках бенгали и хинди: Афтореф.дис. ... канд.филол.наук. – Т., 1995. – С.34.
43. Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику, пер.с.англ. – М.: Наука, 1978. – С. 340.
44. Липеровский В.П. Именные части речи языка хинди. – М.: ГРВП, 1978. – С. 168.

45. Липеровский В.П. Части речи как грамматические классы слов в хинди // Части речи. Теория и типология. – М.: ГРВЛ, 1990. – С. 119-137.
46. Липеровский В.П. Прямой падеж имени существительного и функция субъекта действия в хинди // Индийское языкознание. – М.: ГРВЛ, 1978. – С. 135-142.
47. Липеровский В.П. О категории числа существительных в хинди // Учебные записки Московского государственного института международных отношений. Вопросы языка и литературы. Вып. 7 (индийские языки). – М.: 1971. – С. 190-195.
48. Липеровский В.П. О денотативной значимости категории рода имен существительных языка хинди // Проблемы семантики. – М.: ГРВЛ, 1974. – С. 214-220.
49. «Лингвистический энциклопедический словарь» под редакцией В.Н.Ярцевой, – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 105.
50. Лукина Н. Ю. Роль грамматических средств в формировании языковой картины мира: На материале грамматических категорий имени существительного в русском и английском языках: Афтореф.дис. ... канд.филол.наук. – М., 2003. – С. 25.
51. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 149.
52. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – М.: Иностранной литературы, 1960. – С. 435.
53. Мухаммеджанов Р. Падежи, послелоги, предлоги в языках хинди и урду // Вопросы филологии стилистики и грамматики восточные языков, – Т., 1972.
54. Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 160.
55. Насилов В.М. Язык орхено-енисейских памятников, ИВЛ – М., 1960. – С. 87.
56. Нурматов С.С. Хиндий ва сингал тилларидағи соннинг морфологик хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Т., 2005. – Б. 42.

57. Общие языкознание. Методы лингвистических исследований. – М.: Наука, 1973. – С. 260.
58. Расулов Р. Чиқиши келишиги. – Андижан, 1957. 107.
59. Расулов И. Отнинг грамматик категориялари. Танланган асарлар. II жилд. – Т.: Мумтоз сўз, 2015. – Б. 127-153.
60. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек тили келишигини таснифлаш ҳақида. – Т., 1969.
61. Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – Б.254.
62. Сигорский А.А. Падежная система хинди как нечеткая структура // Восточные языки и культуры: материалы II Международной научной конференции, – М., 2008. – С. 74-78.
63. Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – С. 224.
64. Сятковский С. Синхронно - сопоставительное языкознание и преподавание иностранных языков // Международная научная конференция «Язык и культура». Тез. докл. – М., 2001. – С. 342.
65. Турниёзов Н., Раҳимов А. Ўзбек тили. Самарқанд, Самарқанд давлат чет тиллари институти, 2006. – Б. 173.
66. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. Лексикология. –Т.: Ўқитувчи, 1965. – Б. 400.
67. Ульциферов О.Г. Словосочитания в хинди. – М.: Наука, 1971. – С. 349.
68. Успенский Б.А. Структурная типология языков. – М.: Наука, 1965. – С. 286.
69. Фитрат А. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф. – Т., 1930.
70. Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.: Фан, 1965. – Б. 144.
71. Қаюмов К. «Қутадғу билиг» тилида келишик категорияси: фил.ф.н. ... дисс.автореф. – Т., 1962. 32.
72. Қодиров З. Ўзбек тилида грамматик категорияларни систем таҳлил қилиш (келишик категорияси): Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Самарқанд, 1993.

73. Холманова З.Т. Тилшуносликка кириш. – Т.: ЎзМУ, 2007. – 177.
74. Чандра Капила Имя существительное в русском языке как объект изучения говорящими на хинди и английском языках: Морфологический аспект: Афтореф. дис. ...канд. пед.наук. – М., 2003. – С. 27.
75. Чаттержий С.К. Введение в индоарийское языкознание. – М.: Наука, Главная редакция восточной литературы, 1977, – С. 256.
76. Чернышев В.А. Диалекты и литературный хинди. – М.: Наука, 1969. – С. 101.
77. Чернышев В.А. Синтаксис простого предложения в хинди. – М.: Наука, 1965. – С. 232.
78. Шоматов О.Н. Лексико-грамматический очерк языка дакхини XVII в.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1966. – С. 34.
79. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. З-қисм. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2004. – Б. 92.
80. Шоматов О.Н. Ҳиндий тили меъёрий грамматикаси. 1-қисм. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010. – Б. 112.
81. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики, Т.: Фан, 2007. – С. 127.
82. Ярцева В.Н. Иерархия грамматических категорий и типологическая характеристика языков. В.кн.: Типология грамматический категорий. – М.: Мещаниновские чтения.1975. – С. 713.
83. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. З-том. – Т., 2002. – Б. 704.
84. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 4-том. – Т., 2003. – Б. 704.
85. Ўзбек тили грамматикаси. Т. I. Морфология. -Т: Фан, 1975. – Б. 610.
86. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Т., 2006, 2008. (онлайн)
87. Гуломов А. Ўзбек тилида келишиклар. СССР ФА Ўзбекистон филиалининг асарлари. 11 серия. Филология. 2-китоб. – Т., 1941.

88. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – Б. 216.
89. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т.: Фан, 2010. – Б. 256.
90. Ҳожиев А. Тилшунослик терминлари изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 165.
91. آचار্য কিশোরীদাস বাজপেয়ী – হিন্দি নিরূক্ত ব্যাকরণ – দিল্লী, 1981. – পৃ০ 100.
92. भोलानाथ तिवारी – हिन्दी भाषा – इलाहाबाद, 1972. – पृ० 709.
93. वासुदेवनन्दन प्रसाद – आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना – भारती भवन, पटना, 2003. – पृ० 406.
94. विजय पल सिंह – समान्य हिन्दी – दिल्ली, 1989. – पृ० 296.
95. विजयराघव रेड्डी – हिन्दी तेलुगु संज्ञा पदबंध (व्यतिरेकी अध्ययन) – आगरा केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 1987. – पृ० 184.
96. एच. देंकिमी – हिन्दी और मिज़ो भाषा की व्याकरणिक कोटियों का व्यतिरेकी अध्ययन – आगरा, 2013, – पृ० 255.
97. दुर्योधन महाराणा – हिन्दी ओडिया व्याकरणिक कोटियाँ – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 1984. – पृ० 251.
98. धीरेन्द्र वर्मा – हिन्दी भाषा का विकास – दिल्ली 1962. – पृ० 344.
99. इंद्र चन्द्र शास्त्री – हिन्दी व्याकरण – दिल्ली, 1976.
100. लक्ष्मीबाई बालचंद्रन – हिन्दी का कारक व्याकरण – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 1988. – पृ० 45.
101. पृथ्वीनाथ पाण्डे – आधुनिक हिन्दी व्याकरण – दिल्ली, भारतीय पुस्तक परिषद, 2015. – पृ० 405.
102. रामलाल वर्मा – हिन्दी असमीयা: व्याकरणिक कोटियाँ (व्यतिरेकी अध्ययन) – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 1986. – पृ० 262.
103. रामराजपल द्विवेदी – हिन्दी व्याकरण शब्दकोश – दिल्ली, 2000. – पृ० 134.
104. रविंद्रानाथ श्रीवास्तव, शारदा भसीन – प्रयोजना मुल्क हिन्दी व्याकरण, 1983. – पृ० 76.
105. सत्यनारायण सी. एस. – हिन्दी व्याकरण तथा निबन्ध, नई दिल्ली, एस. चन्द्र एण्ड कम्पनी, 1987. – पृ० 119.

106. हरिवंश सिंह – कारक व्याकरण की दृष्टि से हिन्दी परसर्ग विचार – आगरा, केंद्रीय हिन्दी संस्थान, 2003. – पृ० 148.
107. Colin P. Masica the Indo-Aryan Languages, Cambridge, Cambridge University, 1991. – P. 553.
108. Suraj Bhan Singh A syntactic grammar of Hindi, Delhi, Bhanu printers, 2012. – P. 263.

### **Манбалар**

109. प्रेमचंद – मानसरोवर – 1, दिल्ली. – पृ० 280.
110. प्रेमचंद – मानसरोवर – 2, दिल्ली. – पृ० 304.
111. Абдулла Қаххор. Даҳшат. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б. 109.
112. Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. – Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 109.

### **Интернет сахифалари**

113. [www.http//indianlinguistics.ru](http://indianlinguistics.ru)
114. [www.http/bhasha.co.i](http://bhasha.co.i)
115. [www.http/jnu.com](http://jnu.com)
116. [www.arxiv.uz](http://arxiv.uz).
117. [www./uzkitob.uz](http://uzkitob.uz)
118. <http://www.ziyonet.uz>

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ .....	3
МУҚАДДИМА .....	7
ҲИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОТ СЎЗ ТУРКУМИ ВА УНГА ХОС ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР .....	8
Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос грамматик категориялар тавсифи ва таснифи .....	8
Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос сон грамматик категориясининг ўрганилиши .....	21
Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос келишик грамматик категориясининг ўрганилиши .....	31
<b>ҲИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОТ СЎЗ</b>	
<b>ТУРКУМИГА ХОС СОН КАТЕГОРИЯСИДА ИЗОМОРФИЗМ ВА АЛЛОМОРФИЗМ ҲОДИСАСИ .....</b>	<b>52</b>
Ҳиндий ва ўзбек тилларидаги сон грамматик категорияси шакларининг изоморфизм ҳодисаси.....	52
Ҳиндий ва ўзбек тилларидаги сон грамматик категорияси шакларининг алломорфизм ҳодисаси .....	65
<b>ҲИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОТГА ХОС КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИДА ИЗОМОРФИЗМ ВА АЛЛОМОРФИЗМ ҲОДИСАСИ.....</b>	<b>73</b>
Ҳиндий ва ўзбек тилларида келишик категорияси шакларининг изоморфизм ҳодисаси .....	73
Ҳиндий ва ўзбек тилларида келишик категорияси шакларининг алломорфизм ҳодисаси .....	83
Ҳиндий ва ўзбек тилларидаги келишик категорияси шакларининг семантикаси .....	98
ХУЛОСА .....	96
ГЛОССАРИЙ .....	100
ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР .....	107
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	108

## **ҚАЙДЛАР УЧУН**

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

## **ҚАЙДЛАР УЧУН**

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

## **ҚАЙДЛАР УЧУН**

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

**К.А. Рахматжонова** – Ҳиндий ва ўзбек тилларида сон ва келишик грамматик категорияларининг чоғишишима типологияси. – Тошкент, 2022. – 120 б.

**Масъул муҳаррирлар:**

**Ш.Б.Содикова**

филология фанлари номзоди, доцент

**Х.Б.Бегизова**

филология фанлари номзоди, доцент

**Тақризчилар:**

**Х.А.Дадабоев** –

филология фанлари доктори,

профессор

**Н.Г.Незомиддинов** –

филология фанлари доктори,

профессор

**Н.Б.Ходжаева** –

филология фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

*Мазкур монография Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг 2021 йил 7 октябрь 2-сонли мажлис нашрга тавсия этилган.*

Босишига рухсат эйтлди: 30.11.2021

Бичими 60x84 1/16 Шартли 7,5 б.т.

50 нусхада босилди. Буюртма №

Тошкент давлат шарқшунослик  
университетининг кичик босмахонаси.

Тошкент, Амир Темур қўчаси, 20.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2022